

**Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ  
“ИҚТИСОДИЕТ” КАФЕДРАСИ**

**ПУЛ КРЕДИТ ВА БАНЛАР  
фанидан ўқув-услубий мажмуда**

**Гулистан - 2018**

“Пул кредит ва банклар” фанидан ўқув-услубий мажмуа Ўзбекион Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2015 йил 3августда №БД-5230100 билан руйхатга олинган ва 2015 йил 2 феврвльдаги №32 сонли буйруғи билан тасдиқланган “Пул кредит ва банклар” фанининг укув дастурига мувофик тайёrlанган

Тузувчилар:

Б.Бекмухамедова - ГулДУ “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчи:

Райимбердиева О.Р - ГулДУ , “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.д.

“Пул кредит ва банклар” фанидан ўқув-услубий мажмуа Гулистон давлат университети ўқув-услубий кенгашининг 18.06.2018 йилдаги № 10сонли йиғилишида кўриб чиқилиб таълим жараёнида фойдаланишга тавсия этилган.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3
I.Үқув материаллари.....	5
1.1.Маъруза матнлари .....	6
1.2.Амалий машғулотлар учун ишланмалар.....	37
1.3.Адабиетлар рўйхати.....	80
II.Мустақил таълим материаллари.....	83
III. Госарий.....	96
IY. Иловалар.....	110
4.1. Фан дасиури	
4.2.Ишчи фан дастури.....	110
4.3. Тестлар.....	125
4.4.Тарқатма материаллар.....	162
4.5. Бахолаш мезонлари .....	177

## **КИРИШ**

Иқтисодиётни самарали бошқариш унинг муҳим таркибий қисми бўлган пул-кредит тизими фаолиятини ўрганишни, уларнинг ишлаш усуллари ва вазифаларини билишни тақозо қиласди. Чунки пул-кредит тизими мамлакат иқтисодиётини маблағ билан таъминловчи ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини белгиловчи инфратузилма бўлиб ҳисобланади.

Пул-кредит тизими фаолиятини мувофиқлаштиришнинг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодиётни ривожлантириш, халқаро банк тизими талабларига мос келувчи маҳаллий банклар фаолиятини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Банк тизимининг ривожланишига мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан ўз маърузаларида “Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Бу ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқда” деган эди[1].

Банкларга кўп ҳолларда пул маблағларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит-хисоб ва бошқа ҳар хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасалари деб юритилади. Банклар корхона, ташкилот, давлат муассасалари, аҳоли бўш пулларини жалб қилиш орқали катта ҳажмдаги капитални ўз қўлларida жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб борадилар. Пул-кредит ҳаракати билан боғлиқ масалаларни назарий жиҳатдан ўрганиш бевосита «Пул, кредит ва банклар» фанига боғлиқ.

Бу фан орқали талабалар замонавий пул, банк назарияси ва молиявий бошқарув, қимматли қофозлар билан операциялар, банклар томонидан пул муомаласини бошқаришнинг назарий асосларини ва амалий услубларини ўрганадилар.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари  
Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларни пул-кредит соҳаси қонуниятлари, уни ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришдаги тутган ўрнини ўргатишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларга замонавий пул, кредит ва молия назариясини ўргатиш; пул-кредит муносабатларини ва ривожланиш йўналишларини ўргатиш; хозирги замон пул-кредит тизими қонуниятларини таҳлил этиш; инфляция ва уни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш ва уларни бошқаришни кўрсатиб бериш ҳисобланади.

# **МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

## **МАВЗУ 1. “ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР” ФАНИНИНГ МОХИЯТИ ВА ФАННАДАГИ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Режа**

1. “Пул, кредит ва банклар” фанининг предмети ва вазифалари.  
Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.
2. Пулнинг моҳияти ва унинг намоён бўлиш шакллари.
3. Кредит иқтисодий категория сифатида. Кредитнинг зарурлигини белгиловчи омиллар.
4. Банк тушунчаси, банкларнинг турлари ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.

## **1.1. “Пул, кредит ва банклар” фанининг предмети ва вазифалари. Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.**

“Пул-кредит ва банклар” фани фундаментал, назарий фанлардан бири бўлиб, бошқа иқтисодий ва мутахассислик фанларини чуқур ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур фан “Банк иши” таълим йўналиши учун 2- курс бакалавр тингловчилари учун 3- 4 ва 5 семестрларда, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (солик йўналиши бўйича) 4-5-семестрда ва бошқа барча таълим йўналишлари учун 4 – семестрда ўқитилади. Фаннинг ўқитишдан мақсад тингловчиларни пул-кредит соҳаси қонуниятлари, уни ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги тутган ўрни, назарий асосларини, жамият ҳаётидаги аҳамиятини, уларни муомаласини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш ва бошқалардан иборат. Шунинг билан бирга, фан банк, банк тизими, кредит тизими ва унинг жамият тараққиётидага ўрни, мамлакат пул муомаласини ташкил қилиш, мақсади ва вазифаларини ўргатишдан иборат.

Мазкур фан пулнинг харид қуввати, унинг мамлакат иқтисодиётини барқарорлигига таъсири, инфляция ҳамда мавжуд макроиқтисодий омилларни чуқурроқ ўрганишдан иборат.

**Шунинг учун “Пул, кредит ва банклар” фани “Банк иши”, “Соликлар ва соликқа тортиш”, “Молиявий менежмент”, “Тижорат банкларининг қимматли қофозлар билан операциялари” фани билан чамбарчас боғлиқ.**

Фаннинг предмети, пулнинг пайдо бўлиш сабаблари, пул шакллари ва турларининг эволюцияси, унинг моҳияти ва унинг намоён бўлиш шакллари, функциялари, Қиймат шаклларининг эволюцияси. Қийматнинг шакллари, бошқа иқтисодий категориялардан ажралиб турувчи ўзига ҳос хусусиятлари ҳамда кредит пуллари ва уларнинг турларини чуқурроқ ўргатади.

Шунингдек, пул тўғрисидаги назариялар, унинг шакллари, унинг юзага келиш шарт-шароитлари, назарияларни яратган олимларни фикр ва ғоялари, камчиликлари ҳақида ўрганади.

Пул айланмаси ва унинг таркиби, нақд ва нақдсиз пуллар, уларни айланиш тамойиллари, шакллари ҳақида гап боради. Шунинг билан бирга, пул муомаласини ташкил қилиш ва пул массаси, пул муомаласи қонунлари, пул агрегатлари, муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш услублари, пул муомаласи қонунларининг бузилиши ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ёритилган.

Пул тизими: тушунчаси, шакллари ва элементлари, Ўзбекистон Республикаси пул тизимининг ривожланиш босқичларини ўрганади. Пул ислоҳотларини амалга оширишнинг зарурлиги, уларни амалга ошириш шарт-шароитлари, пул ислоҳотларини амалга ошириш усуллари кенг ёритилган.

Инфляция ва унинг турлари, юзага келиш сабаблари, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари, инфляция тўғрисида назариялар ҳамда пулнинг барқарорлигини таъминлаш йўллари ёритилган.

Шунинг билан бирга, кредитнинг зарурлиги, моҳияти ва функциялари, тамойиллари, характерли белгилари, хусусиятли томонлари ёритилган. Кредитнинг иқтисодий барқарорликдаги ўрни очиб берилган.

Кредит муносабатларининг ривожланиш босқичларининг юзага келиш сабаблари. Кредит муносабатларининг ривожланиш босқичлари, шакллари ва туркумланиши, кредитнинг баҳоси ва унга таъсир қилувчи омиллар ёритиб берилган.

Шунинг билан бирга, банкларнинг келиб чиқиши ва банк тизими, Марказий банк ва унинг функциялари, уларнинг актив ва пассив операциялари, уларни мустақиллиги кенг ёритиб берилган.

Тижорат банклари ва уларнинг бажарадиган функциялари, уларни ташкил этиш ва иқтисодиётни ривожидаги ўрни ёритилган. Шунинг билан бирга нобанк кредит ташкилотлари, зарурлиги ва уларнинг турлари, вазифалар уларни тартибга солиш масалалари ҳамда кредит тизими, элементлари ва унинг барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар очиб берилган.

Шунингдек, ҳалқаро валюта муносабатлари, асослари, миллий валюта тизими ва турлари, вазифалари ва уларни тартибга солиш масалалари ёритилган. Шунинг билан бирга, ҳалқаро молия институтлари ва уларнинг турлари мақсади ва вазифалари бажарадиган операцияларини ўз ичига олган. кенг қамровли фаннинг предметларини ўз ичига олган.

## **1.2.Пулнинг моҳияти ва унинг намоён бўлиш шакллари.**

Пул ўзининг эволюцияси жараёнида металл (олтин, кумуш, мис), қоғоз, кредит пуллар шаклида ишлатилиб келган. Қийматни ўзида ифодалашига кўра пуллар икки турга бўлинади:

- ҳақиқий пуллар;
- ҳақиқий пул издошлари - қиймат белгилари.

Ҳақиқий пуллар номинал қийматини ўзида ифодаловчи, реал қийматга эга бўлган металл пуллар бўлиб, улар ҳар хил шаклларда чиқарилган ва кейинчалик амалиётда қулай бўлган айланна (шу шакл-да металл эмирилиши кам бўлади) шаклда чиқарилган.

Кредит пуллар деб кредит муносабатлар асосида юзага келувчи, тўлов воситасини бажарувчи қиймат белгиларига айтилади.

Дехқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликнинг ажраб чиқиши туфайли уларда энди маҳсулот билан бир вақтда товар ишлаб чиқариш пайдо бўлди. Ушбу ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзларидаги етиштирилган ортиқча маҳсулотларни ўзларининг эҳтиёжини қондириш мақсадида бошқа маҳсулотларга доимий равишда айрибошлишга кучли эҳтиёж юзага чиқди. Ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки уни айрибошлиш мақсадида етиштирган маҳсулоти товарга айланди. Демак маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни уларнинг

Эҳтиёжини қондиришдан ортган қисмини бошқа маҳсулотга айирбошлаш учун йўналтирилиши натижасида маҳсулот товарга айланган.

Ушбу жараённи бир ишлаб чиқарувчидан бошқа ишлаб чиқарувчи ўртасидаги товар айирбошлашни шаклланиши деб ҳисобланади. Бунинг натижасида турли товарларнинг шакли, сифати, эҳтиёжни қондиришлигига асосан уларнинг қийматини аниқлашлик, яъни мослилик талаб этила бошлади.

Натурал хўжалик шароитида доимий равишда ортикча маҳсулот ишлаб чиқариш юзага чика бошлади. Бунда қийматнинг оддий ёки тасодифий шакли юзага чикади. Чунки ишлаб чиқаришни хали ривожланмаганлиги сабабли товар айирбошлаш чекланган. Бунда факат икки ҳолат ҳисобга олинади: ишлаб чиқарувчи ва ҳаридорларни манфаатларини ўзаро мос келиши ва айирбошлаётган товарларнинг қийматини тўғри келиши:

Битта 1қўй = бир қоп буғдой

ёки бўлмаса:

Бир қоп буғдой = битта болта.

Албатта бу ҳолатда энг аввало ишлаб чиқарувчи ва ҳаридорнинг манфаатлари ўзаро мос келиши асосий ўринни эгаллаган. Масалан, қўй эгасига бир қоп буғдой керак. Лекин буғдой эгасига қўй керак эмас, унга битта болта керак. Бу ерда товар айирбошлаш юзага чиқмайди. Қўй эгаси агарда болта эгаси манфаатига мос келса, у ҳолда у ўз қўйини битта болтага айирбошлайди. Шундан сўнг у болтани олиб боради ва бир қоп буғдойга алмаштириш имкониятига эга бўлади. Иктиносидай адабиётда жуда қизиқ ҳолат акс эттирилган. Африка қабиласи аъзоларидан бири ўз эҳтиёжини кондириш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини 28 та ишлаб чиқарувчига боришига мажбур бўлган.<sup>1</sup>

Узоқ қадимдан ишлаб чиқаришнинг ва товар муносабатларини ривожланиши натижасида пул юзага чика бошлаган. Бизнинг фикримизча пулнинг юзага чиқишига бевосита қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Жамиятда меҳнат тақсимотини ҳамда маҳсулотлар алмашувини юзага чиқиши.
2. Натурал хўжаликдан аста —секин товарларни ишлаб чиқариш ва уларни айирбошлашга ўта бошлаши;
3. Товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва мол —мулк жихатидан мустақил мулқдорларнинг шаклланиб бориши;
4. Айирбошлаш жараёнида эквивалентлиги (мослилик) юзага чиқиши ва унга риоя этила боришилиги.

Инсоният ривожланишининг илк даврларида инсонлар жамоа бўлиб яшаганлар ва улар ўзларининг натурал хўжалигини юритганлар. Натурал хўжалик шароитида пул бўлмаган, чунки унга хеч қандай талаб ва эҳтиёж бўлмаган. Натурал хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқарилган, товар эмас. Чунки ушбу хўжаликда маҳсулотлар ўз эҳтиёжларини қондиришга сарфланган.

<sup>1</sup> Dictionary of Law. 3rd ed. Great Britain: Peter Collin Publishing, 2001

Фақатгина эҳтиёждан ортиб қолган маҳсулот тасодифий тарзда бошқа натурал хўжаликдаги ортиқча маҳсулотга айирбошланган ҳолос.

Дехқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликнинг ажраб чиқиши туфайли уларда энди маҳсулот билан бир вақтда товар ишлаб чиқариш пайдо бўлди. Ушбу ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзларидағи етиштирилган ортиқча маҳсулотларни ўзларининг эҳтиёжини қондириш мақсадида бошқа маҳсулотларга доимий равишда айирбошлашга кучли эҳтиёж юзага чиқди.

Умумий эквивалентна ўтишнинг зарурияти шундан иборатки, жамиятда ишлаб чиқариш тараккиётининг маълум босқичида бозорда товарлар айирбошлаши мунтазам ходисага, иқтисодий хаётнинг муҳим омилига айланган. Жамият аъзолари товарлар айирбошлашсиз яшай олмай қолган ва хар бир ишлаб чиқарувчи меҳнати маҳсулига умумий ўлчов бирлиги зарур бўлиб қолган, Фақатгина умумий эквивалент ролини бажарувчи товаргина барча маҳсулотлар учун ўлчов воситасига айланган. Бундан маълум бир товар эгаси, ўзининг шахсий истеъмоли учун зарур бўлган бошқа бир товарни олиш мақсадида у дастлаб ўзи етиштирган товарни бозорда умумий эквивалент ролини бажарувчи товарга айирбошлаган.

Ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши, товар муносабатларини ривожланиши натижасида бозор пул ролини ўйновчи металларга қуидаги талабларни қўяди:<sup>2</sup>

- металнинг табиатда камёблиги
- металлнинг бир таркиблилиги;
- керакли микдорда олишнинг қийинлиги;
- қийматни йукотмасдан, ёки жуда кам микдорда йўқотиш асосида бўлиниши (майдаланиши);
- ихчамлиги ва енгиллиги;
- узоқ муддат давомида зангламасдан сақланиши.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган талабларга айнан кумуш ҳамда ундан кўп микдорда олтин тўла жавоб берган. Ушбу талабларга жавоб берган кумуш ҳам уни кўп микдорда ҳамда кам ҳаражат билан қазиб олиниши ва қайта ишланиши сабабли у олтинга бас кела олмаган.

Шундай қилиб пулнинг ривожланиш босқичида бутун дунё бўйича умумий эквивалент ролини ўйновчи пул сифатида олтин тан олинган ва бозорда у якка хукмронга айланган. Шу асосда бутун дунё бўйича халкаро ҳисоб — китобларда ягона тўлов воситаси бўлиб олтин ҳисобланган.

### **Пул шакллари ва турларининг эволюцияси. Пулнинг моҳияти ва унинг намоён бўлиш шакллари.**

Хар бир иқтисодий категорияда амал қилувчи ҳамда мамлакат ривожланишининг асосий дастакларидан бири пул бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унда иш юритишида пулнинг мавқеи ва аҳамияти янада ошиб боради. Дарҳақиқат, пул - «бозор тили» деб бекорга айтишмаган. Хар бир иқтисодий ахборот, товарлар ва хизматлар баҳоси, тўловлар,

<sup>2</sup> Fitch T. P. Dictionary of Banking Terms. 4th ed. The USA: Barron's, 2000.

даромадлар ва харажатлар, молиявий талаблар ва мажбуриятлар, иқтисодий алоқалар макро ва микро даражаларда фақат пулда ифода қилинади.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида пулнинг аҳамиятининг ошиши шундаки, жамиятимизда мавжуд юридик ва жисмоний шахслар фаолияти ҳамда уларнинг натижаси даромади пул билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам, пул барча иқтисодий ривожланиш поғоналарида одамларни ўзига жалб қилиб келган.

Австралиялик иқтисодчи олим К. Менгернинг фикрича, Арасту ва Афлотундан бошлаб XX асрнинг бошигача пул тўғрисида жаҳонда беш-олти мингдан ортиқ маҳсус ишлар чоп қилинган. Агар биз, ҳозирги кунда пул тўғрисида ёзилган ва чоп қилинган адабиётлар сони бир неча марта ошиб кетган, десак муболага бўлмаса керак. Тадқиқотлар шунчалик кўп бўлишига қарамасдан, пул ва унинг хусусиятлари, ҳар бир тизимда ишлатилиши, роли, иқтисодиётга таъсири, нега алоҳида олинган индивидумлар қўлида пулнинг кўпайиши, улар бойлигининг кўпайишига олиб келади, жамият миқёсида муомаладаги пул массасининг кўпайиши жамият бойлиги ортиб боришига салбий таъсир кўрсатади, деган саволларга ҳали тўлиқ жавоб берилган эмас.

Пул ва унинг вазифалари тўғрисида мавжуд хорижий мамлакатлар иқтисодчиларининг қўлланмаларини олиб қарайдиган бўлсақ, пулнинг келиб чиқиши тўғрисида икки хил ғоя мавжудлигини қўришимиз мумкин. Булар ратсионалистик ва эволюцион ғоялардир.<sup>3</sup>

Ратсионалистик қарашнинг асосчиларидан бири Арасту бўлиб, у пулнинг келиб чиқишининг асосини ўзаро бир-бирига teng қийматни ҳаракатга келтирувчи бирор бир маҳсус «қурол», кишилар орасида ўзаро келишув натижасида қабул қилинган шартли бирлик эканини айтади. Ўзаро товарларни алмаштиришда пул қатнашмагандан, товарни сотиш жараёни товарни сотиб олиш жараёни сифатида юзага келган. Товарлар ўртасидаги пропорция тасодифан, масалан, сотилиши керак бўлган маҳсулотга талаб қай даражада ва унинг миқдори кам-кўплигига боғлиқ ҳолда ўрнатилган. Кейинчалик, шу товарлар ичидан умумий эквивалент сифатида баъзи товарлар ажralиб чиқди. Жамиятнинг ривожланиши муомалага металларнинг кириб келишига олиб келади.

Ривожланишнинг биринчи босқичларида мис, бронза, темир ишлатилиб, алмашинув Т-П-Т шаклида олиб борилган. XVIII асрларнинг охиригача пул томонлар ўртасидаги шартнома воситаси деб қараб келинган. Ҳозирги вақтда ҳам баъзи чет эл олимлари, масалан, Пол Самуелсон пулни сунъий социал шартлашиш белгиси<sup>4</sup> деб изоҳлаган. Бошқа америкалик олим Жон Гелбрейт қимматбаҳо металларнинг пул вазифасини бажариши бу кишилар ўртасидаги келишувнинг маҳсули эканлигини уқтиради.

Узоқ йиллар давомида собиқ СССРда пул ва пул муомаласи соҳасидаги тадқиқотлар К. Маркснинг таълимоти асосида олиб борилган. У пулнинг келиб чиқишини тадқиқ қилишда А. Смит, Д. Рикардоларнинг

<sup>3</sup> Hussey R. Oxford Dictionary of Accounting. 2nd ed. Oxford: Oxford University Press, 1999.

<sup>4</sup> Самуэльсон П. Экономика .- М.:1964, - 64 б.

тадқиқотларига асосланган ҳолда, пулнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Шунингдек, у пулнинг ўзи ҳам товар эканлигини, пулнинг келиб чиқиши босқичларини изоҳлаб бера олди. У олтин ва кумуш қазиб олиш ва ишлатиш учун маълум меҳнат сарфланади, шу меҳнат олтин ва кумушда гавдаланган ҳолда, бошқа товарларнинг қийматини ўлчашнинг асоси бўлиб хизмат қиласди, деб кўрсатган. Ҳозирги вақтда юқоридагига ўхшаган реал пуллар ўрнига ўз қийматига эга бўлмаган қофоз ва кредит пуллар муомалада ишлатилмоқда. Шунинг учун қофоз ва кредит пуллар пул келиб чиқиши тўғрисидаги рационалистик концепциянинг тўғридан-тўғри исботи бўла олмайди. Қофоз пуллар юзага келгунча, жамият бир неча ривожланиш босқичларини босиб ўтган.

Пулнинг келиб чиқиши тарихи кўпроқ пулнинг эволюцион назарияси билан боғлиқ. Товар муомаласининг эволюцион ривожланиш жараёнида умумий эквивалент шаклини ҳар хил товарлар ўйнаган. Ҳар бир жамоа ўз товарини эквивалент сифатида ўртага қўйган. Лекин жамият тараққиёти шу товарлар ичидан икки гурӯҳ товарларнинг ажралиб чиқишига олиб келди. Булар – биринчи эҳтиёж учун зарур бўлган товарлар ва зебу зийнат товарларидир.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида деҳқончилик ва чорвачиликдаги меҳнат тақсимоти, товар турларининг кўпайиши алмашинув жараёнининг янада ривожланишини тақозо қилди. Алмашинув жараёнида товар эгалари ўзаро мuloқотда бўлиб, товарнинг эгаси ўз маҳсулотини (мулкини) баҳолаган. Шу баҳолаш жараёни бирор ўлчов бирлиги бўлишини тақозо қилган. Ўтган асрдаги иқтисодчилар пул – бу товарларнинг товари, деб ифодалашган ва унинг қуидаги хусусиятларини изоҳлаб беришган: Биринчидан, пулнинг истеъмол қийматида бошқа товарларнинг қиймати ўз ифодасини топади. Иккинчидан, пулда ифодаланадиган аниқ меҳнат асосини абстракт меҳнат ташкил қиласди. Учинчидан, пулда ифодаланувчи хусусий меҳнат ижтимоий меҳнат сифатида намоён бўлади.

Шунга асосланган ҳолда, пул ҳам товар, лекин бошқа товарлардан фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлган маҳсус товар деган хulosага келиш мумкин. Унинг маҳсус товар сифатида хусусияти шундаки, у барча товарларнинг қийматини ўзида ифода қилувчи, умумий эквивалент хисобланади.

Пул қандай шаклда бўлишидан қатъий назар пул бўлиб қолаверади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, пулнинг моҳиятини қуидаги таърифлашимиз мумкин. Пул – бу маҳсус товар, умумий экви-валент бўлиб, абстракт меҳнат харажатларини ўзида акс эттиради ва товар хўжалигидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди.

Пул тўғрисидаги эволюцион назария унинг ўлчов бирлиги ва муомала воситаси эканлигини очиб беради.

Чет эл иқтисодчилари пулнинг иқтисодий категория сифатида моҳияти ва заруруриятига кам эътибор қаратганлар. 1857 йилда таникли инглиз иқтисодчиси У.Джевонс, иқтисодий фанлар учун пул масаласи бу геометриядаги айлана квадратурасига teng демакдир, деган экан. Шунинг

учун чет эл иқтисодчилари бу бобни четлаб ўтишган. XX асрнинг 50 - йилларидаги дарсликларнинг муаллифлари пулнинг моҳиятидан кўра унинг иқтисодиётга, ишлаб чиқариш ва бандлик, моддий ресурслар ва улардан фойдаланишга таъсирини ўрганиш мухимроқдир, деб таъкидлашган ва кўп чет эл олимлари шу йўналишда иш олиб боришган. Ҳозирги вақтда пул тўғрисида бизда мавжуд чет эл адабиётларида кўрилган масалалар фикримизнинг исботи бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида пулнинг зарурлиги, моҳиятини тадқиқ қилишдан кўра, пулнинг иқтисодиётга, ишлаб чиқаришга, бандликка таъсирини тадқиқ қилиш жамиятимиз учун аҳамиятлироқ деб ўйлаймиз.<sup>5</sup>

Пулнинг турлари. Пул ўзининг эволюцияси жараёнида металл (олтин, кумуш, мис), қоғоз, кредит пуллар шаклида ишлатилиб келган. Қийматни ўзида ифодалашига кўра пуллар икки турга бўлинади:

- ҳақиқий пуллар;
- ҳақиқий пул издошлари - қиймат белгилари.

Ҳақиқий пуллар номинал қийматини ўзида ифодаловчи, реал қийматга эга бўлган металл пуллар бўлиб, улар ҳар хил шаклларда чиқарилган ва кейинчалик амалиётда қулай бўлган айланга (шу шаклда металл эмирилиши кам бўлади) шаклда чиқарилган. Тарихий маълумотларга кўра, биринчи тангалар бундан 26 аср олдин Лидия ва Хитойда, XII асрларда ҳозирги Марказий Осиё давлатларида, IX-X асрларда Киев Русида зарб қилинган. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида тангалар, асосан, олтиндан зарб қилинган, кейинчалиқ, олтин ва бошқа қимматбаҳо металларни қазиб чиқариш қийинлашуви, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва тўлов, муомала воситасига бўлган эҳтиёжнинг ошиши натижасида муомалага қиймат белгиларини киритиш зарур бўлиб қолди. Олтин ва кумуш муомаладан йўқола борди.

Қоғоз пуллар. Пулнинг бу тури ҳақиқий пулларнинг вакили бўлиб, пулнинг муомала функцияси ривожланиши натижасида юзага келган.

Қоғоз пуллар юзага келишининг қуйидаги босқичларини келтириш мумкин.

1-босқич – тангаларнинг узоқ вақт муомалада бўлиши, қўлдан-қўлга ўтиши натижасида эмирилиши;

2-босқич – тангадаги металл таркибининг бузилиши. Давлат томонидан онгли равища давлат хазинасига тушумни ошириш мақсадида тангалар металл (олтин, кумуш) миқдорининг камайтирилиши;

Бу босқичда танга таркибининг бузилишига олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металларни қазиб чиқариш қийинлиги, улар захираларининг камлиги ҳам сабаб бўлган.

3-босқич – давлат томонидан эмиссион даромад олиш мақсадида хазина билетларининг чиқарилиши.

Биринчи қоғоз пуллар XII асрда Хитойда чиқарилган, деб кўрсатилади. Лекин тарихий маълумотларга қараганда, 700 йилларда кумуш тангалар

<sup>5</sup> ImberJ., TofflerB.-A. Dictionary of Marketing Terms, 3rd ed. The USA: Barron's, 2000.

чиқарилгунга қадар, Бухоро давлатида қоғоз материаллардан пул сифатида фойдаланилган экан.

Қоғоз пуллар Америка ва европада XVII- XVIII асрларда, Россияда 1769 йилда чиқарилган.<sup>6</sup>

Қоғоз пуллар деб, ҳукумат томонидан бюджет тақчиллигини қоплаш учун чиқарилган, металл пулларга алмаштирилмайдиган, лекин давлат томонидан маълум курс ўрнатилган пул белгиларига айтилади.

Тўла олтин ва кумушдан бўлмаган тангалар муомалада пул сифатида ишлатилса-да, уларнинг номинал миқдори реал миқдоридан фарқ қилган. Шундай бўлса ҳам, бу тангалар маълум миқдордаги металлни ифодалаган. Қоғоз пуллар бўлса, муомалага чиқарилган вақтда ва кейин ҳам узоқ йиллар давомида маълум бир миқдордаги олтинни ўзида ифода қилган. Аммо бирор давлатнинг пулида металлнинг зарраси ҳам бўлмаган, яъни улар қийматни белгилаб берган, холос.

Қоғоз пулларнинг эмитенти давлат хазинаси ёки эмиссион банк хисобланади.

Ўзбекистон Республикасида муомалага пул белгиларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки чиқаради. Қоғоз пулларнинг табиати уларнинг инфляцияга мойиллигини кўрсатади. Қоғоз пулларни муомалага чиқаришда пул муомаласи қонуни талабларини эътиборга олиш керак. Лекин амалиётда ҳар доим ҳам шу талаблар эътиборга олинавермайди. Пул муомалага товар айланмаси эҳтиёжини қоплаш учунгина чиқарилиши керак. Ҳақиқатда пул юқоридагидан ташқари, бюджет тақчиллигини, давлатнинг бошқа харажатларини қоплаш учун ҳам чиқарилади, яъни эмиссия миқдори товар айланмаси билан чекланмасдан давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган талабларига ҳам боғлиқ бўлади. Бу, албатта, муомаладаги пул массасининг ўзгариб туришига, аксарият ҳолларда унинг муомалага керагидан ортиқча чиқиб кетишига олиб келади. Натижада пулнинг барқарорлигига путур этади, унинг қадри тушади, халқнинг давлатга бўлган ишончи пасаяди, тўлов балансининг барқарорлиги йўқолади, (пассив қолдиқ ҳажми ортади) миллий валюта курси тушади ва ҳ. к.

Ишлаб чиқариш ва товар айланмасининг ривожланиши, металл пулларнинг этишмаслиги кредит муносабатларининг ривожланишига олиб келади. Товар ва тўлов айланмасининг эҳтиёжини қоплаш мақсадида муомалага олтин, кумуш тангалар билан бир қаторда кредит воситалари: чек, вексел, банкноталар чиқарилган.

Кредит пуллар деб кредит муносабатлар асосида юзага келувчи, тўлов воситасини бажарувчи қиймат белгиларига айтилади.

Кредит пуллар ўзининг мустақил қийматига эга эмас, чунки уларни яратиш учун абстракт зарурый меҳнат сарфланмайди. Кредит пуллар қоғоз пуллардан фарқ қилиб, улар бир вақтнинг ўзида қийматни ифодалайди ва у кредит хужжат бўлиб, кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий

<sup>6</sup> Jary D., Jary J. Collins Dictionary of Sociology. Glasgow: Harper Collins Publishers, 1991.

муносабатни акс эттиради. Кредит пулларнинг асосий турларидан бири векселдир.

Вексел – бу қарздорнинг (оддий вексел) ёки кредиторнинг (ўтказма вексел - тратта) кўрсатилган суммани, кўрсатилган вақтда ва жойда тўлаш тўғрисидаги ёзма мажбурияти ҳисобланади.

Банкнота – кредит пулларнинг этакчи вакилларидан бўлиб, Марказий банк томонидан, векселларни ҳисобга олиш йўли билан чиқарилади.

Ўтмишда банкнота муддатсиз мажбурият бўлиб, хоҳлаган вақтда уни банкка топшириб, ўрнига унда кўрсатилган суммага олтин ёки кумуш олиш мумкин бўлган.

Ҳозирги замон банкноталари олtingа алмашилмайди. Лекин улар куйидаги йўллар билан пул муомаласига келиб тушади:

- хўжаликларни банк томонидан кредитлаш орқали берилган кредитларнинг бир қисми муомалага кириб келади;
- давлатни кредитлаш, яъни банкноталар давлатнинг қарз мажбурияти сифатида муомалага чиқади;
- актив тўлов балансига эга бўлган давлатларда расмий валюта захираларининг ўсиши орқали ва бошқалар;

Чек вексел ва банкнотадан кейин пайдо бўлган кредит воситаси ҳисобланиб, тўловчининг ўз банкига унинг счётидан маблағни олувчининг счётига ўтказиб қўйиш тўғрисидаги буйруғидир.

Банклар фаолиятида ЭҲМ лардан фойдаланиш электрон пуллар ёрдамида қарзларни тўлашни тезлаштиради. АҚШда пул маблағларининг электрон ўтказиш тизими – ЭФТС (Електронисфундс Трансферт Систем) айланманинг самарали бўлишини таъминламоқда.

Ҳозирги замон амалиётида қўлланилаётган кредит карточкалар нақд пуллар ўрнига ҳисоб-китобларни олиб бориш учун чиқарилган бўлиб, улар жуда қулай ва бир қатор афзалликларга эга. Кредит карточка билан барча турдаги чакана савдо ва хизматларга ҳақ тўлаш мумкин. Ҳозирги вақтда кредит карточкалар банк, савдо хизматларини тўлашга мўлжалланган.

### **Пулнинг функциялари ва уларга тавсиф.**

Иқтисодий адабиётларда пулнинг функциялари хусусида 2 илмий мактаб олимларининг қарашлари мавжуд:

1. Европа мактаби.
2. Америка мактаби.

Европа мактаби пулнинг 5 функцияси хусусида холосага келган:

1. **Қиймат ўлчови функцияси.** Барча товарлар ва хизмталар қиймати умумий эквивалент бўлган пулда ўлчанади. Ҳозирги даврда олтиннинг алмашилмайдиган қофоз ва кредит пуллари бу функцияни бажармоқда.

Қофоз пул Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилади. Масалан: АҚШда 1 доллардан 10 долларгача бўлган купюралар АҚШ Ғазначилиги томонидан муомалага чиқарилади. АҚШда Молия вазирлиги йўқ. Бу вазифани АҚШ Ғазначилиги бажаради.

Англияда тангалар Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилади. Кредит пуллар бу банкноталар бўлиб, Марказий банклар томонидан муомалага чиқарилади.

Ўзбекистонда муомаладаги барча пул бирликлари банкноталар ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки активлари билан таъминланади.

**2. Муомала воситаси функцияси.** Бунда товар-пул ёки пул-товар операцияси бир вақтнинг ўзида юз беради, яъни товарлар насияга сотилмайди.

**3. Тўлов воситаси функцияси.** Бунда товарлар тўлов муддати кечиктирилб сотилади. Шунингдек, кредит ва молия муносабатларидағи тўловлар ҳам пулнинг тўлов воситаси функциясиға киради. Масалан: кредит олган мижоз банкка кредитнинг асосий қарз суммаси ва фоизларини қайтаради. Бундан ташқари корхоналар солиқ тўловларини амалга оширади, турли хилдаги жарималар тўловларини тўлайдилар.

**4. Жамғариш воситаси функцияси.** Бунда нақд ва нақд бўлмаган пуллар жамғарилади. Аҳоли, корхоналар ўзларининг бўш пул маблағларини банкларга муддатли ёки жамғарма депозит ҳисоб рақамаларида сақлайдилар. Аҳолининг қўлида турган ҳар қандай пул то ишлатилгунга қадар жамғариш воситаси функциясини бажаради. Корхоналарнинг жорий ҳисоб рақамларидағи пул маблағлари ҳам то ишлатилгунга қадар жамғариш воситаси функциясини бажаради.

**5. Жаҳон пули функцияси.** Жаҳон пули функцияси жаҳон бозорларида котировка қилинадиган яъни олди-сотди қилинадиган валюталар бажаради. Масалан: ўзбек сўми бу вазифани бажармайди. Халқаро ҳисоб-китоб банки маълумотларига кўра, халқаро валюта бозорларида конверсион операцияларнинг 90% ортиқ қисми 5та валютада амалга оширилмоқда ([www.bis.org](http://www.bis.org)). Бу валюталар халқаро резерв валютаси мақомига эга. Бу мақомни Халқаро Влаюта Фонди беради.

Хулоса қилиб айтганда, пулнинг барча функциялари бирбири билан узвий боғлиқ ва улар бирбирини тўлдиради. Пулнинг функцияларининг айнан шундай узвий боғлиқлиги ва бирбирини тўлдириши пул муомаласининг барқарорлиги ва самарасини таъминлашга шароит яратади.

### **1.3. Кредит иқтисодий категория сифатида. Кредитнинг зарурлигини белгиловчи омиллар.**

„Кредит” –сўзи лотинча „средит” сўзидан олинган бўлиб ишонч деган маънони англатади. Кредит – бу пул ва товар шаклидаги ресурсларни қайтариб беришлик, муддатлилик ва фоиз тўлашлик шартлари асосида бериш натижасида юзага келадиган қийматнинг ҳаракатидир. Кредит муносабатларининг субекти бўлиб кредитор ва кредит олувчи ҳисобланади, кредитнинг обекти бўлиб пул ва товар ҳисобланади.

Банк кредитининг обекти бўлиб пул маблағлари ҳисобланади. Тижорат кредитининг обекти товарлардир. Ҳозирги кунда кредитнинг судхўрлик шакли мавжуд эмас, бу шакл кредит муносабатларининг дастлабки шаклланиш босқичларида мавжуд эди.

Кредит инсониятнинг буюк кашфиёти ҳисобланади:

1) Кредит хўжалик юрутувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш имконини беради.

2) Кредит мамлакатнинг экспортнинг салоҳиятини юксалтириш имконини беради.

3) Кредит иқтисодиётдаги тўловнинг узлуксизлигини таъминлаш имконини беради.

4) Кредит давлатнинг ўз функцияларини бажарилишини тамиллашда муҳим ўрин тутади.

5) Кредит аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлش имконини берди.

Кредит ўзининг аниқ принципларига эга.

1) Қайтариб беришлилик принципи;

2) Муддатлилик принципи;

3) Фоиз тўлашилилик принципи;

4) Таъминланганлик принципи.

Кредитлар одатда биринчи тоифали гаров обьектлари билан таъминланади.  
(ер, олтин ва бошқа металлар)

5) Мақсадлилик принципи.

Кредитнинг зарурлигини белгиловчи омиллар.

1) Кредитнинг зарурлигини белгиловчи энг асосий омил бу капиталнинг доиравий айланиши ва айланишидир.

П-ишлаб чиқариш воситалари.....ишлаб чиқариш жараёни-Т`-П`

бу жараённинг такрорланиши сапитал ауланмаси дейилади

2) айрим тармоқларда ишлаб чиқаришнинг мавсумий ҳарактерга эга эканлиги.

3) давлат бюджетининг дефицитиниг мавжудлиги.

4) аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашнинг зарурлиги.

Кредитнинг обьекти иккитага бўлинади:

-пул маблағлари;

-товарлар.

Банк кредитларни пул маблағлари шаклида берилади.

Объекти тавар бўлган кредит тижорат кредити дейилади. Бунда сотилган таварларнинг пули кечиктириб тўланади яъни маълум муддат ўтгандан сўнг тўланади. Тижорат кредити одатда тижорат вексели билан расмийлаштирилади.

Хозирги даврда банк кредитларини бериш тизими тижорат кредитлари бериш тизимига қараганда юксак даражада ривожланган. Бунинг асосий сабаби тулнинг юқори ликвидли акти эканлигидир.

Кредитнинг субъектлари бўлиб қўйдагилар ҳисобланади.

- Банклар;

- нобанк кредит ташкилотлари, кредит уюшмалари, ломбардлар, микромолиялаш ташкилотлари, кредит корперативлари ва бошқалар;

- корхоналар;

- жисмоний шахслар;

- давлат;

- давлат органи;

- ҳалқаро молия кредит ташкилотлари.

*Кредит-қийматнинг ҳаракати бўлиб пул ва тавар кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлилик, муддатлилик ва фоиз тўлашилилик асосида бериш натижасида юзага келади.*

Кредит орқали жамиятимизда қуидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

**биринчидан**, фондлар айланиши жараёнида четга чиқиб, бўш қолган маблағларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олди олинади;

**иккинчидан**, такрор ишлаб чиқаришни кенг доирада узлуксиз давом эттиришга имконият яратилади.

Кредитнинг вужудга келиши реалликка айланиши учун муайян шароитлар бўлиши зарур. Шу масала бўйича баъзи иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрларни таҳлил қилиб, иқтисодчилар томонидан кредит юзага келишининг қуидаги шартларига кўпроқ эътибор берилганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Кредит муносабати бўлиши учун:

**биринчидан**, кредит муносабати иштирокчилари – қарз берувчи ва қарз оловчи – хуқуқий жиҳатдан мустақил субъект бўлиши керак. Мустақил субъект сифатида ҳар иккала томон бирбири билан ўзаро алоқалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришини моддий жиҳатдан кафолатлай олиши керак. Мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда мустақил хуқуқий субъект сифатида томонлар иқтисодий муносабатга киришишлари керак.

**иккинчидан**, қарз берувчи ва қарз оловчи манфаатлари бирбирига мос тушган тақдирдагина кредит заруриятга айланади. Бу манфаатлар, авваламбор, объектив жараёнлар, ўзаро манфаатларни тақозо этувчи аниқ вазият билан боғлиқ.

Кредитор(қарз берувчи) томонидан пул маблағларини қарзга бериш бўйича, қарз оловчи томонидан эса шу маблағларни олиш бўйича қизиқиш туғилган тақдирдагина кредит муносабатлари вужудга келади.

Кредитнинг вужудга келиши кредит муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг йўналишига боғлиқ. Томонлар манфаатларининг мос келиши кредит шартномаси тузилишини таъминлайди. Лекин кредит муносабатлари иштирокчилари манфаати нафакат вақт ва макон жиҳатдан, шунингдек, сифат жиҳатдан ҳам мос тушган тақдирдагина бу муносабатлар реалликка айланади. Шу билан бирга, кредитнинг бу муҳим сифатлари кредит муносабатлари содир бўлишининг асосий сабаби бўлаолмайди. Кредит вужудга келиши учун, юқорида айтилгандек, аниқ бир иқтисодий асос фондларнинг доиравий айланиши ва шунга ўхшаш бошқа аниқ шароитлар бўлиши зарур. Фақатгина ана шу таъсир этувчи омиллар бўлган тақдирдагина кредитнинг вужудга келиши реалликка айланади.

Баъзи иқтисодий адабиётларда кредитнинг зарурлиги хусусида бир неча бошқа фикрлар ҳам учрайди. Масалан, кредит корхоналар фаолиятини назорат қилишни амалга ошириш учун зарур, деб таъкидланади. Агар бу фикр тўғри деб қарайдиган бўлсақ, кредитнинг зарурлиги фақат кредитор учун тушунарли бўлади, чунки у қарз бериш орқали қарз оловчи фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундай шароитда кредитнинг чегараси ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишига асосланган объектив жараёнларга эмас, балки банкнинг кредит оператсиялари орқали қарз оловчининг фаолиятини назорат қилиш истагига боғлиқ бўлиб қолади.

Бу мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредитнинг объектив зарурлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида фондларнинг доиравий айланиши қонуниятларига асослангандир.

Кредитга зарурат туғилганда қуйидаги манбалардаги бўш маблағлардан кредит ресурслар сифатида фойдаланиш мумкин. Бу манбалар асосан қуйидагилардир:

- асосий фондларни тиклаш, капитал тамирлаш учун ажратиладиган амортизация сифатидаги пул маблағлари;
- товарларни сотиш ва янги моддий ресурсларни сотиб олиш вақтларининг бирбирига мос келмаганлиги туфайли юзага келган бўш пул маблағлари;
- товарлар реализатсиясидан тушган тушум билан иш ҳакини тўлаш вақтлари орасида вақтинча бўш туриб қолган пул маблағлари;
- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида йиғиладиган ва капиталлаштириш учун мўлжалланган қўшимча маблағлар;

шахсий сектор даромадлари, жамғармалари ва бошқа бўш пул маблағлари

Кредитнинг зарурлигини ифодаловчи омиллар моҳиятини очища, уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини кредит шартномасини тузиш даражасигача олиб келиш хато ҳисобланади. Алоҳида олинган бир омилнинг ўзи кредит берилиши учун у ёки бу даражада этарли бўлмаслиги мумкин.

### **Кредитнинг моҳияти. Кредитнинг функциялари. “Кредит” тушунчасининг мазмуни.**

Моҳият сўзи иқтисодий ёки ижтимоий ҳодиса ёки воқеликнинг ички хусусиятини англатади. Кредитнинг моҳияти унунг бир қатор ички хусусиятларида намоён бўлди, аввало, кредит қийматнинг ҳаракати бўлиб ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради, лекин кредит ҳар қандай қийматнинг ҳаракати эмас. У вақтинчалик фойдаланишга бериладиган пул ва товар шаклидаги маблағларнинг ҳаракатидир. Кредитнинг яна бир ички хусусияти унинг субектлар ўртасидаги муносабатларда номоён бўлади. Кредитнин субъектлари 2 та:

- кредитор;
- кредит олувчи.

Кредитнинг З муҳим хусусиятлари шундан иборатки кредит унга бўлган обектив талаб туфайли юзага келади.

Айри ҳолларда мижозлар кредитни қайтара олмайди. Бу эса кредитни қайтариб беришлилик хусусиятларини инкор этмайди.

Кредитнинг моҳиятан фарқланувчи асосий жиҳати ҳам унинг қайтариб олинишидир. Тарақкий этган давлатларда ссуда капитали бозори яхши ривожланган. Бу бозор икки қисимдан иборат:

1) биринчи сегмент пул бозори дейилади. Бу бозорда қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкалари шакилланади.

2) Иккинчи сегмент сапитал бозори дейилади. Бу бозорда ўрт ва узок муддатли кредитларнинг фоиз ставкалар шакилланади.

### **Либор+Спред=Либид**

Бу ерда:

Либор-кредит фоиз ставкаси;

Спред-банк фойдаси;

Либид-кредитнинг қиймати.

**Маржа**-банк билан мижоз ўртасидаги муносабатларни ҳарактерлайди.<sup>7</sup>

**Спред**-банк билан банк ўртасидаги муносабатларни ҳарактерлайди.

Кредитнинг моҳиятини англашда кредит қонунлари муҳим ўринни эгаллайди.

Кредитнинг З та қонуни бор:

<sup>7</sup> Longman Dictionary of Contemporary English. England: Longman, 2001.


- 1) қайтарилиш қонуни;
- 2) қийматнинг сақланиш қонуни;
- 3) мувозанат қонуни- берилаётган кредитлар ва уларнинг ресурслар таминоти ортасида мувозанат бўлиши керак.

Кредитнинг моҳиятини янада аниқлаштириш учун унинг таркибини, ҳаракат босқичларини, иқтисодий тушунча сифатидаги муҳим белгиларини ва ижтимоий иқтисодий характеристикасини кўриб чиқамиз. Кредитнинг моҳиятини тушуниш учун, авваламбор, унинг таркиби нимадан иборат эканлигини тушуниб олиш зарур. Кредит муносабат бўлиши учун унинг зарур элементлари – кредитнинг обьекти ва субъекти бўлиши зарур.

Кредит муносабатларида субъектлар икки хил бўлади:

1. *Кредитор (қарз берувчи)*
2. *Қарз оловчи*

Бундан ташқари, кредит муносабатлари таркибининг элементи сифатида кредитнинг обьекти юзага келади.



*Кредит муносабатларининг обьектлари ва субъектлари.*

**Кредит обьекти** бу (кредитор) қарз берувчидан қарз оловчига бериладиган ва қарз оловчидан кредитор (қарз берувчи)га қайтиб бериладиган қийматдир.

Бунда қарзга берилган маблағ ўз қийматини сақлаб қолиши кредитнинг асосий сифати ҳисобланади.

Кредит таркиби унинг элементлари бирлигини ифодалайди.

**Кредитнинг ҳаракат босқичлари** хам унинг муҳим белгиси ҳисобланади. Қарзга берилувчи қиймат харакатини қўйидаги схемада ифодалаш мумкин:

$$B_k \ O_{k3} \ I_k \dots B_p \dots K_k \ \Phi_{kc}$$

$B_k$  – кредитнинг берилиши;

$O_{k3}$  – кредитнинг қарз оловчи томонидан вақтинчалик эҳтиёжларини қондириш учун олиниши;

$I_k$  – кредитнинг ишлатилиши қарз оловчининг кредитни нима мақсадда олганлиги билан узвий боғлиқ бўлади;

$B_p$  – қарз оловчининг хўжалигига қарзга олинган қиймат айланмаси тугалланишини ресурсларнинг айланмадан чиқарилишини ифодалайди;

$K_k$  – кредитни қайтариш;

$\Phi_{kc}$  – вақтинчалик берилган қийматни кредитор қўлига қайтиб келиши (%) билан).

Кредитнинг моҳиятини малум вақтдан кейин қайтариб бериш ва фоиз билан қайтариш шарти янада кенгроқ очиб беради. Бу ҳар иккала шартдан ташқари, кредитнинг иқтисодий категория сифатида ҳаракат қилишини асослаш учун иқтисодий муносабатларнинг чуқур ижтимоий иқтисодий белгиларини ҳисобга олиш зарур.<sup>8</sup>

Кредит моҳиятининг таҳлили узлуксиз жараён. Таҳлил жараёнида янгидан янги белгилар, хусусиятлар юзага чиқиши мумкин.

Ҳар қандай иқтисодий категория ўзининг функцияларига эга бўлгани каби кредит ҳам ўзининг бир қатор функцияларига эга. Ижтимоий иқтисодий тизимда кредитнинг ўрни ва аҳамияти бажараётган функциялари билан аникланади. Кредитнинг функцияси – бу кредитнинг иқтисодиётдаги фаолияти конкрет равишда намоён бўлишидир.

Кредитни таҳлил қилишда, функция, унинг моҳияти ва аҳамияти ўртасидаги оралиқ бўғин сифатида кўриб чиқилади.

Кредитнинг функциялари ҳақида олимлар ўртасида ягона изчиллик йўқ.

И. Лаврушиннинг фикрича, кредитнинг функцияларини таҳлил қилишда иккита эчилмаган муаммо мавжуд:

1. Функцияни тушунишнинг услубий асослари.
2. Функцияларнинг таркиби ва структураси.

Кредитнинг таркибий қисмидан келиб чиқсан ҳолда унга қўйидаги муносабатларга хос функциялар тааллуқли:

- а) кредиторнинг қарз олувчи ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;
- б) қарз олувчининг кредитор ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;
- в) қарзга берилувчи қиймат билан кредитор ва қарз олувчининг муносабати орқали.

### **Кредитнинг принциплари.Кредитнинг зарурлигини белгиловчи омиллар.**

Кредит муносабатлари иқтисодиётда мавжуд аник услубий асосларга таянади. Унинг асосий элементлари бўлган ссуда капитали бозори операциялари маълум тамойиллар асосида олиб борилади. Бу тамойиллар кредит ривожланишининг биринчи боскичида кўзга ташланган эди. Кейинчалик эса улар умумдавлат ва халкаро кредит конунчилигига яккол уз аксини топди. Иқтисодий категория сифатида кредит бир неча тамойилларга эга. Булар кредитнинг қайтариб беришлилиги, кредитнинг муддатлилиги, кредитнинг таъминланганлиги, мақсадлилиги ва тўловлиликтамойилларидир.

Кредитнинг қайтариб беришлиликтамойили.

Бу тамойил кредитнинг мустакил иқтисодий категория эканлиги шартидир, қайтиб беришлик кредитнинг умумий белгиси ҳисобланади, қайтиб беришлиликтамойилдан вужудга келмайди: у моддий жараёнларга, қийматнинг айланишини тугашига асосланади. Аммо доиравий айланишининг тугаши – бу қайтариб бериши эмас, фактат қайтариб бериш учун замин тайёрлашдир. Кредитни қайтариш айланишдан чиккан маблағлар қарз олувчига пул маблағларининг қайтариш имкониятини берган тақдирда қайтарилади, қайтариб беришлиликтаки ёклама жараённи ифода этади, у кредитор учун хам, қарз олувчи учун хам бир хил даражада мухимдир.

<sup>8</sup> Longman Business English Dictionary. 5th ed. England: Longman, 2003

Қийматни қайтарувчи харакатида хукукий томони хам мухимдир. Муайян бир муддатта бериладиган кийматга эгалик хукуки кредитордан қарз олувчига ўтмайди.

Қарзга бериладиган киймат фактада муайян бир муддатгина ўз эгаси қўлидан узоқлашади, лекин эгасини ўзгартирмайди.

Бўш турган ресурсларни аккумуляция қилувчи банклар бу ресурслардан ўз ресурслари сифатида фойдалана олмайди. Банк қарзга берувчи маблағнинг эгаси бўлиб корхона, ташкилот, алоҳида шахслар хисобланади.

Қайтариб беришлилик муайян шартномада ўзининг ўрнини топади.

Қайтариб беришлилик объектив белги хисобланади. Кредитни қайтариб беришлилик томони уни бошқа иқтисодий категориялардан, шу жумладан, молиядан фарқ қилиш имконини беради.

Кредитдан самарали фойдаланиш асосидаги қайтариб беришлилик – бутун банк фаолиятининг марказий пункти ҳисобланади. Кредитнинг бу тамоилии амалиётда кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоиз суммасини кредит берган муассаса ҳисобига кўчириш йўли билан тўланади. Шу йўл билан банклар кредит ресурсларининг қайта тикланишини таъминлайдилар. Собиқ иттифок даврида марказлашган режали иқтисодиёт шароитида кредитлашнинг «қайтарилмаган ссуда» деб аталадиган норасмий тушунчasi бор эди. Кредитлашнинг бу шакли ҳалқ хўжалигининг кўп тармоларида айникса қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг тарқалган эди. Кредит давлат банки томонидан қарз олувчининг молиявий аҳволини ҳисобга олмаган ҳолда берилар эди. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра қайтарилмайдиган ссудалар бюджет субсидияларини қўшимча шакли сифатида намоён бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида «қайтарилмас кредит» тушунчasi бозор иқтисодиёти тамоилиларига ёт бўлиб бундай кредитнинг амалиётда бўлиши иқтисодиёт учун жуда хавфли ҳисобланади.

Кредитнинг муддатлилиги.

Бу тамоили кредит берувчидан олинган кредитни ўз вақтида қайтариб бериш муддатини, яъни кредитнинг қандай муддатга берилганлиги билан характерланади. Бунда шу муддатлилик тамоилилига кўра узоқ ва қисқа муддатли кредитларга бўлинади.

Кредитнинг муддатлилик тамоили қарздор учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда эмас, балки кредит битимида кўрсатилган маълум муддатда кредитни қайтарилиши зарур эканлигини билдиради. Кредитнинг муддатлилиги ҳар иккала томон, кредитор ва қарз олувчи учун мухимдир. Агар кредитор фоизни билан ўз вақтида қайтариб олса, уни эгасига қайтариш ёки яна кредитга бериш имкониятига эга бўлади. Қарз олувчи кредитни самарали ишлатиб, уни ўз вақтида кредиторга қайтариш ва шу билан шартномадаги жазо чораларидан қутулишидан манфаатдор. Кредитнинг муддати бўйича кредит шартномада кўрсатилган шартларнинг бузилиши натижасида қарз берувчи қарз олувчига иқтисодий чоралар (жарималар шаклида, кредит бўйича фоиз даражасини ошириш, кредитни муддатини қисқартириш ва бошқа) ни қўллаш мумкин.

Кредитнинг таъминланганлиги.

Бу таъмойил ёрдамида ҳалқ хўжалигининг ривожланишида қиймат ва моддий ишлаб чиқариш ўртасида бўлиши зарур бўлган пропорцияларнинг бир меёрда бўлиши таъминланади. Бу тамоилнинг асосий моҳияти шундаки, бунда хўжалик айланишида иштирок этувчи банк маблағларининг ҳар бир сўмига муайян бойликларнинг бир сўми қарама-карши туриши керак. Банклар томонидан ҳалқ

хўжалиги тармоқлариға берилган кредитлар тўлиқ товар моддий бойликлари ва маълум харажатлар билан таъминланган бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, кредитнинг таъминланганлик таъмойили қарз оловчи ўзига олган мажбуриятларни бузиш шароитида қарз берувчининг мулкдорлик манфаатларини химоя қилишни таъминлайди ва ўзининг амалий аксини кредитни бирор гаров ёки молиявий кафолат асосида беришда топади. Бу умумиктисодиёт барқарорликка эришиш даврида айниқса муҳимдир.

#### 4. Тўловлилик тамойили.

Бу тамойил айланма фондларнинг доиравий айланнишини, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи тўлов ресурслари суммасини аванслаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган қарз маблағлари учун кредиторга фоиз шаклида тўловни ўтказадилар. Кредитнинг тўловлиги уни тўлиқ суммада ўз эгасига қайтарилишинигина эмас, шу билан кредит учун фоиз шаклидаги тўлов билан қайтарилишини ифодалайди. Демак, кредитор ўз маблағларини хеч вақт ўз хажмида қайтариб олиш шарти билан бермайди, бунда у маблағни қарзга берганлиги учун муайян тўлов талаб килади. (фоизсиз имтиёзли кредитлар бундан мустасно).

Кредитнинг тўловлилиги нафакат банклар фаолиятининг мақсадига, балки корхоналарнинг бевосита фойдасига боғлик бўлади ва ижобий таъсир кўрсатади.

Кредит учун хақ тўлашнинг иқтисодий мохияти қарз берувчи ва қарз оловчи ўртасидаги қўшимча олинган фойданинг тақсимланишини қайд қилишда намоён бўлади.

#### 5. Кредитнинг мақсадлилиги.

Бу тамойилнинг мохияти шундаки, қарз оловчи томонидан олинган кредитлар аник бир мақсадни амалга оширишга йўналтирилган бўлиши зарур. Кредитнинг қайси мақсадга йўналтирилганлиги, масалан, товар моддий бойликлар сотиб олишга ёки бирор ишлаб чиқариш харажатларини қоплашга ва хакозо аник бирор объектга мақсадли йўналтирилганлиги корхона билан банк ўртасида тузиладиган кредит шартномада кўрсатилган бўлади. Корхона олган кредитини фақатгина кредит шартномада кўрсатилган ишни бажаришга сарфлаши керак.

Бунда кредит муайян, аник объектга: ишлаб чиқариш харажатларига, ишлаб чиқариш захираларига, тайёр маҳсулотга, жўнатилган товарларга, хисоб-китоб хужжатларига ва хакозоларга берилади.

Юқорида келтирилган тамойиллар кредитнинг иқтисодий категория сифатида мавжуд бўлиши ва харакат қилишининг муҳим томонларини ўзида ифодалайди.

Кредитнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ғарб мамлакатлари амалиётида кредитлашнинг биз учун янги қоидаси қўлланилади. Бу қоида кредитлашда «5 «С» лар қоидаси» деб юритилади.

### **1.4. Банк тушунчаси ва банкларнинг турлари ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.**

Банклар пайдо бўлишининг асоси бўлиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши хисобланади. Товар-пул муносабатларининг бўлиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий-иқтисодий тўзумларда банкларнинг хам бўлишини такозо килади.

Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул қилиш ва бошқда давлат, шахар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиқсан. Кейинчалик

пулдорлар ўз бўш турган маблағларидан фойда олиш максадида уларни вактинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган корхоналарга ссудалар беришган. Бу пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган.

Банк сўзи итальянча “*banca*” сўзидан олинган бўлиб “стол”, банкнота “пуллик стол” деган маънени англатади. Урта асрларда италиялик пулдорлар хамёнларидағи, идишлардаги монеталарни стол устида куйиб хисоб-китоб килганлар.<sup>9</sup>

XII асрларда Генуяда пул алмаштирувчиларни “*bancherii*” деб аташган. Агар пулдорлардан бирортаси ишончни окламаса ва ишига маъсулиятсизлик килса, у утирган стол синдириб ташланган **ва уни** “*Vasco rotto*”, яъни банкрот деб аташган. Яъни, бизга маълум бўлган “банкрот” сўзи хам “*banca*” сўзидан олинган.

Банклар пайдо бўлишининг бошлангич нуктаси бўлиб XVI асрда Флоренция ва Венецияда ташкил цилинган кичик жиробанклар хисобланади.

Бу банклар асосан ўз мижозлари-савдогарларга хизмат килган, улар уртасида нақд пулсиз хисоб-китобларни олиб борган. Бу банклар ўз мижозларини монеталар таркиби бузулишидан зарар кўришдан химоя қилишган. Улар зхисобларни маълум суммадаги Кимматбахо металлни ифодаловчи маҳсус пул бирлигига олиб боришган ўзларининг бўш пул маблағлариний жиробанклар давлатга карзга, шахарларга, чет эл савдогарларига ссуда берган. Англия банк тизими (XVI аср) юзага келган ва ривожланган биринчи давлат хисобланади. Англия банкирлари олтин (олтинни сақлаб бериш) билан шуғулланувчилар (масалан, биз Лондонда банк ишини илк бор ривожлантирган Чайльд номли пулдорни айтиш мумкин) ва савдогарлардан келиб чиқкан.

Қадимги Грецияда пул алмаштирувчи одамларни “*трапезида*” (грекча-стол), Қадимги римда “*менсарилар*” ( лотинча-стол) деб аташган.

Дастлабки банклар валюта айирбошлиш операцияларидан ташқари, одамларнинг пул бойликларини сақлаш ва омонатчиларга ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиши билан ҳам шуғулланганлар. Кейинчалик банкерлар шу нарсани тушиндики , банкда ҳаракасиз ётган пулларни маълум фоиз эвазига бериб даромад олиш мумкин. Шу тариқа банкларнинг кредит операциалари пайдо бўлган.

Банкларнинг келиб чикиши ва ривожланиш ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ва талабларнинг ошиши, савдо капитали айланишининг тезлашуви билан боғлиқ бўлган. Натурал хужалик муносабатларининг тугаши савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши пуллик хисоб-китоблар олиб боришга, кредитнинг ривожланишига йўл очди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёлланма меҳнатни жалб қилишга олиб келган. Ёлланма меҳнат учун хақнинг пул шаклида тўланиши, доимий пул айланишини юзага келтириди. Пул айланишини эса банк томонидан бошқариш зарур эди. Шундай килиб, банклар фаолият кўрсата бошлади ва улар маблағларни йиғиш ва тақсимлаш орқали ссуда капитали ҳаракатини бошқара бошлади. Ссуда капиталистидан фарқли ўлароқ банкир тадбиркор сифатида иш олиб борган.

Агар саноат соҳасидаги пулдор ўз капиталини саноатга, савдогар ўз маблағини савдога қўйса, банкир ўз капиталини банк ишига қўяди. Ссуда капиталисти асосан ўзининг бўш капиталини қарзга берса, банкирлар асосан четдан жалб қилинган маблағларга таянади. Ссудага маблағ берувчи пулдорнинг даромади ссуда фоизи бўлса, банкирнинг даромади банк фойдаси ҳисобланади. Банклар корхона, таш-килот, давлат муассасалари, аҳоли бўш пулларини жалб

<sup>9</sup> McLean I. The Concise Oxford Dictionary of Politics. Oxford: Oxford University Press, 1996

қилиш орқа-ли катта ҳажмдаги капитални ўз қўлларида жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб борадилар. Банкларнинг йириклиашуви ва улар фаолиятининг такомиллашуви уларнинг махсус корхоналар – кредит муассасаларига айланишига олиб келади.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хўжалиги мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни ўз ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга йўналтирилган фоиз ва жойлаштирган ресурслар бўйича оладиган фоиз ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

Банклар фаолияти ривожланишига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади:<sup>10</sup>

- Давлат ва аҳоли томонидан банкларга бўлган ишончнинг ортиши уларнинг ихтиёридаги вақтинча бўш пул маблағларни банкка жалб қилиш имконини беради. Кейинчалик ишлаб чиқарувчи кохоналар ҳам ўз пул маблағларини депозит сифатида банкларга жойлаштира бошлади

- XVI асрда Америкадан Европага жуда катта миқдорда олтин ва кумушнинг кириб келиши Италия ва Голландия банкларининг монополиясига барҳам берди. Натижада Европада банклараро рақобат шаклланди.

- Банклар фаолияти ривожланиб бориши билан улар эндинга қимматли қоғозлар бзорида пайдо бўлган. Шу тариқа банкларнинг янги операциялари пайдо бўлди.

- Банклар ўзининг спицифик яъни “ўзига хос” хусусиятига кўра миллий тўлов тизимининг таянчига айлантирилди. Энди иқтисодиётдаги барча тўловлар банклар орқали ўтадиган бўлди. Бу банкларнинг иқтисодиётдаги мавқеини кескин ошириди.

Биринчи Марказий банк 1650-йилда Швецитанинг *Riks banki*;

1694-йилда Англия Марказий банки;

1800-йилда Франсия Марказий бани;

1893-йилда Италия Марказий банки ;

1913-йилда АҚШ федерал захира тизими ташкил этилди.

### **Банкларнинг турлари ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.**

#### **Банк тизими ва унинг элементлари.**

Кредит тизими деб кредит муносабатлар мажмуаси ва кредит муносабатларни ташкил килувчи ва амалга оширувчи кредит институтлар йигиндисига айтилади. Кредит тизими орқали хукукий ва жисмоний шахсларяинг вактинча бўш маблағлари йиғилади ва корхона, ташкилотларга, давлатга вактинча фойдаланишга берилади. Кредит тизими бир неча бўғинлардан иборат бўлиши мумкин. Маблатларни жалб килиши ва тақсимланишига қараб кредит тизими бўғинлари ўз хусусиятларига эга киласи. Жаҳон амалиётида кредит тизими ўзиник ташкил қилиниш турига қараб қўйидаги гурухларга бўлинади.

- Марказий банк
- Тижорат банклар
- махсус-кредит институтлар

Бозор иқтисодиёти шароитида икки поғонали кредит банк тизими кўп мамлакатлар иқтисодининг асоси хисобланади. Бу Марказий банк, банк институтлари ва нобанк кредит муассасалариdir.

Банк институтларига қўйидаги банклар киради:

<sup>10</sup> Pass C, Lowes B., Pendleton A., Chadwick L. Collins Dictionary of Business. Glasgow: HarperCollinsPublishers, 1991.

- тижорат банклар;
- инвестиция банклари;
- жамғармалар жалб қилувчи банклар (Ўзбекистонда Халқ банки);
- ипотека банки;
- савдо банклари;
- ташқи иқтисодий алоқалар бўйича банклар;
- тармоқлар бўйича ихтиослашган банклар ва бошқалар.

Нобанк кредит ташкилотларга:

- инвестиция компаниялари;
- сугурта компаниялари;
- нафақа ва бошқа фондлар киради.

Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан банк - тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва хукукий шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб килиш ва уларни ўз номидан, туловлилик, муддатлилик, кайтиб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажаради.

Банклар - товар-пул хужалигининг ажралмас атрибутиdir. Тарихан булар ёнма-ён ривожланиб келдилар. Шунинг учун кийматнинг пул шаклининг муомаласининг бошланиши банк ишининг бошланиши деб ҳисоблаш, хамда банк фаолиятининг ривожланишидаги етуклиги доимо иқтисодиётдаги товар-пул алокаларининг ривожланиш даражасига мос келган.

Банклар-молиявий бозорнинг ташкилий тузилишининг бир қисми бўлган кредит ташкилоти бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг вактинчалик бўш турган пул маблағларини жамғриш, йиғиш, жамланган (аккумулация килинган) маблағларни ўз номидан кайтариб беришлилик, муддатлилик асосида бериш хамда мижозларнинг топшириғига кўра, тўловларни амалга ошириш вазифаларини амалга оширадилар.

Бу «банкнинг илк» белгилари бўлиб, улар аслида тарихан банкларнинг шаклланишидаги З асосий йўналишни ўзида акс эттиради. Маълум бир шартлар асосида ушбу йўналишларга черковларнинг ўзларига топширилган пул маблағларини сақлаб беришни таъминлаш фаолиятини, судхурлик кредитларини, кейинчалик уларнинг тижорат кредитига айланишини, алмаштирув (меняли) «столларининг» идораларининг «хисоб-китоб» ва валюта билан фаолиятларини мумкин. Хақиқатда эса охирги йўналиш бу ташкилотларга ном бериш учун асос бўлиб хизмат килди.

Банклар маълум белгиларига қараб қўйидаги турларга бўлинади.

- мулк шаклига қараб: акционер, ноакционер, кооператив, коммунал, давлат, аралаш, халкаро банкларга бўлинади;
- кредит берувчи банкларга;
- миллий мавқеи бўйича: миллий ва хорижий банкларга;
- фаолият кўрсатиши ва бажарадиган функцияларига қараб: депозит, универсал, ихтиослашган банкларга бўлинади.

Акционер банклар акционер компаниялар сифатида юзага келган банклар бўлиб акциялар чиқариш хисобидан улар капиталининг асосий қисми юзага келтирилади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимининг асосий қисмини акционер банклар ташкил қиласи.

Ноакционер банклар пайчилар маблағлари хисобидан ташкил килинган банклар бўлиб, улар бир ёки бир неча шахс ихтиёрида бўлиши мумкин.

Майда ишлаб чикарувчилар, хунармандларнинг фаолиятини қўллаб-куватлаш мақсадида кооператив банклар ташкил килинади. Бу банкларнинг маблағлари иштирокчиларнинг маблағлари хисобидан вужудга келтирилади ва мижозларга уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун енгил шароитда кредит берилади. Коммунал банклар ихтисослашган кредит ташкилотлар бўлиб, коммунал хужалик ва уй-жой қурилишини кредитлаш **ва** молиялаштириш билан шуғулланади.

Давлат банклари давлат ихтиёрида бўлган кредит муассаса бўлиб, ўзининг биринчи куртаклари кадимий Римда, Египетда, кейинчилик XVI-XVII асрларда Европада вужудга келган.

Ихтисослаштирилган банкларнинг турдаги сифатида инвестиция, жамғарма, ривожланиш ва тараққиёт банкларини келтириш мумкин. Кредит тизимининг яна бир кисми нобанк кредит муассасалари бўлиб, давлат ва корхоналарни молияштириши, узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади.

**Ўзбекистон Республикасининг банк тизими. Пул хўжалигининг юзага келиши ва пулларни сақлаш учун маҳсус муассасаларнинг зарурлиги. Пул хўжалигининг номарказлашуви ва унинг шаклларини кенгайиши.**

Кредит - банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши - иқтисодий ислоҳатларни амалга оширилишининг ажралмас белгиларидан (хусусиятларидан) биридир. Бу шу билан таъкидланадики, банк тизими хар қандай турдаги иқтисодиётнинг марказий тизимини ташкил қилувчи унсурларидан ҳисобланади. Банк тизими вактинчалик бўш турган пул маблағларини аккумуляция қилиш функциясини амалга оширади. Банк тизимининг мувоффакиятли ишидан иқтисодиётни самарали фаолият қўрсатиши, умуман олганда мамлакатдаги иқтисодий ўсиш боғлиқ бўлади. Банк деб пул маблағларини йигувчи, саклаб берувчи, кредит-хисоб ва бошқа хар-хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасаларга айтилади.<sup>11</sup>

Агар мамлакатда етарли даражади банк фаолиятини кўрсатаётган банклар, кредит ташкилотлар хамда иқтисодий ташкилотлар мавжуд бўлса у холда банк тизими мавжудлиги тўғрисида гап юритса бўлади. Ушбу шароитда банклар ва кредит ташкилотлари турли шаклларида хамда доимо ўз мижозлари- иқтисодиёт субъектлари, Марказий банк, бошқа органлар, давлат хокимиятлари ва давлат бошқарув органлари, ўзаро ёки ёрдамчи ташкилотлар билан мулоқотда (муносабатда) бўлиб турадилар.

Банк тизими - ташкилий тўзилма сифатида йирик тизим бўлиб - мамлакатнинг иқтисодий тизимига киради. Бу шуни билдирадики, банкларнинг фаолияти ва ривожланишини моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол қилиш билан боғлиқ холда кўриб чиқиш зарурдир. Ўзининг амалий фаолиятида банклар хўжалик хаётини тартибга солиш механизми билан ўзвий равишда боғлиқ.

Тижорат банкларини белгиларига қараб қўйидаги турларга бўлиш мумкин. Мулкчилик шаклига қараб банклар: давлат банкига, акциядор банкларга, кооператив, хусусий, минтакавий, аралаш мулкчиликка асосланган банкка бўлинади. Акциядор банклар акциядор жамият каби очик турдаги ёки ёпиқ турдаги акциядор банклар бўлиши мумкин. Акциядорлар сафига кириш акцияларни сотиб олиш йули билан амалга оширилади. Хукукий ва жисмоний шахслар банкларнинг акцияларини сотиб олиши ва акциядорлар бўлиши мумкин.

<sup>11</sup> Pearsall J. The New Oxford Dictionary of English. Oxford: Oxford University Press, 2001

Баъзи тијорат банклари пайлар (бадаллар) хисобидан ташкил қилиниши мумкин. Бу турдаги банкларнинг қатнашчилари хам хуқуқий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.<sup>12</sup>

Хусусий банклар - жисмоний шахснинг пул маблағлари хисобидан ташкил қилинган банклар хисобланади.

Жойлашиш белгисига қараб тијорат банклар: халкаро, республика, минтакавий, вилоят банкларига бўлиниши мумкин.

Бажарадиган операцияларига қараб тијорат банклар - универсал ва маҳсус банкларга бўлинади.

Универсал банклар хилма-хил операциялар бажариш, хар хил хизматлар амалга ошириш хусусиятига эга бўлади. Маҳсус банклар маълум йўналишларга хизмат кўрсатиб, ўз фаолиятини шу йўналишларда ютукларга, самарадорликка эришишга бағишлади. Бундай банкларга тармоқларга хизмат кўрсатувчи банклар, экспорт-импорт операцияларини олиб борувчи банклар, инвестиция банклари, ипотека-замин банклари кириши мумкин.

Сегментланган банк тўзилмаси тијорат ва нобанк кредит ташкилотларига фаолият мухитини (операцияларини) қатъий қонуний томонидан чегаралаб кўйилишини билдиради. Бундай холат хозирда АКШ, Япония, Канада каби давлатларда мавжуд бўлиб уларда корпаратив мижозларнинг қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш операциялари билан шуғулланишлари тақиқланади. Бироқ, бугунги кунда АКШ 1933 йилда қабул қилинган Гласс-Стегал қонуни бекор қилиниши кутилмоқда.

Аммо, ривожланган мамлакатларга бир ёки икки погонали банк тизими хосдир.

Бир погонали банк тизими варианти мамлакатда ягона марказий банк хали мавжуд бўлмаса ёки битта марказий банкдан иборат бўлсагина реал (хақикатда) мавжуд бўлиши мумкин.

Аммо цивилизация даражасидаги бозор иқтисодиёти шароитига икки погонали банк тизими хос. Бунда биринчи погона банклари-бу Марказий банк, иккинчи қўйи погона эса-тијорат банклари ва кредит ташкилотларидир.

Марказий банк-банк тизими мавжуд бўлган барча давлатлар пул-кредит тизимининг асосини ташкил килади. Марказий банкнинг молия бозоридаги ўрни мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига ва хусусиятига боғлиқ.

Бу эса ўз навбатида икки погонали банк тизимини шаклланишига асосий омил бўлиб хисобланади. Чунки бунинг тепасида Марказий банк бўлади.

Икки погонали банк тизимининг зарурли бозор муносабатларининг қарама-қаршиликларидан келиб чиқади. Бир томондан, бу хусусий молия маблағларидан эркин фойдаланиш хуқуқини талаб килади. Бу қўйи погона банклар-тијорат банклари орқали амалга оширилади. Иккинчи томондан, бу муносабатларни маълум миқдорда тартибга солиш назорат килиш максадли йўналтириш зарур. Бундай маҳсус институт сифатида Марказий банк юзага чиқади.

Банк фаолиятини маҳсус лицензия асосида амалга ошириладиган фаолиятдир. Биз айтганимиздаги Ўзбекистон Республикаси Тијорат банклари Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида фаолият олиб борадилар. Уларга қўшимча рецензия зарур эмас (факат валюта операцияларидан ташқари).

<sup>12</sup> Siegel J. G, Shim J. K. Dictionary of Accounting Terms. 3rd ed. The USA: Barron's, 2000.

Бозор иқтисодиёти ва жаҳон хўжалиги ривожланиши билан банк тизими хам ривожлана борди. Хозирги шароитда банклар тобора кўпроқ фақат соф банк операцияларини бажарадиган эмас.

Тижорат банклари қуидаги операцияларни бажаради:

- пассив операциялар;
- актив ссуда операциялари;
- банк хизматлари ва воститачилик операциялари;
- банкнинг ўз маблағлари хисобидан амалга оширадиган операциялар ва бошқалар.

Шу билан бирга банклар молиявий хизматлар кўрсатадиган молиявий муассасаларга айланмоқда, бу банк балансида акс эттирилмайди, лекин жуда катта даромад келтиради. Масалан: банклар валюта операцияларини бажарганда саррофлар-брокерлар сифатида майдонга чиқадилар ва катта миқдорда воститачилик хақи оладилар. Лекин бу операциялар банк балансида акс эттирилмайди. Хозирги пайтда йирик тижорат банклари қарийиб 350 турдаги молиявий хизмат кўрсатмокда.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунда тижорат банкларининг қуидаги операциялари қайд қилинган:

1. Мижозларнинг хисоб варакаларини олиб бориш:
2. Мижозларга касса хизмати кўрсатиш:
3. Мижознинг топшириғига биноан накд пулсиз хисоб-китобларни бажариш:
4. Қиска ёки узок муддатли кредитлар бериш:
5. Шартнома ёки пуллик асосида буюртмачининг топшириғига биноан капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш:
6. Бўш пул маблағлари-депозитларни муомалага жалб килиш:
7. Ахолидан омонатларни кабул килиш:
8. Факторинг операцияларини амалга ошириш:
9. Лизинг операцияларини амалга ошириш:
10. Тижорат банки давлатнинг хамда бошқаларнинг кимматли қоғозларини харид килиш ва сотиш:
11. Хорижий валюта ва кимматли металларни харид килиш ва сотиш:
12. Ўз мижозлари учун кафолат ва мажбуриятлар бериш:
13. Бюджетнинг касса ижросини бажариш:
14. Банк операциялари бўйича маслаҳатлар бериш ва бошқа операциялар.

Улар орасида энг кўп таркалгани векселларни хисобга олиш усулидир. Банк вексел сакловчидан накд хисоб-китоб килиш йўли билан вексел сотиб олади. Унда қайд этилган суммадан хисобга олиш фоизини - кўрсатилган хизмат учун хақ ушлаб қолади. Вексел бўйича тулов муддати келганида банк уни векселни сотган вексель сакловчига эмас, балки векселни берган шахсга такдим этади.

Кимматли қоғоз гаровга олиниб, бериладиган ссудалар, шунингдек мана шундай қоғозларни харид қилиш бўйича операциялар фонд операциялари деб юритилади.

Товар эвасига бериладиган ссудалар омборлар йўлдаги ва савдо айланмасидаги бўлган товарларни гаровга олиб такдим этилди. Ссудалар ўз муддати тўланмаган ҳамма холларда гаровга қўйилган қимматли қоғозлар ва товар моддий бойликлари банк ихтиерига мулк бўлиб ўтади. Тўлов қобилиятига шубха

йўқ йирик мижозларга банк хеч кандай таъминотсиз ссудалар еки банк кредитлари деб аталадиган қарзлар беради.

## **Мавзу 2. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ ВА ҚИММАТБАХО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ**

- 1. Халқаро валюта муносабатлари ва уларни юзага келиш асослари.  
Миллий валюта тизими ва унинг элементлари.**
- 2. Жаҳон валюта тизими ва унинг элементлари. Валюта муносабатларини тартибга солиш тизими.**
- 3. Молия бозори ва қимматли қоғозлар бозорининг роли, вазифалари ва функциялари.**
- 4. Қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш, унинг структураси ва вазифалари.**

### **2.1. Халқаро валюта муносабатлари ва уларни юзага келиш асослари. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари.**

Халқаро валюта муносабатлари-бу валюталарнинг давлатлараро ҳаракатланиши натижасида юзага келадиган молиявий муносабатлардир.<sup>13</sup> Валюта

---

<sup>13</sup> Siegel J. G, Shim J. K. Dictionary of Accounting Terms. 3rd ed. The USA: Barron's, 2000.

давлатлараро ҳаракатланиши учун у халқаро тўлов воситаси вазифасини бажара олиши ва халқаро валюта бозорларида олди-сотди қилиниши керак. Халқаро валюта операцияларининг асосий қисми (80 % дан ортиқ) халқаро резерв валюта мақомига эга бўлган етакчи валюталар орқали амалга оширилади. Бу мақомни Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) беради. Ҳозиргача 5 та валюта резерв мақомга эга.

ХВФ валютага Халқаро резерв мақомни бериш учун 4 та омилни ҳисобга олади:

1. Бу валюта ХВФ да эмитент давлат катта резерв позициясига эга бўлиши керак.
2. Бу валюта халқаро бозорларда котировка(олди-сотди) қилиниши керак.
3. Дунё мамлакатларининг хорижий валюталардаги заҳираларининг бир қисми мана шу валютада шакиллантирилиши керак.
4. ХВФ бу валютада кредитлар бериши керак.

Халқаро валюта муносабатларининг асоси бўлиб қўйдагилар ҳисобланади:

1. Экспорт-импорт операцияларининг мавжудлиги.
2. Инвеститсияларнинг давлатлараро оқимининг мавжудлиги. Тўғридан тўғри инвеститсиялар- бунда хорижий инвеститсиялар янги объектларни қуриш ёки техникаларни сотиб олиш учун жалб қилинади. Портфелли инвеститсиялар-бунда хорижий инвеститсиялар қимматли қофозларни сотиш йўли билан жалб қилинади.
3. Халқаро кредитларнинг мавжудлиги.
4. Давлатлараро пул ўтказмаларининг мавжудлиги.
5. Давлатлараро сиёсий ва маданий алоқаларнинг мавжудлиги.

Миллий валюта тизими бу мамлакатда валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-хуқуқий шаклидир. Миллий валюта тизими қўйдаги элементлардан ташкил топган:

1. Миллий валюта номи (УСД, УЗС, эУРО)
2. Миллий валюта алмашув курсининг режими. Амалётда 3 хил курс режими мавжуд: 1) эркин сузиш режими-бунда миллий валютанинг курси хорижий валютага бўлган талаб ва таклифга қараб эркин шакилланади. Марказий Банк миллий валюта курсининг маълум даражада тебраниши учун жавоб бермайди. 2) Қатъий белгиланган курс режими-бунда миллий валюта курси хорижий валютага ёки валюта саватига нисбатан маълум нисбатларда белгилаб қўйилади. Марказий Банк ана шу курсни ушлаб туриши учун жавобгар ҳисобланади. 3) Бошқариладиган сузиш режими-бу мамлакатлар валюта қонунчилигига эркин сузиш режими ёзилган бўлади лекин Марказий Банк миллий валюта курсига таъсир қилиш учун тез-тез валюта интервенсиясини ўтказади. Валюта интервенсияси-бу миллий валюта курсининг кутилмагандага юзага келадиган тебранишларига барҳам бериш учун Марказий Банк томонидан хорижий валютанинг сотилиши ёки сотиб олиниши.

3. Мамлакат валютавий чеклашларининг мавжудлиги ёки йўқлиги. Ўзбекистон 08.10.2003 да ХВФ низомининг 8-моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилди. Шу тариқа жорий валюта операциялари бўйича чекловлар бекор қилинди. Лекин Ўзбекистон капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўйича валютавий чекловлар мавжуд.<sup>14</sup>

4. Миллий валюта курси

5. Миллий валюта паритети. Бу миллий валюта қийматинг хорижий валюта қийматига нисбатидир. Валюта паритети миллий ва хорижий валютанинг ҳарид қобилятини таққослаш йўли билан аниқланади.

<sup>14</sup> Siegel J. G, Shim J. K. Dictionary of Accounting Terms. 3rd ed. The USA: Barron's, 2000.

6. Мамлакатнинг халқаро валютавий тўловга қобиллиги. 1) Агар мамлакат 3 ойлик импортни тўлашга етадиган олтин заҳираларига эга бўлса у халқаро валютавий тўловга қобил ҳисобланади. 2) олтин заҳиралари + хорижий валютадаги заҳиралар / 1йиллик товар импорти X 100%. Агар бу 50% ва ундан юқори бўлса мамлакат халқаро валютавий тўловга қобил бўлади.

7. Миллӣ валюта бозорининг мавжудлиги.

8. Миллӣ олтин бозорининг режими.

9. Мамлакат халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби.

10. Валюта муносабатларини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органлари. Ўзбекистонда Марказий Банк Валютани тартибга солучи орган ҳисобланади. 4та валютани назорат қилувчи орган мавжуд:

1. Марказий Банк

2. Молия Вазирлиги

3. Давлат Божхона Қўмитаси

4. Давлат Солиқ Қъомитси

Давлатлараро валюта муносабатларини ХВФ тартибга солади. Бундан кўзланган асосий мақсад халқаро валюта тизимида узлуксиз фаолият кўрсатишни таъминлаш орқали халқаро иқтисодий муносабатларни ривожланишига кўмаклашиш ҳисобланади.

**Валюта муносабатларининг баъзи бир элементлари қадимий Римда векселлар асосида ва бир мамлакат савдогарининг пулини иккинчи бир мамлакат савдогарига алмаштириб бериш заминида вужудга келган. Валюта муносабатларининг ривожланишининг кейинги босқичи қадимий Лионда ва бошқа Гарбий эвропа мамлакатларида ўтказиладиган тратта операцияларининг ривожланиши ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, жаҳон бозорининг барпо бўлиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва жаҳон хўжалик тизимининг ривожланиши халқаро валюта муносабатлари ривожланишининг асосидир. Валюта муносабатлари халқаро иқтисодий муносабатларининг бир бўлаги ҳисобланиб, унинг ҳолати миллий ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига, сиёсий аҳволга, мамлакатнинг иқтисодий потенциалига, унинг жаҳондаги ўрнига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.**

Валюта тизими давлатлараро битим ёки миллий қонунларга мувофиқ валюта муносабатларини ташкил қилиш ва бошқариш шаклларини ўз ичига олади. Валюта тизимининг қуйидаги турлари мавжуд. Булар – миллий, жаҳон ва халқаро (минтақавий) валюта тизимлари.

Саноати ривожланган давлатлар иқтисодиётлари ўртасидаги интеграциянинг чуқурлашуви шароитида валюта тизими жаҳон хўжалик алоқаларида муҳим ва мустақил ўрин тута бошляяпти. Валюта тизими мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига бевосита таъсир этади (яъни ишлаб чиқариш омиллари, суръатларига, нархга, иш ҳақига ва бошқаларга).

Миллий, жаҳон ва халқаро (минтақавий) валюта тизимлари тушунчалари бирбиридан фарқланади.

**2.2. Жаҳон валюта тизими ва унинг элементлари. Валюта муносабатларини тартибга солиш тизими.**

**Валюта тизими аҳамиятининг ўсиши ривожланган мамлакатларнинг миллий ва маҳаллий доирада валюта соҳасида давлат монополистик бошқарувининг янги усули ва воситаларини излашга мажбур этмоқда.<sup>15</sup>**

### **Жаҳон валюта тизими (ЖВТ) ва унинг эволюцияси**

Ривожланган давлатларнинг валюта тизими нафақат улар ўртасидаги пул ҳисобкитоб муносабатларини, балки ички пул муомаласининг катта қисмини ҳам ўз ичига олади. ЖВТ олтин стандартга асосланган тизимдан аста секин мақсадли бошқариладиган, қоғозкредит пулларига асосланадиган тизимга айланди. Шу билан бирга, унинг ривожланиши (ўн йилликлар фарқи билан) миллий пул тизимининг ривожланиш босқичларини такрорлайди. Ички иқтисодиётда пул тизими олтин танга стандартидан олтин қўйма ва олтиндевиз, ундан кредит, қоғоз пул муомаласига ўтди ва охирги босқичда кўпроқ эътибор кредит воситаларига қаратиладиган бўлди.

Жаҳон миқёсида бу ҳолат кейинроқ маҳсус шаклларда намоён бўлди. Бунда олтингтанга стандарти мутлақо бўлмаган, олтин қўйма стандарти асрлар давомида мавжуд бўлган; олтин билан бир қаторда ёрдамчи кредит пуллари вексел, чек ва бошқа кўринишида ривожланган. Аммо XX аср бошига келиб, бу тизим халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги шаклига жавоб бермай қолди. Бу даврнинг энг асосий белгиларидан бири капитални экспорт қилиш – ЖВТ нинг янги олтин стандарт шакллари билан қарамақаршиликка учради. Бундан ташқари, олтин захиралари тез ривожланиб бораётган давлатлар хазинасида тўплана борди. Шунинг учун ҳам, давлатлар ўртасида янги бошқариладиган валюта тизими зарур эди. 30йилларининг иккинчи ярмида олтин стандарт шакллари ўрнига қоғозкредит пул муомаласи келди. У давлатга эмиссия механизмидан иқтисодиётни бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш имконини берарди.

**Жаҳон валюта тизими ривожланишининг муҳим босқичи Иккинчи Жаҳон урушидан кейин бошланди.**

**Иккинчи Жаҳон уруши олтин захираларининг янги тақсимотига олиб келди:**

барча давлатларнинг деярли 4/5 олтин захиралари АҚШда тўпланди. Долларнинг ЖВТда этакчи ўриндалиги, олтиндевиз стандартининг олтин доллар шаклини олганлигидан далолат берарди.

Бу ҳолат расмий равишда 1944 йил июлда Бреттонвудсдаги (АҚШ) БМТ Конференциясида тасдиқланганди. Унда урушдан кейинги Жаҳон валюта тизимига асос солинди.

**ЖВТининг ташкилий ва фаолият тамойиллари қуйидагилар қилиб белгиланди:**

- олтин ЖВТининг асоси сифатида тан олинди;
- доллар ва фунтстерлингга халқаро ҳисобкитобларда ва чет эл валюта захираларида асосий ўрин берилди ва уларни олтин ўрнига тақдим этилиши мумкинлиги тасдиқланди;
- долларга нисбатан барча мамлакат валюталарининг қатъий паритети ўрнатилди, доллар орқали эса – олтиннинг ва чет эл валюталарининг бирбирига нисбатан баҳоси аниқланадиган бўлди;
- валюта курсининг доллар паритетига нисбатан тебраниши = 1 % даражасида белгиланди;

<sup>15</sup> Spears R. A. Dictionary of American Slang. Lincolnwood, Illinois: National Textbook Company, 1991

– ЖВТ ни бошқариш мақсадида Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) ва Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки (ХРТБ) ташкил этилди;

– валюта чеклови тизими бекор қилиниб, миллий валюта конвертацияси тикланди.

Бу шаклда тузилган, II- Жаҳон урушидан кейинги ЖВТ халқаро валюта молия муносабатларидаги тартибсизликни йўқотишга имкон берди.

Аммо Бреттонвудс тизимининг қарама қаршилиги – тартибсиз бозор (олтинстандарт) ва бошқариладиган доллар тизими бўйича иш юритиш куйидагиларга олиб келди:

– ўзгармас олтин нархи ва нархи ўсувчи товар ва хизматлар орасида фарқ юзага келишига;

АҚШдан кўп микдордаги капиталнинг бошқа давлатларга оқиб кетишига (19571971 йилларда 54,2 млрд. доллар микдорида тўғри инвестициялар тарзида АҚШдан бошқа давлатларга оқиб ўтган);

– чет эллардаги катта ҳарбий харажатларга;

– АҚШнинг тўлов баланси тақчил бўлишига (унинг микдори 19531972 йилларда – 69 млрд. долларни ташкил қилган);

– долларнинг реал курси ва унинг олтин паритети орасида узулишнинг бўлишига ва бошқалар.

Бундан ташқари, 60 йилларнинг иккинчи ярмида Фарбий эвропа ва Япония АҚШдан ўз олтин захиралари ва экспорт ҳажми бўйича икки баравар ошиб кетди. Натижада, хатто олтиндевиз стандарти таянадиган умумиқтисодий асос ўз умрини тутатди. Олтиндоллар стандартининг бузилиши валюта бозорларида долларнинг «тушиши» ва «валюта иситмаси» деган иборалар тарзида ўз аксини топди.

Шунинг учун 1970 йилда ХВФ чегарасида маҳсус ҳисоб ва тўлов бирлиги (СДР) киритилди ва у аъзо давлатларнинг валюта захираларини тўлдириш учун мўлжалланганди. СДР жаҳон пулининг бир қатор функцияларини бажарадиган бўлди. У ХВФ аъзоларининг квоталарига пропорционал тарзда тақсимланади, шунинг учун унинг асосий қисми ( $2/3$  дан  $3/4$  гача) ривожланган давлатларга,  $1/4$  қисми ривожланаётганларига тўғри келади. СДР нинг бошланғич курси АҚШ долларининг расмий олтин микдорига тенглаштирилган.

Кейинчалик унинг қобилияти 16 валюта савати бўйича, ҳозирда эса 5 асосий миллий валюталар бўйича аниқланади. СДР ЖВТнинг асосий захира воситасига айланмокда.<sup>16</sup>

Бу шароитда АҚШ икки марта доллар девальвациясини ўтказди (1971 ва 1973 йилларда). Натижада олтиннинг расмий курси троя унцияси 42,22 долларгача қилиб белгилаб берилди. Бу даврда қўпчилик ривожланган давлатлар ўз валюта курсини маълум даражада ушлаб туриш (долларга нисбатан) мажбуриятларидан воз кечибди. 1973 йилдан олтин маҳсус олтин ва товар биржаларидаги нарх асосида сотиладиган ва сотиб олинадиган бўлди. Олтин нархи ЖВТга бевосита таъсир ўтказмайдиган бўлди.

Бу шароитда халқаро валюта муносабатларини қайта ташкил қилиш муаммоси вужудга келди. 1976 йил январда ХВФнинг Вақтли Кўмитаси ХВФ Низомига бир қатор ўзгаришларни киритди. Бу ўзгаришлар ХВТи фаолиятини расмий равишда қайта тақсимлашни билдиради (Ямайка келишуви, 19761978 йй.). Валюта

<sup>16</sup> Spears R. A. Dictionary of American Slang. Lincolnwood, Illinois: National Textbook Company, 1991

муносабатлари механизмидаги ўзгаришлар 1978 йил 1 апрелдан кучга кирди ва у қуидагилардан таркиб топганди:

— олтиннинг расмий нархи бекор қилинди (ХВФнинг мавжуд олтин захираси 33 фоизининг 1/6 қисмини очиқ аукционларда сотиб ва яна 1/6 қисмини аъзо давлатларга тарқатиш йўли билан ҳисобдан чиқаришганди);

СДР ЖВТнинг асосий захира активига расмий равишда айлантирилди.

**Валюта курсларининг «сузувчи» тизими қонунлаштирилди. Аъзо давлатлар ўз валюта паритетини СДР ёки бошқа чет эл валютасида ифодалай олиши мумкин эди (аммо олтинда эмас).**

**Халқаро валюта бошқариш соҳаси кенгайтирилди.** Бунинг учун ХВФ қошида иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича аъзо давлатлар вазирлари даражасида қўмита ташкил этилди.

Ташкил топган валюта тизими кўп жиҳатдан XX асрнинг 70 йилларидаги жаҳон хўжалигининг ўзгарган шароитларига жавоб берарди.<sup>17</sup>

Гарбий европа валюта интегратсиясининг чукурлашуви европа валюта тизимининг (ЕВТ) вужудга келишига олиб келди. Бу валюта тизими минтақавий валюта тизими (МВТ) бўлиб, у ЖВТнинг элементларидан биридир.

ЕВТ 1979 йили ташкил этилди. Бу МВТнинг асосий белгиси ЭКЮ механизмидир. ЭКЮ маҳсус европа ҳисоб бирлиги бўлиб, ГФР (1/3 қисми) маркаси бошчилигидаги Гарбий европанинг 10 мамлакати валютасининг «савати»га асослангандир. СДРдан фарқли равишда ЭКЮ банк ва фирмаларнинг хусусий операцияларида қўлланилади. Миллий валюталар квотаси ЭКЮнинг ташкил этувчилари мамлакатнинг иқтисодий потентсиали билан аниқланади ва ҳар 5 йилида қайта кўриб чиқилади. «Сават»ни қайта кўриб чиқиша ҳамма актив ва пассивлар янги курс бўйича қайта баҳоланади. Охирги марта ЭКЮ 1989 йилда белгиланган бўлиб, валюталар улуши (% ларда):

ГФР маркаси – 30,1

Франция франки – 19,0

Голланд гулдени – 9,4

Белгия франки – 7,6

Испания песетаси – 5,3

ва бошқалар – 5,45 ни ташкил қилган.

ЕИ чегарасида ягона пул бирлигига ўтилиши ЭКЮни асосий валютага айлантиради.

Ямайка валюта тизимидан фарқли равишда, ЭВТ олтиндан ЭКЮнинг таъминоти сифатида кисман фойдаланади ва аъзо мамлакатларнинг расмий олтин доллар захираларининг 20 фоизини бирлаштиради.

Валюта курслари режими валюталарнинг белгиланган чегарада сузишига асосланган (асосий курсдан = 2,25 %, Италияда бекарорлик туфайли 6 %).

ЕВТ мамлакатлараро минтақавий валюта бошқаришини европа валюта ҳамкорлиги фонди (ЕВХФ) орқали амалга оширади. У Марказий банкларга қисқа ва ўрта муддатли кредитларни валюта интервенцияси билан боғлиқ тўлов баланси тақчиллигини қоплаш учун беради.

**Валюта соҳасида ягона пул асоси жаҳон пули мавжуд эмас.**

Еркин конвертатсия қилиш ва капитал оқиб ўтиши шароитида мамлакатларда ички пул муомаласи ва халқаро тўлов айланмаси ўртасидаги чегаралар йўқолмоқда:

<sup>17</sup> Spears R. A. Dictionary of American Slang. Lincolnwood, Illinois: National Textbook Company, 1991

Миллий ва халқаро пулкредит бозорининг биргаллашиши тенденцияси миллий пул-кредит бозорларининг ўзига хослиги, ихтисослигини сақлаган ҳолда ривожланмоқда.

Ҳатто АҚШ, ГФР, Англия, Швейтсария ва бошқа бозорларда операцияларни эркинлаштирган давлатларда ҳам халқаро ва миллий капитал бозорлари фарқ қилмоқда. Масалан, АҚШнинг эвродоллар ва миллий капитал бозорларини олайлик. АҚШда сотувга қўйилган резидент ва резидент бўлмаганларнинг облигатсиялари рўйхатдан ўтиши лозим. Бундай ҳолат халқаро бозорда мавжуд эмас.

Бундан ташқари, халқаро бозорда чиқарилганига бир ой бўлмаган қимматли қоғозлар АҚШнинг инвесторларга тақдим этилиши мумкин эмас. Бошқа кўпчилик давлатларда бундай ҳолатлар эркинроқ намоён бўлади (Франция, Белгия, Италия, Япония ва бошқалар).

Валюта соҳасининг халқаро айирбошлаш муносабатларидағи мавқеининг ошиш тенденцияси ЖВТ ривожининг ҳамма босқичларида (олтин стандартдан бошлаб) кузатилади. Миллий хўжалик жаҳон хўжалик алоқаларига қанчалик кўп жалб этилган бўлса, маҳаллий қўмиталар иқтисодиётни ташки номақбул таъсирлардан ҳоли этишга ҳаракат қиласди. Бу зиддият ҳар бир давлатнинг олтин стандартдан бошлаб, то ҳозирги кунгача бўлган эволютсиясини белгилаб берди. Масалан, олтин стандарт давридаги олтиннинг тартибсиз оқими (давлатлар ўртасида) охироқибатда уларнинг ишлаб чиқарувчи кучларига салбий таъсир этди. 1929-1933 йилги иқтисодий кризис валюта механизмининг олтин стандарт давридаги ҳолатига шундай тутур этказди: эркин валюта алмашинуви қаттиқ валюта чекловлари билан алмашди, валюта блоклари ва зоналари ташкил топди, байналмилаллашув жараёни тўхтатилди. Бреттон-вудса тузилган халқаро ҳисобкитоблар модели валюта механизмини тиклашга қаратилган қадам бўлди. У аниқ белгиланган тамойиллар асосида иш юритар, унинг устидан назоратни ХВФ ўз бўйнига олганди.<sup>18</sup>

Бреттон-Вудс валюта механизми XX асрнинг 70 йиллари бошларигача фаолият юритди, у миллий манфаатларни халқаро мажбуриятлар билан бирлаштириди: давлатларнинг нисбий мустақиллиги (ички иқтисодий сиёсатни ўтказиш соҳасида) халқаро кредит тизими иштироки билан таъминланарди. У ўз ичига ХВФ кредити, заёмлар тўғрисида бош келишув (1961 йил), Марказий банклар ўртасидаги своп кредитлари ва бошқаларни олар эди.

Ўтган асрнинг 70 йиллари бошида ривожланган давлатлар иқтисодиёти шундай чегарага яқинлашди, бунда кейинги иқтисодий ўсиш бутун базасини янгилаш, валюта таъминотининг самарадорлигини оширишни талаб этарди. Шунинг учун 1971-1973 йиллардаги «сузувчи» валюта курсларининг киритилиши ЖВТнинг эволютсиясининг қонуний босқичи эди. Ҳозирги сузувчи валюта курслари тизими асосида халқаро ҳисобкитоб тизимида чукур таркибий ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Улар нафақат молиявий операциялар ҳажмининг ўсишида (улар савдо операциялари билан 10:1 нисбатни ташкил этишди), балки молиявий оқимлар ҳаракатининг давлат бюджети, солик ва кредит сиёсатидаги фарқларда ўз аксини топади. Ва шу муносабат билан мамлакатлар ўз миллий валютаси курсини мустақил белгилаш имконини олдилар.

<sup>18</sup> The Oxford Dictionary for International Business. Oxford: Oxford University Press, 1998.

**Шундай қилиб, ҳозирги валюта тизимида, халқаро ва байнанминаллик ўртасидаги нисбат миллий омиллар томонига хал бўлди.**

## **2. 3. Молия бозори ва қимматли қоғозлар бозорининг роли, вазифалари ва функциялари.**

“Молия бозори”атамаси жуда кенг тушунчадир. Ҳозирги замон иқтисодиёти учун молия бозори ўзига хос “асаб маркази” ҳисобланади, унинг ривожланиш даражасига қараб мамлакат иқтисодиётининг “аҳволи” ҳақида фикр юритиш мумкин, чунки молия бозорига таъсир кўрсатиб, жамиятнинг иқтисодий фаоллигини бошқариш мумкин.<sup>19</sup>

Ҳозирги замон молия бозорининг асосини кўп сонли молия муассасалари ёки воситачилар ташкил қиласди. Бу сотувчилар ва харидарлар яъни, сотиладиган ва харид қилинадиган товар, пул ва бошқа молия активлари мавжуд бўлган бозор. Улар вақтинчалик фойдаланиш учун (мажбуриятли қарзлар шаклида) ёки бутунлай (акцияга) берилиши мумкин.

Шу билан бирга молия бозорлари пул маблағлари жамғармаларининг эгаларидан қарз олувчиларга борадиган кўплаб турли-туман йўллар билан таъминланиб туради. Иқтисодий адабиётларда улар икки асосий гурухга ажратилади.

Биринчи гурухга пул маблағлари бевосита жамғармаларининг эгаларидан қарз олувчиларга борадиган маблағ билан бевосита молиялаш йўллари киради. Улар ўз навбатида икки турга бўлинади: капитал молиялаш-унга мувофиқ тадбиркор маблағни мулкнинг бир қисмига алмаштириш ҳисобига олади (оддий акциялар) ва қарз олиш йўли билан молиялаш-унга мувофиқ фирма маблағни олдиндан келишилган фоиз бўйича кейин тўлаш ва фирмага эгалик қилиш ҳуқуқини олмаслик ҳақидаги шарти билан олади (облигациялар). Бу барча қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва фаолият кўрсатишини белгилайди.

Билвосита маблағ билан таъминлашга омонатчиларнинг молия муассасаларига: тижорат банклари, суғурта вав траст компаниялари, пенсия фонdlари ва ҳоказоларга қўйишга доир барча операциялар киради.

Молия бозорлари ва уларга фаолият кўрсатадиган молия муассасалари мамлакатнинг молия тизимини ташкил қиласди.

Молия тизими мамлакат иқтисодиёти учун ҳаётий зарур бўлган кўпгина муҳим вазифаларни бажаради.


**Жамғариш вазифаси.** Молия муассасалари тизими аҳолига, корхоналарга фоизли ва фоизсиз омонатлар, қимматли қоғозлар, депозит сертификатлар, облигациялар ва акциялар шаклидаги пул жамғармаларининг хилма-хил усулларини таклиф қиласди. Молия муассасалари корхоналар ва уй хўжаликларининг “вақтинчалик ҳаракатсиз пуллари” нинг харид қобилиятини саклаш ва кўпайтириш мажбуриятини олади.

<sup>19</sup> Urdang L. The Oxford Thesaurus: An A-Z Dictionary of Synonyms. Oxford: Clarendon Press, 1992.

**Кредитлаш вазифаси.** Бу – молия тизими ning фаол тизими ning фаол вазифасидир. У биринчи вазифа билан чамбарчас боғланиб кетган, чунки молия муассасаларининг, хусусан, банкларининг кредит бериш салоҳияти мамлакат иқтисодиётида жамғарилаётган молия маблағлари ҳажмига бевосита боғлиқ.

## Молия бозорларини таснифлаш

### МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ



Молия тизими мамлакат иқтисодиёти учун ҳаётий зарур бўлган кўпгина муҳим вазифаларни бажаради.

**Жамғариш вазифаси.** Молия муассасалари тизими аҳолига, корхоналарга фоизли ва фоизсиз омонатлар, қимматли қофозлар, депозит сертификатлар, облигациялар ва акциялар шаклидаги пул жамғармаларининг хилма-хил усулларини таклиф қиласди. Молия муассасалари корхоналар ва уй хўжаликларининг “вақтинчалик ҳаракатсиз пуллари” нинг харид қобилиятини сақлаш ва кўпайтириш мажбуриятини олади.

**Кредитлаш вазифаси.** Бу – молия тизимининг фаол тизимининг фаол вазифасидир. У биринчи вазифа билан чамбарчас боғланиб кетган, чунки молия муассасаларининг, хусусан, банкларининг кредит бериш салоҳияти мамлакат иқтисодиётида жамғарилаётган молия маблағлари ҳажмига бевосита боғлиқ.

**Тўловга хизмат кўрсатиш вазифаси.** Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товар молия операциялари билан боғлиқ бўлган тўловлар доимо ва катта ҳажмларда амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар) ўз ходимларига иш ҳақи ва мукофотлар беради, хом-ашё ва товар етказиб берувчиларга ҳақ тўлайди, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди ва ҳоказо. Бу ҳисоб-китобларнинг барчаси турли-туман молия воситалари, жумладан тўлов топшириқномалари, талабномалар, аккредитивлар, чеклар, векселлар, кредит карточкалари ва ҳоказолар ёрдамида бажарилади.

**Иқтисодий сиёsat вазифаси.** Марказий банк ва ҳукумат молия тизимининг пул-кредит ва фискал дастакларига таъсир кўрсатиб, давлат иқтисодий сиёsatни зарур йўналишида ўтказади.

Қимматли қофозлар бозори-бозор иқтисодиётининг энг асосий қисмларидан биридир. Молия бозорининг ажралмас қисми бўлиб, у омонатларини жонлантирувчи ва уларни иқтисодиётга сармоялаштириш ҳамда ишлаб чиқариш истиқболини такомиллаштириш учун молиявий активга айлантирувчи канал бўлиб хизмат қиласди.

## **2.4. Қимматли қофозлар бозорини ташкил қилиш, унинг структураси ва вазифалари.**

Қимматли қофозлар бозори савдо капиталининг ривожланиш бўсағасида пайдо бўлган ва кўпчилик ғарб мамлакатларида у хўжалик механизмининг энг барқарор ва йўлга қўйилган қисмларидан бири ҳисобланади.

Қимматли қофозлар қадим замонларда, ҳеч бўлмаганда кеч ўрта асрларда пайдо бўлди ёки лоақал маълум эди. Ўша даврларда йирик кашфиётлар натижасида халқаро савдо ҳажмлари анча кўпайди ва тадбиркорларга ўз савдо-сотиқ имкониятларини кенгайтириш учун йирик сармоя суммалари зарур бўлди.<sup>20</sup>

<sup>20</sup> Williamson A. D. Field Guide to Business Terms: A Glossary of Essential Tools and Concepts for Today's Manager. Boston: Harvard Business School Press, 1993.

Ўша вақтларда лондонлик брокерлар шундоққина күчанинг ўзида ёки кичик ресторанларда қимматли қоғозларга доир битимлар тузадилар.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг пайдо бўлиши давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва акциядорлик корхоналарига айлантириш жараёнлари билан боғлиқ.

Бу бозор барча бозорлардан энг аввало унда айланадиган товар – қимматли қоғозлар билан ажralиб туради. Ўз навбатида, уларнинг айланиши бу бозор иштириокчиларининг алоҳида таркиби, унинг фаолият кўрсатиш тартиби, уни тартибга солиш қоидалари ва ҳ.к. белгилайди.

Қимматли қоғозлар бозори банк кредити тизимини тўлдиради ва у билан ўзаро муносабатда бўлади. Тижорат банклари, одатда, кредитни бир йилдан кўп муддатга бермайди, қимматли қоғозлар бозори эса ишлаб чиқарувчиларга анча кўп миқдордаги пул маблағларини амалга исталган муддатга ҳамда банк кредитига нисбатан фойдалироқ шартларда жалб қилишга имкон беради.

Бизнинг мамлакатимизда шакилланаётган қимматли қоғозлар бозорининг асосий вазифаси - кўпчилик сармоядорларнинг пул маблағларини жонлантириш ва уларнинг иқтисодиётининг ишлаб чиқариш секторига йўналтиришдан иборатдир.

### **Ўзбекистон иқтисодиётида қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**

Мамлакатимизда давлатимиз томонидан қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида қатор қарорлар қабул қилинган. Уларда аҳолининг ва сармоядорларнинг бўш турган маблағларини жалб этиш, уларнинг бозорга қизиқишини фаоллаштиришга доир тегишли чора-тадбирлар белгиланган, бозор қатнашчиларига бериладиган имтиёзлар кўзда тутилган.

Қимматли қоғозлар бозорини (айниқса, иккиласми бозорни) ривожлантиришнинг умумиқтисодий самаралари қўйидагилардан иборат бўлиши лозим :

- молия бозорларнинг ликвидлилик даражасини ошириш ва тегишли молия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш ;
- молия бозорларида рақобатни кучайтириш ҳамда “нархлар”ни (фоиз ставкалари, курсларни) барқарорлаштириш ;
- инвестицияларни тармоқларга қайта тақсимловчи бозор механизми самарадорлигини ошириш лозим.

МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатларида тўлақонли қимматли қоғозлар бозорини яратишга доир ишлар ҳар хил кечмоқда ва турли суръатларда бормоқда. Агар Ғарбда бу жараён аста-секин, эвалюцион йўл билан кечиб, бир неча юз йилларга чўзилган бўлса, ислоҳатларни бошидан кечираётган собық социалистик мамлакатларида у қизғин ва жўшқин ўтмоқда, бу эса сўзсиз “ўсиш касаллиги”ни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, саноати ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиши “пастан” юз берди, яъни олдинига пала - партиш қимматли қоғозлар бозори пайдо бўлди, уни тартибга соладиган қонун хужжатлари тузилди. МДҲ мамлакатларида бу жараён асосан қимматли қоғозлар бозорининг меъёрий –

хуқуқий базаси ва инфратузилмасини яратиш йўли билан “юқоридан” амалга оширилди.

Ўзбекистонда ҳам қимматли қоғозлар фаолиятини хуқуқий жиҳатдан твъминлаш учун қатор хужжатлар тайёрланди ва тасдиқланди.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш масаласи давлатимизнинг доимий даққат – эътиборида турибди. Унинг фаолияти билан боғлиқ масалалар давлат аҳамиятига эга.

### **Ўзбекистонда молия бозорини шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари.**

Молия бозорлари ҳақида гап борар экан, бу соҳанинг яраша хусусиятларини тасаввур қилиш керак. Албатта ҳар қандай бозор каби бу ерда ҳам сотиб оловчилар ва сотувчилар мавжуд. Лекин олинадиган ва сотиладиган нарсалар молия бўлганлиги, яъни олинадиган ва тўланадиган восита ҳам молия бўлганлиги учун бу бозор бошқа бозорлардан ажралиб туради. Бу бозорда сотиладиган молия эвазига маълум муддатдан сўнг каттароқ миқдорда бўлган молия қайтарилади. Ва бу ҳол ҳар хил қўринишида намоён бўлиши мумкин: банк берган қарзлар, қарз қоғозлари эвазига ёки бошқа қимматли қрғозлар эвазига бериб турилган дастмаклар ва ҳоказо. Лекин, маълум муддатдан кейин олинган молия унга қўшилган фоизлар билан қайтарилиши бу савдонинг асосини ташкил этади.

Замонавий молия бозорлари ўта мураккаб бўлиб, уларнинг фаолиятини мавжуд молиявий асбобларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Асбоблар ҳар турдаги қарз қоғозлари, қарз оловчиларнинг ва берувчиларнинг мажбуриятларини тасдиқловчи хужжатлар суғурта ва хатарларнинг олдини оловчи услублар ва бошқа қимматли қоғоз ва бошқарувчи қонун-қоидалардан иборат. Шу билан бир қаторда, молия бозорларнинг фаолияти тараққий этган давлатларнинг сиёсатлари, расмий халқаро молия ташкилотларининг фаолиятлари ва норасмий “оффшор минтақалар” деб аталмиш молия бозорларининг таъсирида шаклланади.

Ушбу мураккаб жараёнларнинг, ҳозирга кунга келиб, инсоният тараққиётiga салбий таъсири кучайиб бормоқда. Аниқки тараққий топган давлатларнинг ички иқтисодий сиёсатларига ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг шаклланишига молия тизимининг таъсири жуда катта. Яъни, иккала эслатиб ўтилган соҳаларда молия тизимининг манфаатлари устунлиги эътироф этилган.

Ҳозирги куннинг асосий муаммоси шундаки, молия савдоси иқтисодий ўсишдан бир қанча юқори тезликда давом этиб келмоқда. Бу молия бозорларининг ҳаракатларининг ўсиши етарлича ишлаб чиқарилган маҳсулот, товарлар савдо-сотифи ва кўрсатилаётган хизматлар билан таъминланиши учун хом ашёларнинг янги конларини ўзлаштириш ва кайта ишлашга талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

# **Амалий машғулотлар учун ишлилмалар**

## **1 Мавзу. ПУЛНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, ЗАРУРЛИГИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

Ҳар бир иқтисодий категория амал қилувчи мамлакат ривожланишининг асосий дастагларидан бири пул бўлиб, бозор иқтисодига ўтиш ва унда иш юритишда унинг роли ва аҳамияти яна ошиб боради. Дарҳақкат, пул - “бозор тили” деб бекорга айтишмаган. Ҳар бир иқтисодий ахборот, товарлар ва-хизматлар баҳоси, тўловлар, даромаду ҳаражатлар, молиявий талаблар ва мажбуриятлар, иқтисодий алоқалар макро ва микро даражаларда фақат пулда ифода қилинади. Ҳар бир иқтисодий категорияларнинг амал қилиши, иқтисодий муносабатларнинг маъсали сифатида намоён бўлиши, унинг зиммасига маълум мақсадларни юклайди. Пул иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттира туриб, умумий функцияларни бажаради. Пулнинг моҳияти унинг бажарадиган функцияларида янада яққолроқ намоён бўлади.

**Таянч иборалар:** Рационалистик қараш, Умумий эквивалент, Эволюцион назария. Қиймат ўлчови. Муомала воситаси. Тўлов воситаси. Жамғарма воситаси. Ҳақиқий пуллар. Қоғоз пуллар. Кредит пуллар. Вексел. Чек.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Иқтисодиётда пулнинг тутган ўрнини ва аҳамиятини тушунтириб бера олади
- 1.2. Пулнинг хусусиятларини таърифлаб бера олади
- 2.1. Пулнинг функцияларига тўлиқ таъриф бера олади
- 2.2. Пулнинг функциялари ўзаро ўзвий боғлиқлигини исботлай олади

$$M = C\cdot T / CO$$

буерда M — оборотдаги пуллар миқдори

C·T — сотиладиган товарлар нархи суммаси ;

CO — пул бирлигининг айланиш тезлиги .

Математик жихатдан бу тенгламани И. Фишер қўйдагича ёритган:

$$MV = PQ$$

буерда M (money) — оборотдаги пуллар массаси

V (velocity) — пул бирлигининг айланиш тезлиги;

P (price) — товар ва хизматларнинг уртacha нархи ;

Q (quantity) — сотилган товар ва хизматлар миқдори

Бундан пул массасининг хажми келиб чиқади .

$$M = P \cdot Q / V$$

Бу тенгламадан эса уртacha нархлар даражаси келиб чиқади.

$$P = MV / Q$$

Нархлар даражаси, пул массаси хажми , пул айланиш тезлиги ва ишлаб чиқариш хажмларнинг динамикаси уртасидаги боғлиқлик қўйдагича ифода топади.

$$I_p = I_m * I_v / I_q$$

буерда I<sub>p</sub> — нархлар индекси

I<sub>m</sub> — пул массаси хажми индекс;

I<sub>v</sub> — пул бирлигининг айланиш индекси

Iq — ишлаб чиқариш хажмларнинг индекси

**1. Машқ.** Терминларни мослаштиринг

*Терминлар:*

1. бартер
2. пул
3. банкнота
4. тангалар
5. пулнинг қиймати

*Изохлар:*

1. умумий товар эквивалент
2. метал пуллар
3. марказий банкнинг кредит пуллари
4. товар айирбошлашув
5. пулнинг товарга эгалланишувидаги иштироки

**2.Машқ.** Тўғриф нотўғрилигини аниқланг(ҳағ йўқ)

- 1.Биринчи товар-воситачи бўлиб олтин хизмат кўрсатган
- 2.Пулнинг асосий моҳияти унинг ишончлилиги
- 3.Пул ҳисоблаш бирлиги вазифасини бажаради
- 4.Тўғридан тўғри товарайирбошлашув ликвидлиг дейилади-
- 5.Пул -бу бозор тили
- 6.Пулнинг қиймат ўлчови, муомила воситаси, тўлов воситаси , жамғариш воситаси функциялари мавжуд.
- 7.Пулнинг эмитенти бўлиб тижорат банки ҳисобланади.-
- 8.Пуллар фақат марказий банк томонидан чиқарилади.
- 9.Қоғоз пуллар банкнот ва пластик карточкалар кўринишида бўлади-
- 10.Пул – бу умумий товар-эквивалент.

**Масала 1.**

Товар ва хизматлар учун нақд пуллик тўловлар йиғиндиси 6140 млрд сумни ташкил этади. Пул бирлигининг ўртacha айланиши 4 га teng бўлганда муомладаги нақд пуллар массаси хажмини аниқлан .

**Масала 2.**

Ишлаб чиқариш хажми 6% га кўпайганда пул массаси 24% га кўпайган. Пул айланиш тезлиги ўзгармас бўлган холатда нархларнинг ўртacha даражаси қандай ўзгаради.?

**Масала 3.**

Ишлаб чиқариш хажми 6% га , пул массаси 24% га , пул айланиш тезлиги 10 % га кўпайганда , нархларнинг ўртacha даражаси қандай ўзгаради.?

**Масала 4.**

Ишлаб чиқариш хажми 6% га , пул массаси 24% га нархларнинг ўртacha даражаси 5%.га кўпайганда пул айланиш тезлиги қандай ўзгаради.?

**Масала 5.**

Ишлаб чиқариш хажми 6% кўпайган , пул айланиш тезлиги 5% кисқарган, нархларнинг ўртacha даражаси 9%.га ўсган. Пул массаси хажми қандай ўзгаради?

## **Масала 6.**

Ишлаб чиқариш хажми 6% га , пул массаси 24% га нархларнинг ўртача даражаси 30% га кўпайганда пул айланиш тезлиги қандай ўзгаради.? **Масала 7.**

Ишлаб чиқариш хажми 3% га қисқарган, пул массаси 2,26 баробар ўсган , пул айланиш тезлиги 17%.га кўпайган. Нархларнинг ўртача даражаси қандай ўзгаради.? **Масала 8.**

Ишлаб чиқариш хажми 21% га қисқарган, нархлар 3,3 баробар ўсган, пул айланиш тезлиги на 34%. га кўпайган. Пул массасининг хажми қандай ўзгарган?

## **2 Мавзу. ПУЛ НАЗАРИЯСИ, ПУЛ АЙЛАНИШИ**

Накд пулсиз ва нақд пул ўтказиш йули билан амалга ошириладиган тўловларнинг йифиндиси пул оборотини ташкил қилади. Пул обороти инвестиция билан боғлик ҳаражатларни, сугурта жараёнларини амалга оширилишини, мулкни, ҳаётни, транспорт воситаларини, экин боғларини, бошқа буюмларни суғурта қилиш ва уни тўлашни ўз ичига олади. Пул функцияларига ва тўлов турига караб пул обороти нақд пуллик ва нақд пулсиз оборотга бўлинади.

Пул оборотининг асосий қисмини **нақд пулсиз оборот**, яъни корхона, ташкилотлар ўртасидаги, уларнинг давлат бюджети, кредит ташкилотлари билан нақд пулсиз бир счётидан иккинчи счётга маблағлар ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган оборот ташкил қилади. Накд пуллик оборот - бу нақд пул ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар йифиндисидир. Бу оборот пул ўзининг тўлов ва муомала воситаси функцияларини бажаришида юзага келади.

Маблағларини бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига нақд пул иштирокисиз, ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоблар нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар дейилади. Накд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари. Накд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари банклар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган ва халқаро амалиётда қабул қилинган шаклларда олиб борилади.

**Таянч иборалар:** Пул табиати; номинал; металли назария; илк металлчилар, пул айланиши., нақд пуллар., нақдсиз пуллар., тўлов топшириқномаси., чеклар., аккредитивлар., тўлов талабноматопшириқномалари., тўлов талабномалари. инкасса., лимитланган чек дафтарчаси.

### **Идентив ўқув мақсадлар:**

1. Пул назариясига оид қарашларни таҳлил қилиб фарқлай олади.
2. Пул айланишига таъсир қўрсатувчи омилларни таҳлил қила олади
3. Пул айланиши моҳиятини очиб бера олади
4. Накд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар аҳмиятини ёритиб бера олади

### **1. Машқ. Терминларни мослаштиринг**

#### **Терминлар**

1. Пул назарияси

2. Пул муомаласи
3. Пул айланиши
4. Накд пулсиз оборот
5. Накд пуллик оборот
6. Тўлов обороти
7. Пулнинг айланиш тезлиги
8. Ҳисоб-китоб шакллари
9. Чек
10. Аккредитив

#### *Изоҳлар*

1. пул табиати ва пулнинг ишлаб чиқаришни шакллантиришга таъсири ҳақидаги назариялари.
2. мижознинг топшириғига асосан шартноманинг тўлаш тўғрисидаги шартини мол етказиб берувчининг фойдасига ҳал қилиш ҳақидаги шартли пул мажбурияти
3. бир счётидан иккинчи счётга маблағлар ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган оборот
4. пулнинг тўлов воситаси сифатида ҳаракати туфайли вужудга келган пул обороти
5. ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, маблағларни мол етказиб берувчининг ҳисоб варақасига ёзиш усули
6. уй хўжалигидағи товарсиз тўловларга хизмат қўрсатадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги пулнинг ҳаракати
7. ҳисобварақа эгасининг ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига маълум миқдорда пул ўтказиш учун банкка берилган топшириқнома
8. нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги пул белгиларининг узлуксиз ҳаракат жараёнидир.
9. бу нақд пул ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар йиғиндисидир.
10. пул миқдорига таъсир қилувчи омил

#### **2.Машқ. Тўғри/ нотўғрилигини аниқланг(ҳа/ йўқ)**

1. Иқтисодчиларнинг фақат пул муомаласига бўлган қарашлари пул назарияларини келтириб чиқаради.-
2. Металлистик назария тарафдорлари – У.Старфорд (1554-1612), Т.Мен (1571-1641), Д.Норс (1641-1691) ва бошқалар – тангаларнинг ишдан чиқишига қарши бўлиб, металларнинг барқарор муомалада бўлишини ёқлаб чиқиши.
3. Номиналистлар шунга асосланадики, уларнинг фикрича, пуллар – бу фақат товарлар айирбошлишига хизмат қиласидиган идеал ҳисоб бирликлари, маҳсулот, давлат ҳокимиятининг натижаси ҳисобланади.
4. Товар ишлаб чиқариш пул муомаласининг объектив негизи бўлиб, ундаги товар олами товарларнинг икки турига: товарларнинг ўзига ва товар-пулларга бўлинади.
5. Пул оборотига товар айланишининг пул шаклидаги кўриниши деб қараш лозим-.

6. Накд пулсиз оборот, пул оборотининг асосий қисмини ташкил қилмайди.-
7. Муомала воситаси сифатида аҳоли билан корхона, ташкилотлар ўртасида, аҳоли билан аҳоли ўртасидаги товарлар сотиб олишда ва сотишда фақат **нақдсиз пуллар** қўлланилади.-
8. Накд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари банклар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган ва халқаро амалиётда қабул қилинган шаклларда олиб борилади.
9. Тўлов топшириқномаси ихтиёрий шаклдаги бланкада ёзма равища тақдим қилинади.-
- 10.Чеклар махсус бланкалар асосида тайёрланади ва қатъий ҳисобда турадиган хужжатлар ҳисобланади.

### **Масала 1.**

Мамлакатда номинал пул маблағларининг таклифи 9% ўсган, нархлар даражаси 7%га ўсган, пул айланиш тезлиги 6%га кўтарилиган. Ишлаб чиқариш хажмини ўсиш сувратларини хисобланг.

### **Масала 2.**

1,5 минг П.Б. 45 кундан кейин тўлаш муддатига векселда курсатилган. Йиллик 25% миқдордаги кредит белгиланганда векселда кўрсатилган суммани аниқланг.

### **Масала 3.**

Жадвал маълумотларидан фойдаланиб пул мультипликатори кўрсаткичини аниқлаб, пул мультипликатори ва банклар томонидан пул таклифи ўртасидаги нисбат тўғрисида хulosалар беринг.

Мажбурий банк захиралар нормаси, %	Пул мультипликатори
10	
12	
15	
20	
25	
30	

### **Масала 4.**

Оборотда 3,5 млн. товар донаси 420 минг сўмдан мавжуд. Ўртacha хар бир сўм товарни харид қилиш учун 3 марта ишлатилган. Товар тархи 200 минг сўмга ўсганда товарлар хажми ўзгармаганда пул айланиш тезлиги қанчалик ўзгариши лозимлиги аниқланг.

### **Масала 5.**

Тижорат банкларнинг депозитлари 3000 млн.дол. Мажбурий захиралар миқдори -600 млн.долл. Марказий банк мажбурий захиралар миқдорини

5%га пасайтирган холда банк пул таклифи канчага ўзгаришини аниқланг. Пул мультиплекторини хисобланг.

### **3 Мавзу. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ПУЛ МАССАСИ**

Пул муомаласи ушлаб туриш шарт-шароитлари ва қонуниятлари икки омилнинг ўзаро таъсири билан, яъни: хўжаликнинг пулга бўлган эҳтиёжи ва амлда пулларнинг муомалага бориб тушиши билан белгиланади. Амалиётда кўпроқ учрайдиган ҳол бу айланишида хўжаликка керак бўлганидан кўпроқ пулнинг бўлишидир. Бу албатта, пулнинг қадрсизланишига (пул бирлигининг харид қобилиятининг тушишига) олиб келади. Пулнинг айланиш тезлигининг ўзгариши умумиқтисодий (иктисодиётнинг циклик ривожланиши, иктисодий ўсиш, нархлар сувратлари), ҳам тўла монетар (тўлов обороти таркиби, кредит операциялари ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг ривожланиши, пул бозорида фоиз ставкаларнинг даражаси ва ҳ. к. лар) омилларига боғлик.

Пул айланишининг тезлашувига металл пулларнинг кредит пуллар билан алмаштиришиши, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланиши, банклар ишига ЭҲМ нинг киритилиши, пуллик ҳисоб-китобларда электрон воситаларининг ишлатилиши ёрдам беради. Пул қадрсизланган ҳолларда истеъмолчилар пулларининг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун товарлар кўпроқ харид қиласидилар. Бу эса пул айланишини тезластиради. Бошка кўрсаткичлар ўзгармас бўлганида пул айланишининг тезлашиши пул массаси ошишини билдиради ва инфляцияга олиб келувчи бир омил сифатида майдонга чиқади.

**Таянч иборалар:** қиймат қонуни, пул миқдори, пул массаси, пул агрегатлари, пул муомаласи, пул қадрсизланиши, монетар сиёсати.

#### **Идентив ўқув мақсадлар:**

1. Пул массаси тарикибини айтиб бера олади
2. Пулнинг айланиш тезлигига таъсир кўрсатувчи омилларни айтиб бера олади
3. Пул муомаласини тартибга солиш усууларини изоҳлаб бера олади

#### **Масала 1.**

1 йилда нархларнинг ўртача даражаси 9%га ўсган. , Ишлаб чиқариш хажми - 6%га, пул айланиш тезлиги 4 дан 3,5 марта гача қисқарган . йил бошига пул массасининг хажми 5 трлн. сум. бўлган йил охирига пул массасини аниқланг.

#### **Масала2.**

Ишлаб чиқариш хажми 1 йилда 7% га кўпайган , нархларнинг ўртача даражаси -8%га , пул массаси 4 трлн. сўмдан 6 трлн. сумгача кўпайган. Ўтган йилда пул айланиш тезлиги 3,5 оборотга тенг бўлганлиги аниқ бўлганда , жорий йилдаги пул айланиш тезлигини аниқланг

#### **Масала 3.**

ЯММ хажми 23 трлн.сумдан 28 трлн.сўмгача ўсган, пул айланиш тезлиги эса 10% га қисқарган шароитда, пул массасини 20%-30% оралиғида ўстириш мақсади амалага оширилиши мумкинлигини аниқланг.

#### **Масала 4**

Пул базаси – 3 400 млрд. сўм , банкдан ташқаридаги нақд пуллар (агрегат M0) – 2 300 млрд. сум., муддатли депозитлар – 5 500 млрд. сум., чет эл валютасидаги депозитлар – 1100 млрд. сум. Қуйдагиларни аниқланг  
а)миллий валютадаги пул массасини (агрегат M2);  
в) пул мультипликаторини .

Масала 5

Йил бошида ЯММ хажми 3549,6 млрд ПБ бўлган , пул массаси (агрегат M1) — 916,9 млрд ПБ. Пул айланиш тезлигини аниқланг

#### **4 Мавзу. ПУЛ ТИЗИМИ: ТУШУНЧАСИ, ШАКЛЛАРИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

Пул тизими бу мамлакатда тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан тасдиқланган пул муомаласини ташкил қилиш шаклидир. Пул тизимлари XVI-XVII асрларда ишлаб чиқаришнинг капиталистик усулининг юзага келиши ва қарор топиши муносабати билан шаклланган, бироқ шундай бўлса ҳам, унинг айрим элементлари бундан олдинроқ пайдо бўлган. Товар-пул муносабатлари ва ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули ривожланиши билан пул тизимида сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Пул тизими турлари пул қандай шаклда амал қилишига боғлиқ, яъни пул: умумий эквивалент - товар сифатида, ёки қиймат белгиси сифатида бўлишига қараб қўйидагича пул тизимлар мавжуд бўлган.

**Таянч иборалар:** Пул тизими, кредит ва қоғоз пуллар. Биметализм. Монометализм. Банк билетлари. Олтин танга стандарти. Банкнотлар. Пул бирлиги. Нақд пулсиз тўлов обороти. Кредит пуллар. Миллий валюта.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Пул тизимларини изоҳлаб бера олади
- 1.2. Пул тизимлари турларини таҳлил қилиб бера олади
- 2.1. Замонавий пул тизими тўғрисида гапириб бера олади
- 2.2. Ривожланган мамлакатлар пул тизимини таърифлаб бера олади

#### **1.Машқ. Терминларни мослаштиринг**

##### *Терминлар*

- 1.Пул айланиши
- 2.Тўлов обороти
- 3.Пул массаси
- 4.Монометаллизм
- 5.Биметаллизм
- 6.Нақд пуллар обороти

##### *Изоҳлар*

- 1.Пулнинг тўлов воситаси сифатида харакати туфайли вужудга келган пул обороти.
- 2.Муомалада иккита металнинг бўлиши

3. Товар кийматини ўлчаш ва таккослашда кўлланиладиган пул бирлиги
4. Умумий эквивалент ролини олтин ёки кумуш бажарадиган пул тизими
5. Нақд ва нақдсиз пуллар билан амалга ошириладиган тўловлар йиғиндиси
6. Нақд пуллар харакати

**2.Машқ.** Тўғриф нотўғрилигини аниқланг(ҳа/ йўқ)

1. Умумий эквивалент ролини факат олтин бажарадиган пул тизими биметаллизм деб аталади.

2. Нақд пул оборотида кредит карточкалар иштирок этади.

3. Пул массаси хўжалик оборотидаги нақд пуллик ҳисоб-китобларни ахоли, корхоналар, давлат ташкилот, муассасаларига тегишли ҳарид ва тўлов воситаларининг ялпи ҳажмини ўзида ифодалайди.

4. Барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банк орқали ўтиши шарт эмас.

5. Пул муомаласининг муҳим кўрсаткичи бўлиб пул массаси ҳисобланади.

6. Параллел валюта тизимида икки металл қиймати стихияли, металлнинг бозор баҳосига муносиб тарзда белгиланган.

7. Ривожланган мамлакатларнинг замонавий пул тизимида пул бирлигининг олтин таркиби, банкнотларини олтин билан таъминланган.

8. Пул тизими ижтимоий ҳаётнинг кўзгуси ҳисобланади.

9. Пул тизимининг ҳолати мамлакат иқтисодига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига боғлиқ эмас.

10. Пулнинг айланиш тезлиги - пул муомала воситаси ва тўлов воситаси сифатида амал қилгандаги унинг ҳаракат кўрсаткичидир

**Масала 1.**

Жадвал мъалумотларидан фойдаланиб қўйидагиларни хисобланг:

- 1) Йллик ўсиш суърати:
  - а) пул базасининг
  - б) муомаладаги нақд пулларнинг (M1агрегат)
  - в) пул массасининг (M2)
  - г) кенгайтирилган пулларнинг(M3)
- 2) Пул мультипликаторонинг даражасини ;
- 3) Пул массасидаги нақд пуллар(M2)нинг улушкини %да

*Жадвал*

	01.01.2011	01.01.2012	01.01.2013
Захира пуллар (млрд сум.)	164,9	210,4	269,7
Жумладан банкдан ташқари пуллар	103,8	130,4	187,8
Олгунга қадар депозитлар	87,3	162,5	149,5
Муддатли депозитлар ва оманатлар	97,2	81,2	111,0
Чет эл валютасидаги қўйилмалар	69,4	80,5	190,9

**Масала 2.**

Жадвал мъалумотларидан фойдаланиб қўйидагиларни хисобланг:

- 1) Йллик ўсиш суърати:
  - а) миллий бирлиқдаги пул массасининг (агрегат M2); б) Аагрегат M4даги пул массасини; в) чет эл валютасидаги депозитлар хажми индексини;
- 2) улушларни :

а) пул массасидаги нақд пулларнинг улушини ; б) пул массаси тизимидағи чет эл валютасидаги депозитлар улушини (K\$);  
 3) пул мультиликатори даражасини.

#### Хисоблар асосида хулосалар чиқаринг

Кўрсаткичлар	1 январ 2012 й.	1 январ 2013й.	1 январ 2014й	1 январ 2015 й.
Кенг тарздаги пул базаси	1232,6	1914,3	2380,3	2914,1
банқдан ташқари пуллар (М1)	763,3	1147,1	1534,8	2009,2
Олгунга қадар ва муддатли депозитлар	1371,2	2065,6	2828,5	4036,3
Чет эл валютасидаги кўйилмалар	726,4	748,2	935,1	1178,2

#### Масала3.

Жадвал мъалумотларидан фойдаланиб қуидагиларни хисобланг

- 1) Пул массасининг айланувчанлик кўрсаткичлари: а) пул массасининг айланиш тезлиги.; б) 1 оборотнинг давомийлигини ; в) пул массасининг айланувчанлигининг ўзгаришини;
- 2) а) Нақд пуллар айланишинг тезлигини ; б) 1 оборотнинг давомийлигини
- 3) Пул массасидаги нақд пуллар улушини ;
- 4) Пул массасининг айланиш тезлигининг моделини ;
- 5) Пул массасини айланувчанлигининг мутлоқ ўзгаришлари жумладан а) нақд пуллар айланиш тезлигининг ўзгаришидан; б) пул массасидаги нақд пуллар улушининг ўзгаришидан.;
- 6) Иқтисодиётни монетизациялаштириш коэффициентини.

Кўрсаткичлар	Базис йил	Жорий йил
ЯИМ	13 243	16 751
Пул массаси	2 674	3 788
Нақд пуллар	955	1 341

#### Масала 4

Банк мультиликатори 25 га тенг бўлганда , банк тизими ташкил этиши мумкин бўлган пул миқдорининг максимал хажми 75 млн сумга тенг булса :

- 1) мажбурий резервлар нормасини
- 2) бошланғич депозитлар суммасини аниқланг

#### Масала 5

Банк депозитларининг хажми 70 млрд сумга кўпайган. Мажбурий резервлар нормасини 3,5%.га тенг. Пул таклифининг максимал кўпайиши нечига тенг ?

#### Масала 6

Мажбурий резервлар нормасини 3,5%.га тенг. Депонентлаш коэффициенти (нақд пулга талаб ) депозитлар хажмининг 56%ни ташкил этади. Мажбурий резервлар суммаси - 77 млрд.сумга тенг. Пулларнинг таклифи нечага тенг?

### **Масала7**

Мажбурий резервлар нормасини 3,5% га тенг. Депонентлаш коэффициенти 56% ни ташкил этади. Пул мультиликаторини аниқланг?

### **Масала 8**

Берилган малумотлар асосида фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини аниқланг. Натижаларни таққослаб хулоса чиқаринг .

№	Кўрсаткичлар	Альфа корхонаси	Бета корхонаси
1	Махсулот сотишдан даромад :	2900	800
2	Сотилган махсулот таннархи :	1800	520
3	Мъамурий харажатлар	200	40
4	Сотш харажатлари	400	100
5	Бошқа операцион даромадлар	150	300
6	Бошқа операцион харажатлар	120	180
7	Бошқа даромадлар	180	40
8	Бошқа харажатлар	100	50
9	Ноайланма активлар хажми	2200	600
10	Айланма активлар хажми	1800	700
11	Ўз маблағлар хажми	2500	700

## **5 Мавзу. ИНФЛЯЦИЯ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ. ПУЛНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

Инфляция лотинча “inflatio” сузидан олинган булиб “иш”, “буртиш”, “купчиш” деган маънони англатади. Бу суз XIX асрнинг урталаридан бошлаб иктисадчилар томонидан иктисадий термин сифатида ишлатилгунча кадар, у тиббиётда хавфли усма касалини ифодалашда кулланилган.

Тарих хакикатда ҳам бу сузнинг ҳар томонлама хавфли эканлигини курсатди. Чунки инфляция кандайдир алоҳида олинган бозорда товарлар ва хизматлар нархининг усишидангина иборат булмасдан, бу умумиктисод учун хавфли ҳодисадир. Инфляция сузининг иктисадий угиртмаси - муомалада мавжуд булган товарлар ва уларнинг баҳосига нисбатан куп пул чиқариш деган маънони англатади.

**Таянч иборалар:** Инфляция, ички омиллар, ташқи омиллар, сокин инфляция, шиддатли инфляция, жиловланмаган инфляция, ошкора инфляция, яширин инфляция, талаб инфляцияси, дефлятор, Дж. Кейнс назарияси, М. Фридмен назарияси, девальвация, ревальвация, деноминация, солиқ сиёсати, баҳо сиёсати, бюджет сиёсати, кредит молия сиёсати.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.Инфляциянинг моҳиятини ва унинг юзага чиқиши шаклларини асослаб беради
2. Инфляциянинг шакллари ва турларини таҳлил қилиб фарқлай олади.
3. Инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини изохлаб беради

**Д ғодқ іс\*Р н\* тг12**

буерда іс — йиллик фоиз ставкаси ;

Рн — сертификатнинг номинал қиймати ;

t — сертификат айланиш муддати .

**Дқ Р п- Р пр**

буерда Рп —сертификатни қоплаш баҳоси ;

Рпр — сертификатни олиш баҳоси ,

**Ідқ Дғ Р пр**

буерда ід — заём муддати учун сертификат даромадлилиги ,

Д — Даромад миқдори

$$\text{Рбоз.к } S_f \frac{(1 + i_b * t)}{12}$$

буерда S — тўйинилган баҳо,

iб —бозор фоиз ставкаси ,

t — мажбуриятнинг айланиш муддати.

**Д к Рн – Рпр**

Векселнинг бутун муддат учун даромадлилиги (J):

**Jк ДғР пр**

Векселнинг йиллик даромади(Jй):

$$J \text{ кк } \frac{D * 360}{R_{\text{пр}} * t}$$

буерда — t айланиш кунлари миқдори .

**Д хар к (iр \* Rн \* t )f360**

буерда Дхар — харидор даромади ;

iр — қоплаш муддатигача қолган вақт учун қарз мажбуриятлар бўйича бозор ставкаси;

**Rпрк Rн- (iр \* Rн \* t )f360**

**Sк Rн + D**

**R гк S f( 1+(iб\*t) 360))**

буерда устама қиймат (S):

Pr —битм вақтидаги векселнинг бозор баҳоси ;

**RкS-S nd к S (1 - nd)**

буерда Р — хисоб –китобда олинган сумма ;

S — қарз суммаси ;

n — хисобга олишдан қоплангунга қадар муддат ;

d — дисконт.

**Rк P0\* (1+ (t f K1\* i0 )) \*(1 - (n f K\* d))**

буерда t — мажбурият муддати ;

K — мажбуриятни хисоблаганда йилдаги кунлар сони

P0 — мажбурият бўйича сумма ;

K1 — фоизлар хисоблашда хисоб кунлари миқдори

i0 — фоизлар хисоблашдаги ставка

**dк (S- P f S n) \* K**

**Масала 1.** З ойга йиллик 10 % га жойлаштирилган 10 минг сумлик номиналга эга бўлган сертификатнинг мутлоқ даромади ва даромадлилигини аниқланг.

**Масала 2.** 10 минг сумлик номиналга эга бўлган депозит сертификат 6 ойга йиллик 15% жойлаштирилган. З ойдан кейин 6 ойлик мажбуриятлар

бўйича бозор нархлари 20 %ни ташкил этган. Сотшга қарор қилган сертификат эгаси қандай даромадга эга бўлади.

**Масала 3.** Банк вексели 2013й 10 январдан 2013й 20 январгача жойлаштирилган. Қоплаш муддати 2013й 5 апрелга белгиланган. Векселнинг номинал қиймати 10 000 сўм жойлаштириш баҳоси 9500. Векселнинг 1чи ва охирги жойлаштириш кунларда олинган холатдаги вексел бўйича йиллик даромадлилики аниқланг.

**Масала 4.** 10 минг сўмлик номиналга эга бўлган банк вексели з ойга дисконт асосида жойлаштирилган. Жойлаштириш баҳоси 9200. Қоплаш муддатидан 30 кун олдин сотилган холатда вексел эгасининг даромадини аниқланг. Уша давирдаги бозор ставкаси ойлик 15 % ни ташкил этганлиги маълум.

**Масала 5.** 10 минг сўмлик, айланиш муддати 90 кун, жойлаштириш йиллик 10 % ни ташкил этгани векселнинг даромадлилигини ва бозор нархини аниқланг.

**Масала 6** Номинали 10 000 сўм, даромадлилиги 15% ни ташкил этган векселнинг харид қилингандан сўнг 30 кундан кейин сотилса вексел эгасининг даромадини ва битм нархини аниқланг. Жорий этилган икки ойлик векселлар бўйича фоиз ставкаси 15%.

**Масала 7.** 50 минг сўмлик вексел банкга муддатидан 55 кун олдин тақдим этилди. 20% хисоб ставкиси бўйича хисобга олинди. Вексел эгаси қанча суммага эга бўлди.

**Масала 8.** 50 минг сўмлик вексел 150 кунга йиллик 20% бўйича берилди. Хисоб китоб кунлар 365 кун. Вексел банкда қоплаш муддатидан 30 кун олдин, йиллик 15% хисоб ставкаси ва 360 кун хисоб асосида хисобга олинди. Вексел эгасига берилган суммани аниқланг.

**Масала 9.** Банк 10 минг сўмлик векселни муддатидан 30 кун олдин хисобга олиб, тақдим этувчига 9600 сумни тўлади. Хисоб ставкаси нечага тенг бўлганини аниқланг хисоблаш кунлари 360 кун

## **Мавзу 6. ПУЛ ИСЛОҲОТЛАРИ**

**Пул ислоҳотлари** - миллий валютани мустаҳкамлаш, пул бирлигини барқарорлаштириш ва пул муомаласини тартибга солиш мақсадида давлат томонидан мамлакат пул тизимини тўлиқ ёки қисман қайта ташкил этиш. Пул ислоҳотлари қофоз пул белгиларининг ҳаммаси ёки бир қисми қадрсизланганда ва уларнинг ҳажми кўпайиб, янгиси (қофоз ёки металл) билан алмаштириш лозим бўлганда, пулнинг олтин қиймати ёки валюта курси ўзгарганда, пул тизимиға ўзгартиш киритиш зарур бўлганда ўтказилади. Пул ислоҳотларимамлакатдаги иқтисодий ҳолатга, пулнинг қадрсизланиш даражасига ва давлатнинг сиёсатига боғлиқ ҳолда турли усулларда: ортиқча қофоз пулларни йўқ қилиш билан пул ҳажмини камайтириш (дефляция); эски пул белгиларини йўқ қилиб, янги қофоз пул белгиларини зарур микдорда чикариш (нуллификация); эски пул белгиларини йирикроқ янги пул белгиларига алмаштириш (деноминатсия); пул бирлиги ёки қофоз пул бирлиги курсининг металл қиймати ва чет эл валютасига нисбатан курсини пасайтириш (девалвация); пул бирлигидаги металл қиймати ёки қофоз пул курсини ташки давлатлар валютасига нисбатан ошириш (ревалватсия) ва б ошқа шаклларда амалга оширилади.

**Таянч иборалар:** пулни харид қуввати, ислоҳот, револвация, деволвация, деноминация, нулификация.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Пул ислоҳотларини амалга оширишнинг зарурлиги. Пул ислоҳотларини амалга ошириш шарт-шароитлари.
2. Пул ислоҳотларини амалга ошириш усуллари.
3. Деноминация ва уни амалга ошириш тартиби. Нуллификация ва уни амалга ошириш тартиби.
4. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган пул ислоҳотлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Назорат учун саволлар**

1. Пул ислоҳотларини амалга оширишнинг зарурлигини, пул ислоҳотларини амалга ошириш шарт-шароитларини очиб беринг?
2. Пул ислоҳотларини амалга ошириш усулларини ёритиб беринг?
3. Деноминация ва уни амалга ошириш тартибини, нуллификация ва уни амалга ошириш тартибини тушунтириб беринг?
4. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган пул ислоҳотлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг?

## **Мавзу 7. КРЕДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

Иқтисодий назарияда ссуда капитали деганда фоиз тўлаш шарти билан вақтинча фойдаланишга бериладиган ялпи пул маблағлари тушунилади. Ссуда капиталининг моҳиятини тўла тушуниш учун аввало уни айланма ва савдо капиталларидан фарқини, характерли хусусиятини аниқлаш керак. Ссуда капитали капитал бозорида муҳим ўрин тутиб миллий иқтисодиёт эҳтиёжларини қондиради. Ссуда капиталининг ўзига хос хусусиятлари, унинг кредитордан қарз олувчига бўлган ҳаракатида ва аксинча бўлган жараёнида кўпроқ кўринади.

Кредит - бу вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳак тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқкан иқтисодий муносабатлар йигиндисидир. Кредит ҳар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсули, қийматнинг ҳаракати, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи категориядир. Кедитнинг моҳияти унинг ички белгиларияни очиб беришга қаратилган. Кредитни моҳиятини очиш - бу унинг сифатларини, кредитнинг муҳим томонларини, уни иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида кўрсатувчи асосларини билиш демакдир.

**ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:** ССУДА КАПИТАЛИ. ССУДА КАПИТАЛИ БОЗОРИ. СУДХЎРЛИК КАПИТАЛИ.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Ссуда капитали харакатини таърифлаб бера олади

- 1.2.** Корхона пул маблағлари ташкил этиш манбаларини түғрисида гапириб берса олади
- 2.1.** Кредит муносабатлари ривожланиш босқичларини айтиб берса олади
- 2.2.** Кредит функцияларини таърифлаб берса олади  
Ссуда бўйича содда йиллик фоизлар ставкаси куйдагича аниқланади

$$I = P(1+i/100 \cdot n)$$

Бунда **I** –келишилган муддат ичида хисобланган фоизлар суммаси  
**P** – дастлабги депозитлар суммаси  
**i** – содда фоизлар ставкаси;  
**n** – давр .

$$i = S - P_f P^* j$$

Кредит бўйича қопланадиган сумманинг аниқланиши:  
 $S = P(1 + i/100 \cdot j/365)$

**S**- қопланадиган сумма

**J** –кредитда фойдаланиш муддати

Фоизли депозитлар суммасининг аниқланиши:

$$S \% \text{ к } P (1 + n \cdot i),$$

Хисобланган фоизлар суммасини аниқлаш:

**I** к **Қўйилма суммаси \* йиллик фоиз ставкаси \* қўйилма муддати (ойларда) 100 \* 12**

Маблағлар жойлаштиришдан даромад:

**Даромад к Қўйилма суммаси \* йиллик фоиз ставкаси \* қўйилма муддати (в кунларда) \*100 / 365**

## **1.Машқ. Терминларни мослаштиринг**

### *Терминлар*

- 1.Пул бозори
- 2.Капитал бозори
- 3.Кредит
- 4.Фонд бозори
- 5.Ипотека бозори

### *Изоҳлар*

- 1.Кўчмас мулк бозорига хизмат қилувчи кредит операциялар тўплами ва бошқалар.
- 2.Айланма маблағларнинг ҳаракатини таъминловчи қисқа муддатли кредит операцияларнинг йигиндиси;
- 3.Қимматбаҳо қоғозлар бозорига хизмат қилувчи кредит операциялар тўплами;
- 4.Асосий маблағлар ҳаракатини таъминловчи қисқа ва узок муддатли операциялар тўплами;
- 5.Вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳак тўлаш шарти билан қарзга олиш ва кайтариб бериш юзасидан келиб чиқкан иқтисодий муносабатлар йигиндиси.

## **2.Машқ. Тўғриғ нотўғрилигини аниқланг(ҳағ йўқ)**

1.Кредит муносабатлари ривожланишининг бошланғич шаклланиш. босқичнинг асосий белгиси ссуда капитали бозорида махсус воситачиларнинг йўқлиги

2.Дастлабки инвесторлар бу пул маблағларини бевосита жалб қилувчи, уларни ссуда капиталига айлантирувчи ва фоиз кўринишида ҳак тўлаш ва қайтариш шарти билан вақтинчалик фойдаланишга қарз олувчига берувчи кредит-молиявий ташкилотлари.

3.Ссуда капитали деганда фоиз тўлаш шарти билан вақтинча фойдаланишга бериладиган ялпи пул маблағлари тушунилади.

4.Кредит ривожланишининг таркибий жиҳатдан ривожланиш босқичи ссуда капитали бозорида кредит-молия ташкилотлари каби махсус воситачиларининг пайдо бўлиши билан характерланади.

5.Кредитнинг муддатлилик тамойили қарздор учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда қайтарилиши зарур эканлигини билдиради.

6.Кредитнинг мақсадлилиги тамойилнинг моҳияти шундаки, қарз олувчи томонидан олинган кредитлар аниқ бир мақсадни амалга оширишга йўналтирилмаган .

7.Қарз берувчи ва қарз олувчи манфаатлари бир-бирига мос тушган тақдирдагина кредит заруриятга айланади.

8.Кредитнинг объектив зарурлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида фонdlарнинг доиравий айланиши қонуниятларига асосланмаган.

### **Масала 1**

Қарз олувчи 3 ой муддатга 120 000 сумлик ссуда олган. З ойдан кейин қарздор қарзини қоплаб 3000 сўм тўлади . Ссуда бўйича йиллик фоиз ставкаларни аниқланг .

### **Масала 2**

Банк биринчи мижозига заемщику кредит на сумму 150 000 сумлик кредитни 2 ойга йиллик 15% берган. Иккинчи мижозга 250 000 сумни 3 ойга йиллик 20% берган . Банк томонидан олинган фоизларни аниқланг.

### **Масала 3.**

1 млн.сумлик кредит 17.05.2014дан по 22.07.2014гача берилган. Режали ўртачайллик инфляция даражаси 25% , даромадлилиг даражаси йиллик 4%. Кунлар хисоби 365 кун. Кредитлар бўйича фоиз ставкаларини аниқланг.

### **Масала 4.**

Банк 500 минг сўмлик кредитни 25.10. 2014 йиллик 27% берган. Кредитни қоплаш муддати 01.12.2014. Қопланадиган кредит суммсини ва фоизлар суммасини аниқланг.

### **Масала 5.**

20 000 сўм омонат банкга 6 ойга ойлик мураккаб фоизлар хисоблаш асосида кўйилган. Омонатлар бўйича ставка 30%; инфляция даражаси ойлик 7% . Куйдагиларни аниқланг:

- А)Фоизли кўйилмалар суммасини
- Б)З ойлик инфляция индексини
- С)Фоизли кўйилмалар суммасини
- Д)Омонатчининг реал даромадини

## **Масала 6.**

Банк йиллик 3 % омонатлар қабул қиласи. Омонат суммаси 200 минг сўм, жойлаштириш муддати 6 ой. Омонат бўйича фоизлар суммасини аниқланг.

## **Масала 7.**

Депозитга 200 минг сўмлик қўйилма қўймоқчи бўлган омонатчи бир йилдан кейин 220 минг сўм жамғарма қилмоқчи. Бунинг учун лозим бўлган фоиз ставкасини аниқланг.

## **8 Мавзу. КРЕДИТ ТИЗИМИ ВА КРЕДИТ БОЗОРИ**

Кредит муносабатларининг субъектлари ва обьектига, фоиз ставкасига ва кредитнинг ҳаракат доирасига қараб, кредитнинг қўйидаги мустақил шакллари амалиётда қўлланилиши мумкин. Булар банк кредити, тижорат кредити, истеъмол кредити, давлат кредити, халқаро кредит. Амалиётда кредитнинг ҳар бир шакли ҳам бир неча бўлакларга бўлиниши мумкин.

Банк кредити иқтисодиётда кенг тарқалган кредит муносабатларининг шаклларидан биридир. Унинг обьекти пул маблағларини бевосита ссудага бериш жараёни ҳисобланади. Тижорат кредити иқтисодиётда кредит муносабатларининг вужудга келишининг биринчи шаклларидан бўлиб, вексель муомаласини вужудга келтирган ва нақд пулсиз ҳисоб китобларининг ривожлашига ёрдам берган.

**Таянч иборалар:** Кедит ресурслари. Дастрлабки пул маблағлари. Қисқа ва узок муддатли кредит. Ўртача фоиз ставкаси. Фоизсиз кредитлар. Банк кредити. Таъминланганлик. Тижорат кредити. Ўтказма вексел. Истеъмол кредити. Давлат кредити. Халқаро кредит. Судхўрлик кредити.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Кредитнинг шаклларини айтиб бера олади
2. Қисқа ва узок муддатли кредитлар моҳиятини изоҳлаб бера олади
3. Қарз олувчилик категорияларини айтиб бера олади
4. Тижорат кредити хусусиятларини изоҳлаб бера олади

Бериладиган кредитнинг максимал даражаси (**Sp**) аниқланиши  
**SpқР /1 : ((t+1) \*кредит бўйича йиллик фоиз ставкви / 2\*12\*10)**

Узоқмуддатли ликвидлик даражаси қўйдагича аниқланади:

**1 йилдан ошиғ банк қарздорлиги ғЎз маблағлари + 1 йилдан ошиғ банк мажбуриятлари \*100%.**

### **1.Машқ. Терминларни мослаштиринг**

#### *Терминлар*

Кредит шартнома

Банклараро кредитлар

Вексел

Ўтказма вексел

Халқаро кредит.

#### *Изоҳлар*

- 1.Кредит муносабатларининг халқаро миқёсда (давлатлар ўртасида) амалга ошириладиган кредит.

2. Қарз олувчи ўз зиммасига қарзни кўрсатилган суммада, кўрсатилган жойда, белгиланган муддатда тўлаш мажбурияти.

3. Банк кредитининг кенг тарқалган шакллардан бири.

4. Кредитор томонидан белгиланган товар ва хизматлар суммаси унинг топшириғига асосан учинчи шахсга ёки векселни кўрсатувчига ўтказилиши туғрисидаги мажбурият.

5. Кредит муносабатларининг воситаси бўлиб, ҳисобланади.

## **2. Машқ. Тўғриғ нотўғрилигини аниқланг(ҳа/йўқ)**

1. Тижорат кредитининг субъектлари бўлиб турли шахслар: мол етказиб берувчи ва мол сотиб олувчи корхоналар ҳисобланади.

2. Кредитор (қарз берувчи) ролида маҳсус кредит-молия ташкилотлари иштирок қиласи.

3. Тижорат кредити фақатгина товар шаклида берилади.

4. Тижорат кредитида ссуда капитали, саноат ва савдо капитали билан интеграциялашган ҳолда ҳаракат қилмайди.

5. Берилган вақт оралиғида тижорат кредитининг ўртача қиймати банк фоизининг ўртача ставкасидан доимо юқори бўлади

6. Қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги шартнома қонуний расмийлаштирилганда тижорат кредити бўйича тўлов (фоиз ставкаси) алоҳида аниқланмайди.

7. Истемол кредити факат пул шаклида берилиб, товар шаклида берилмайди.

8. Давлат кредитида давлат бир томондан қарз берувчи ва иккинчи томондан қарз олувчи сифатида иштирок қилиши мумкин.

9. Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди.

10. Корхоналарга бериладиган кредит уларни такрор ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз давом этишини таъминламайди.

### **Масала 1.**

Ўз эҳтиёжларини қоплаш мақсадида қарздор банқдан кредит олди. Ўртача даромади 6 ойда 9000 000 сумни ташкил этади, кредитлаш муддати 5 йил. Кредит бўйича фоиз ставкаси йиллик 17%. Қарздорнинг тўловлилил қобилиятини ва кредитнинг максимал даражасини аниқланг.

### **Масала 2**

Ўз эҳтиёжларини қоплаш мақсадида қарздор банқдан кредит олди. Ўртача даромади 6 ойда 2000 000 сумни ташкил этади, кредитлаш муддати 5 йил. Кредит бўйича фоиз ставкаси йиллик 17%. Қарздорнинг тўловлилил қобилиятини ва кредитнинг максимал даражасини аниқланг.

### **Масала 3.**

АҚШнинг ипотека банкида қўйилган кўчмас мулкнинг умумий қиймати 15 млн долл.ни ташкил этади. Банк гаровни баҳолаш қийматининг 80%дан ошмаган суммада ипотека кредитларини берган. Берлган кредитлар суммасидан облигациялар суммаси ошиши мумкин эмаслигни инобатга олган ҳолда, чиқарилган ипотека облигацияларнинг миқдорини аниқланг.

#### **Масала 4.**

Дастлабги 5 йилда 10 йиллик ипотека кредити бўйича бозор фоиз ставкалари йиллик 12 % даражасида сақланган. Кейинги 5 йилда 13% гача кўтарилиган. Фоиз ставкаларини белгилаш вариантларининг қайси бири банк учун фойдалироқ бўлиши мумкинлигини аниqlang

1) 10 йилга белгиланган фоизлар бўйича;

2) Сузиб юрувчи фоизлар бўйича .

#### **Масала 5.**

Мақсадли оманат жамғариш схемаси асосида Германия ипотека банкининг мижози ўз омонат рақамида 120 минг евро. жамғарган.

Жамғарилган сумма миқдори олинадиган уй қийматининг 30 % ни ташкил этса, кредит суммаси билан гаров қиймати суммаси уртасидаги нисбат 70 % бўлса, гаровга сотиб олинадиган уй учун мижоз қанча кредит суммасини олиши мумкин?

#### **Масала 6.**

30 млн сумлик капиталга эга бўлиб, 1 йилдан ошиф мажбуриятлар суммаси капиталдан 3 баробар юқори бўлса, узоқ муддатли ипотека кредитлариниг максимал пакети қанча бўлади, агар ушбу лимитнинг максимали 120% teng бўлиши мумкин бўлса? .

#### **Масала 8.**

1 ноября 2013 й. Марказий банк тижорат банкга 10 қунга йиллик 7,5 % 30 млн сум кредит берган:

а) кредитдан фойдаланиш учун хисобланган фоизларни ,

б) кредит бўйича қарз суммасини аниqlang .

#### **Масала 9.**

Банк 4 ойга йиллик 5%, 5 ойга - 6% ва 1 йилга - 7% депозитлар қабул қиласди. Депозит суммаси 1000 000 сум. Депозитниг хар бир муддат учун кўпайган суммасини аниqlang.

#### **Масала 10.**

3 кварталга банк оддий фоизлар ставкаси бўйича 600 000 сўмлик кредит берган. 1 кварталда йиллик 12% бўлиб кейинги кварталларда 1 фоизга оширилган

а) кўпайган қарз суммасини ,

б) кредитдан фойдаланганлик учун фоиз суммасини аниqlang.

### **9 Мавзу . Молиянинг иқтисодий моҳияти ва функциялари**

Молия термини илк бор умуниқтисодий категория сифатида XIII-XV асрлардан бошлаб Италиянинг ривожланган савдо ша ҳарларида ишлатилиб, дастлабки даврларда ҳар қандай пул тўловлари молия деб юритила бошлади. Сўнгра у халқаро масштабда қўллана бориб, давлат пул фондини таш қил қилиш борасида қатнашаётган аҳоли ва давлат ўртасидаги пул муносабатлари тизими билан боғлиқ тушунча, деб юритилди.

Молия иқтисодий категория бўлгани учун - унинг ички моҳиятини очиб берувчи қуийдаги таъриф берилади. Шундай қилиб, “Молия—бу умуниқтисодий категория бўлиб, жами ижтимоий маҳсулотнинг қийматини

тақсимлайди ва қайта тақсимлайди, натижада, ҳукумат ихтиёрида марказлашган пул фондлар(даромад)и, хўжалик субъектлари ихтиёрида эса марказлашмаган пул фондларини шакллантиради ва улардан самарали фойдаланишга хизмат қиласди”.

**Таянч иборалар:** Пул муносабатлари. Пул маблағлари. Давлат бюджети. Тақсимлаш босқичи. Солиқлар. Марказлашган пул фондлари. Марказлашмаган пул фондлари. Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш. Назорат.

## **1. Машқ. Терминларни мослаштиринг**

### *Терминлар*

**1.Молия**

**2.Ялпи ички маҳсулот**

**3.Умумдавлат молия назоратини**

**4.Хўжалик ичида молия назоратини**

**5.Жамоа молия назоратини**

### *Изоҳлар*

**1.Давлат бошқарув органлари томонидан амалга оширадиган назорат.**3

**2.Давлат томонидан ташкил қилинган пул муносабатлари мажмуаси**1

**3.Корхона, муассаса, ташкилот ва ассоциацияларнинг молия бўлимлари томонидан амалга оширадиган назорат.**4

**4.Мамлакатнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланишини умумлаштирувчи кўрсаткич** 2

**5.Ихтиёрий равишда, алоҳида жисмоний шахслар олиб бора-диган назорат.**5

## **2.Машқ. Тўғриғ нотўғрилигини аниқланг(ҳаф йўқ)**

**1.Икки субъект ўртасидаги пул муносабатлари, яни молиянинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатишига материал асос бўлиб, факат пул хизмат қиласди**

**2.Молиявий муносабатлар жараёнида субъектлар турлича ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлмайди.**

**3.Марказлашган пул фондларининг ўзига хос томони шундаки, улар факат ҳукумат ихтиёрида бўлади**

**4.Молия тақсимлаш функцияси орқали, корхона ихтиёрида бир қанча даромадлар ва фондларни вужудга келтиради.**

**5.Молиянинг назорат функциясининг ўзи алоҳида фаолият кўрсатади.**

**6.Назорат функциянинг обьекти фонд ва даромад шаклларидағи молиявий ресурсларнинг икки томонлама ҳаракати ҳисобланади.**

## **3 Машқ тўғри жавобни аниқлаб изоҳ беринг**

“Қиммат пуллар ” сиёсатини олиб борганда марказий банк келтирилган усулларлардан қайсиларини қўллайди:

- Мажбурий резерв нормаларини қўтариш ;
- Ҳисоб ставкасини пасайтириш ;
- Мажбурий резерв нормаларини пасайтириш ;
- Давлат қиммат баҳо қоғозлар даромадлилигини қўтариш ;
- Ҳисоб ставкасини қўтариш.

#### **4 Машқ**

Банк 180 кунга йиллик 10 % фоизларни ойлик капиталлаштириш асосида депозитлар қабул қиласи. 250 минг сүмлик қўйилмаларги тўланган фоизларни аниқланг.

#### **5 Машқ**

Бошланғич қўйилма суммаси 150000 сўм. Қўйилма муддати 3 йил, хисобланадиган фоизлар 40%. Содда ва мураккаб фоизлар ставкасини хисоблаб, қайси бири фойдалироқ бўлганини айтинг.

#### **6. Машқ**

Йиллик мураккаб фоиз ставкаси  $r = 14\%$  жорий ва усган тўловлар оқими даражасини аниқланг

$CF(1\text{йил}) = -1120; CF(2\text{йил}) = 6272; CF(3\text{йил}) = -21952; CF(4\text{йил}) = 614656.$

CF – даврий тўловлар даражаси

$PV=FV/(1+r)^n$

PV-жорий тўлов даражаси

FV- ўсган тўлов даражаси

#### **Масала 7.**

2 йилга банк мураккаб фоизлар ставкаси йиллик 15 % га 6 000 000 сум. кредит берган. Кредит муддат охирида бир марталик тўлов асосида қопланиши керак:

- а) қўпайган қарз суммасини,
- б) банк оладиган фоизлар суммасини аниқланг .

#### **Масала 8**

1500 000 сум 180 кунга банкга депозит қилинди. Депозит бўйича ставка йиллик- 12% . ойлик инфляция даражаси - 2%.

- Фоизли қўйилмалар суммасини,
- хисоб даври учун инфляция индексини,
- инфляцияни инобатга олган холда фоизли қўйилмалар,
- инфляцияни инобатга олган холда омонатчининг реал даромадини аниқланг

### **10 Мавзу . КОРХОНА МОЛИЯСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

Давлат молиясининг бош марказида жамият аъзолари томонидан яратилган миллий даромадни тақсимланиш жараёни турадиган бўлса, корхоналар молиясининг марказида сотувдан тушган тушум туради.

Шунинг учун ҳам маҳсулот сотувидан, қўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлардан тушган тушум шаклланиши ва унинг тақсимланиш жараёни корхоналарда молиявий муносабатларни шаклланишини асоси ҳисобланади. Чунончи, аксарият молиячи-иктисодчилар такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тақсимлаш ва айирбошлиш боскичлари корхонанинг молиявий фаолиятини бошланиш боскичи ҳисобланади деб таъкидлайдилар.

Молиявий фаолият эса ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотувидан тушган тушумни тақсимланиши натижасида марказлаштирилган ва марказлаштирамаган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ

муносабатларни ўз ичига олиб корхона иқтисодий молиявий фаолиятининг ҳақиқий натижаларини баҳолаб берувчи жараён ҳисобланади.

**Таянч иборалар:** Корхоналар молияси. Молиявий фаолият. Инвестицион фаолият. Операцион жараён. тўловга лаёқатлилиг. даромадлар ва тушумлар. пул маблағлари фондлари. устав фонди. Корхона молиявий маблағлари.

**Башоратли баланс**  $\Pi_{OC(D/3)} + \Pi_{OC(3)} + Q_{ПОС} - \Pi_{OC(K/3)} - \Pi$

Маълум давр ичидаги фойда :  $\Pi = Q - C/c$

Дебиторлик қарзлар бўйича айланма маблағларга муҳтожлик: **Пос(д.з)**

**Пос(д.з)кQFД \*қоплаш муддати**

Захираларга тўғри келадиган айланма маблағларга муҳтожлик: **Пос(з)**

**Пос(з) к сfc : 360 \*захиралар айланувчанлик муддати**

Кредиторлик қарзлар бўйича айланма маблағларга муҳтожлик **Пос(кфз)**

**Пос(кфз) к сfc : 360 \*кредиторлик қарзларнинг айланувчанлик муддати**

Ўз маблағларнинг рентабеллиги :  $R_{Ск} \text{ к } R_{Э} \text{ f } K_{ФН} * 100\%$

Соф рентабеллик : **RЧ к ПЧf Q\*100%**

Активларнинг айланувчанлиги : **Об.а к Qf A**

Иқтисодий рентабеллик : **RЭ к ПЧfA \*100% или RЭ + \frac{RЧ \* Об.а}{100\%}**

Молиявий мустақиллик коэффициенти: **K ФН к СК f Сов К \* 100 %**

Айланма маблағлар айланувчанлиги коэффициенти: **Коб к Q1 f OC1**

Бириклиши коэффициенти: **K3 к OC1 f Q1**

1та оборотнинг уртacha давомийлиги **T к Д\*K3 или T к Дf K об**

Бириклиши коэффициенти эвазига айланма маблағларнинг ўзгариши : **I ос (кз) к K3- K30 \* Q1**

Тушумнинг ўзгариши эвазиги айланма маблағларнинг ўзгариши: **I ос(Q) к (Q1- Q0) \* K30**

Айланма маблағларнинг умумий ўзгариши: **I ос = I ос (кз) + I ос(Q)**

**R к H ( 1 - d/100\*Дf360 ) буерда**

Р –тўловлар суммаси

H –вексел суммаси

d –фоиз ставкаси

Д –кунлар

Тезкор ликвидлик коэффициенти (H2); **H2=Лам/Овм\*100%**

**Лам** юкори ликвидли активлар

**Овм** банк мажбуриятлари

Жорий ликвидлик кўрсаткичи (H3). **H3кЛатfОвт\*100%**

**Лат** ликвид активлар

**Овт** муддатли мажбуриятлар

## **1. Машқ. Терминларни мослаштиринг**

**Терминлар**

1.Молиявий фаолият

2.Инвестицион фаолият

3.Операцион жараён

4. Молиявий маблағлар

## 5. Устав фонди

### *Изохлар*

- 1.Давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар қўлида ташкил топувчи пул даромадлари, жамғармалар ва тушумлар.<sup>4</sup>
- 2.Махсулот ишлаб чиқариш даври ёки маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнлари билан боғлиқ фаолият<sup>3</sup>
- 3.Махсулот ишлаб чиқариш учун зарурий асосий ва айланма капиталларни шакллантириш учун амалга ошириладиган инвестицион фаолият билан боғлиқ жараён<sup>2</sup>
- 4.Корхона иқтисодий молиявий фаолиятининг ҳақиқий натижаларини баҳолаб берувчи жараён .1
- 5.Хўжалик юритувчи субъектнинг хаётий фаолиятини таъминлаш мақсадида унинг таъсисчилари томонидан куйилган улушлари йифиндиси.

### **2.Машқ. Тўғриғ нотўғрилигини аниқланг(ҳа/ йўқ)**

- 1.Ҳар қандай пул муносабатлари ҳам молиявий муносабатлар хисобланади
- 2.Молиявий муносабатларнинг ягона ўзига ҳос белгилари, уларнинг яратилган қийматни тақсимлаш хусусияти билан белгиланади.
- 3.Корхоналарда ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишда молия- кредит тизимининг аҳамияти йўқ.
- 4.Корхоналар молиявий маблағлари моҳиятини урганиш ва уларни янада самаралирок ҳаракатини ташкил этиш йўлларини қидириб топиш хўжалик амалиёти назарияси учун долзарб аҳамиятга эга
- 5.Молиявий маблағларнинг дастлабки шаклланиши устав фонди хисобига амалга оширилади.
- 6.Молиявий маблағларнинг асосий манбаи бўлиб факат тайёр маҳсулотни сотишдан олинган тушум хисобланади, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажарилишидан олинган тушум хисобланмайди

### **Масала 1.**

Корхонанинг фаолияти йил охирида қўйидаги кўрсаткичлар билан белгиланган .

- сотиш хажми (Q) 3 млн.сўм;
- сотиш хажмидан сотиш таннархи 80% (Cfc)
- захиралар айланиш муддати 60 кун (Д);
- дебитрлик қарзларни қоплаш муддати 21 кун;
- кредиторлик қарзларни қоплаш муддати 25 кун;
- сотиб олинган асосий воситалар хажми 400 минг . сум.

Корхонанинг айланма маблағларда муҳтожлиликтининг башоратли балансини тузинг.

### **Масала 2.**

Корхонанинг фаолияти йил охирида қўйидаги кўрсаткичлар билан белгиланган:

- Соф фойда (Пч) 15 минг. сум.;
- сотишдан тушум 90 минг. сум.;
- активлар мулки қиймати 500 минг. сум.;

- хусусий капитал 115 минг. сум.; (СК)
- қўшилган капитал 500 минг сум.(Сов К )

Хусусий капиталнинг рентабеллигини хисобланг.

### **Масала 3.**

Корхонанинг фаолияти йил охирида қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланган:

- хисобот йилида сотишдан тушум 9 млн. 500 минг. сум. (Q1)
- айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 3 млн. 500 минг. сум. ОС1
- ўтган йилида сотишдан тушум 9000 минг. сум. (Q0)
- ўтган йилида бириктириш коэффициенти 0,5.(Кз0)

Айланма маблағлардан самарали фойдаланишни белгиловчи кўрсаткичларни аникланг :

- Айланма маблағлар айланувчанлиги коэффициентини
- Бириктириш коэффициентини
- 1та оборотнинг уртача давомийлигини
- Бириктириш коэффициенти эвазига айланма маблағларнинг ўзгаришини
- Тушумнинг ўзгариши эвазиги айланма маблағларнинг ўзгаришини
- Айланма маблағларнинг умумий ўзгаришини

### **Масала 4**

Банк ташкил этилишда 1000 сум номиналга эга бўлган 1500 оддий акциялар чиқарилган. Улар 1300 сўм курси бўйича сотилган. Шунинбуерда к 2 йиллик фаолияти давомида банкнинг тақсимланмаган фойдаси 60 000 сумни ва 80 000 сумни ташкил этган. Банк томонидани имтиёзли акциялар чиқарилмаган. Фаолият бошлишидан бошлаб 2 йил муддат давомида ташкил этилган банк капитали миқдорини аникланг.

### **Масала 5.**

10 минг сўмлик вексел тижорат банк томонидан тўлов муддатидан 45 кун олдин йиллик 18% бўйича хисобланган. МБ томонидан мазкур вексел тўлов муддатидан 30 кун олдин йиллик 12 % билан қайта хисобланди ТБ ва МБ ларнинг даромадларини, шунинбуерда к вексел эгасига туланган суммани хисобланг

### **Масала 6.**

Банк балансидан қуйидаги маълумотлар берилган

T,P,	Кўрсаткичлар	Сумма
1	Муддатли банк мажбуриятлари	1700 000
2	30 кунгача муддатли мажбуриятлар	4500 000

3 Юкори ликвидли актиалар 150 000

8 2

4 Ликвидли активлар 2 500 000

Тезкор ликвидлик коэффициентини нормаси 20 %. ва жорий ликвидлик кўрсаткичини нормаси 50% деб белгиланган. Тезкор ликвидлик коэффициентини (Н2); ва жорий ликвидлик кўрсаткичини (Н3).хисобланг ва нормалар билан солиштириб хулосалар чиқаринг.

## **11 Мавзу. БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ВАЗИФАЛАР**

Ўзбекистонда замонавий банк тизимининг ташкил қилиниши. Банк тизими бозор иқтисодиётининг муҳим ва ажralмас қисмидир. Товар пул муносабатларининг кенг миқёсда ривожланиши банклар олдида янгидан-янги операциялари бажаришга имкониятлар очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг бош мақсади жаҳон талабига мос келувчи, ривожланган миллий кредит тизимиға эга бўлиш, хўжаликлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш ва уни самарали тақсимлаш асосида аҳолининг талабларини қондириш учун замин яратш ва яшаш шароитини яхшилашга эришишдан иборат.

**Таянч иборалар:** Саноат-қурилиш банки, Агросаноат банки, Уй-жой қурилиш ва ижтимоий таъминот банки, Жамғарма банк ва ташқи иқтисодий фаолият банки


**Масала 1.** Кросвордни ишланг

**Буига**

2. Тавар кишиларининг Бирон бир истемолиш колдириш лаёкати. 5. жами (син) 6. капитал ва мажбериятлар Йигиндиси . 8. иқтисодий тахлил усулларидан бири 13. кредит (рус)


**Энига**

1. Акция эгаси жамият олган фойда хисоби олинадиган даромад 3. эскириш . 4. ер тузилиши 7 . кор туловлик кобиляти 9. кайтариб бериш шарти Билан фойда олиш бериладиган маблаг 10. мах-т тури (хил) 11. .....Гильберт. 14. .... Оукин.



## Масала 2. Кросвордни ишланг

1. бюджет тулови.
2. корхона маблаглари ва манбаларини узида акс эттирувчи хужжат
3. мажадли юнаятилган жамгарма
4. карздорлик тилхати
5. хизмат курсатувчи омборлар
6. активни янгилаш учун ташкил келинган фоиз
7. иштлаб чикарилган бевосита юнарилтирилган жамгарма
8. карз маблаги
9. текширувчи шахс
- 10.ижара тури
- 11.киматли когоз
- 12.даволаш методи
- 13.«у карздор»
- 14.баланс посивининг таркиби



**Масала 3.** Терминларни мослаштиринг*Терминлар*

1. Банк тизими
2. Денпозитлар
3. Банклараро кредит
4. Пластик карточкалар
5. Информацион хизматлар
6. Банк
7. Банк талаблари
8. Капитал захиралари
9. Умумий захиралар
- 10. Тижорат банклари**
11. Банкларнинг пассив операциялари
12. Тақсимланган фойда
13. Муддатли омонатлар
14. Контокоррент
15. Вексель операциялари
16. Дисконт
17. «Дўстона векселлар»
18. Банкнинг комимсион операциялари
19. Инвестиция

*Изоҳлар*

1. Бир тижорат банқдан бошқа банка бериладиган кредит
2. Банк фаолияти давомида бирор бир фаолият натижасида юзага келиши мумкин бўлган зазираларни қоплашга мўлжаллланган захирилир
3. Депозит операцияси субъектларининг банкга кўйиладиган пул маблағлари
4. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг соғ фойда хисобига шаклланган захиралар
5. Марказий банк, тижорат ташкилотлар ва уларнинг ассоциациялари
6. Нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг асосий шаклларидан бири.
7. Пул маблағларини йигувчи, сақлаб берувчи, кредит-ҳисоб ва бошқа ҳар-хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасалар.
8. Маълум тўлов эвазига банклар томонидан маълумот берилиши
- 9. Банк томонидан жойлаштирилган барча қўйилмалар**
10. Банкларнинг мижозларининг ҳисобидан уларнинг турли топшириқларини бажариш фаолияти .
11. Банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йифилди ва бу банклар хукукий, жисмоний шахсларга хизматларини кўрсатади.
12. Векселларни қайд қилиш ёки ҳисобга олиш бўйича операциялар ва векселлар бўйича ссудалар бериш операциялари

- 13.Резерв фондига ажратмалар ва девидендлар тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисмидир.
- 14.Икки шахснинг ҳар қандай товар харакатсиз банқдан маблағ олиш учун бир-бирларига берадиган векселдир.
- 15.Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялари
- 16.Банк ва мижоз ўртасидаги ҳамма ҳисоблари**
- 17.Векселда кўрсатилган сумма билан банкнинг вексель эгасига тўлайдиган сумма ўртасидаги фарқдир.
- 18.Хусусий, давлат корхоналари ва ташкилотлари қимматли қоғозларига ўзоқ муддатга қўйилган маблағлар
- 19.Мижоз томонидан банкка маълум муддатга қўйиладиган қўйилмалар

**Масала 4. Жадвални тўлдиринг**

*Давлат кредити ва банк кредитининг асосий фарқли жиҳатлари.*

	Давлат кредити	Банк кредити
<i>Кредит муносабатларида иштирок етувчи субъектлар</i>		
<i>Кредитдан фойдаланиши мақсадлари</i>		
<i>Кредит фоизининг асосий манбалари бўйича</i>		

## **12 Мавзу. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ВА ОПЕРАЦИЯЛАРИ**

Тижорат банкларини бизнинг фикримизча шунчаки корхона эмас, махсус корхона деб қараш зарур. Чунки тижорат банклари ссуда капитали харакатини амалга оширади ва шу асосда банк ўз акционерларига, пайчиларига фойда олишни таъминлайди.*Тижорат банклари қўйдаги асосий вазифаларни бажаради.* Вактинча бўш турган пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш.; корхона ташкилот давлат ва ахолини кредитлаш.; муомалага кредит пуллар (муомаланинг кредит воситалари)ни чиқариш.; ҳалқ хўжалигига хисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш.; молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш; иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва консультация хизматаларини кўрсатиш.

Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд: Қимматбахо қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш.; фойда хисобидан хар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондалр

суммасини ошириш; бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш; депозит операцияларни амалга ошириш

**Таянч иборалар:** банклар, операциялар, траст операциялар, воситачилик, инвестиция. тижорат банклари, актив операциялар, пассив операциялар, лизинг, шартнома.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Тижорат банкларининг иқтисодий ахамияти ва вазифаларини асослаб берадолади
2. Тижорат банкларининг пассив операциялари ва актив операцияларини фарқлай олади
3. Банкнинг комиссион (воситачилик) ва траст операцияларини изохлаб берадолади

$$\text{Ан} \leftarrow \frac{\text{Кредит.айланмаси}}{\text{активлар.уртacha.суммаси}};$$

$In\ddot{q}(1+r)$   $n$ ) In-инфляция индекси  
 $r\ddot{q}In-1f100$   $r$ - инфляция даражаси

**Масала 1.**

Тижорат банкнинг активларини даромадлигига қараб ажратиб чизмани тўлдиринг: берилган кредитлар; асосий воситалар; номоддий активлар; қимматли қофозлар; турли инвестициялар; пул маблағлари; капитал харажатлар

Тижорат банк активлари даромадлилиги

даромад келтирадиган  
активлар

даромад келтирмайдиган активлар

**Масала 2.**

Тижорат банки кредит айланмаси деганда таҳлил қилинаётган даврда (чорак, 6 ой, 9 ой, бир йил ва ҳакоза) мижозларга кредит бериб, қайтариб олинган сумма тушунилади. Тижорат банки ҳисобот йилида 126,0 млрд сўм кредит бериб, қайтариб олган, активларининг ўртача суммаси эса 41,0 млрд сўм. Тижорат банки барча активларининг натижавийлигини аниқланг

**Масала 3.**

Берилган маълумотлардан фойдаланиб МБ нинг балансини тузинг: Муомаладаги нақд пуллар -237 121; Давлатнинг қиммат баҳо қофозлари - 236 499; Кредитлар- 199 837; Чет эл валютаси -211 468; резидент- кредит ташкилотларга берилган кредитлар - 15 863; Хисоб рақамлардаги маблағлар - 261 393; хисобқитоблардаги маблағлар -13 880; Қиммат баҳо металлар - 55 872; Давлат хисоб рақамидаги маблағлар - 102 323 Қиммат баҳо қофозлар - 284 521; Резидент- кредит ташкилтларининг хисоб рақамларидағи маблағлар -159 070; Капитал- 118 027; Бошқа активлар -80 935; Бошқа пассивлар - 202 212;

Актив	Сумма	Пассив	Сумма

**Масала 4.**

Кварталнинг биринчи ойда инфляция даражаси 14%ни ташкил этган, иккинчи ойда – 9%, учинчи ойда -7% ни. Кварталлик инфляция даражасини аниқланг

#### **Масала 5.**

Инвестицион портфели 1 500 та 100 сумлик номиналга эга бўлган оддий акциялардан, 600та номинали 1000 сумлик имтиёзли акциялардан, 700 та номинал 1000 сўмлик облигациялардан иборат. Оддий акциялар бўйича дивиденdlар 30 000 сум, имтиёзли акциялар бўйича -60 000 сўм, облигациялар бўйича- 56 000 сўм. бўлган шароитда инвестицион портфеленинг энг даромадли қиммат баҳо қоғозини аниқланг.

#### **Масала 6.**

500 000 сўмлик вексел муддатидан 3 ой банкга хисобга тақдим этилган. Хисоб ставкаси 5 % ни ташкил этган . Қўйдагиларни:

- а) банкнинг даромад суммасини ;
- б) векскл эгасига тўланадиган суммани .

#### **Масала 7.**

Банкнинг бошқарувининг умумий фондига(ББУФ) кириш тўловлари 2 % ни ташкил этса, ББУФдан чиқиш тўлови 2,5% ни , бошқарувчининг мукофат суммаси 1,5% бўлса, фонднинг йиллик даромадлилиги 24 % бўлса, инвестициялаштиришнинг минимал муддатини аниқланг.

### **13 Мавзу. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ**

Қимматли қоғозлар – бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счётлардаги ёзув шаклида бўлиши ва хисоб-китобни амалга оширишда, шунингдек кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланиши мумкин. Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига асосан «Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – даромади (заари) бир ёки бир неча бозор кўрсатгичлари (индекслари) мазмунига боғлиқ бўлган қимматли қоғозлардир»\* Амалдаги қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликка асосан қимматли қоғозлар ҳосиларининг қуидаги турлари муомалада бўлиши мумкин: Опцион; Фьючерс; Варрант.

Ўзбекистон Республикасида муомалага қимматли қоғозларнинг ҳосиларини чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, яъни мамлакатимиз худудида қимматли қоғозларнинг ҳосиларини чиқариш тартиб- қоидасига кўра қимматли қоғозларнинг ҳосиллари фақатгина акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари (ассосан акциялар) асосида муомалага чиқарилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг ҳосиллари эмиссияси амалдаги қонунчиликка асосан тегишли давлат органида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

Фонд биржаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади ва у қимматли қоғозларга доир биржа

фаолияти юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қимматли қоғозлар ва фоиз биржалари давлат комиссиясидан лицензия олади.

**Таянч иборалар:** Акциялар; облигациялар; ғазна мажбуриятлари; депозит сертификатлари; вексель; қимматли қоғозларнинг ҳосилалари (опцион, фьючерс, варрант); қимматли қоғозлар.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Қимматли қоғозларнинг моҳияти ва уларнинг асосий турларига тасниф берса олади
2. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва уларнинг турларини ажратиб беради.
3. Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг таркибий тузилмасини изохлаб беради

**1. Машқ. Терминларни мослаштиринг**

*Терминлар*

1. Қимматли қоғозлар
2. Акциялар
3. Облигациялар
4. *Ютуқли облигациялар*
5. Депозит сертификатлари
6. Ғазна мажбуриятлари
7. Вексель
8. Трассант,
9. Ремитент
10. Трассат

*Изохлар*

1. Вексель берувчи8
2. Муддати белгиланган улушга эгаликни тасдиқламайдиган қимматли қоғозлар.
3. Вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлаш юзасидан қатъий мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз.
4. Акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоз.
5. Пул маблағлари- омонат қўйилганли тўғрисидаги- омонатчи ёки унинг хуқуқий ворисининг белгиланган муддати тугаганидан кейин омонат суммасини ва унга тегишли фоизларини олишга бўлган хуқуқини тасдиқловчи банк- эмитент гувоҳномасидир.
6. Вексель бўйича тўловчи
7. Уларнинг эгалари бюджетга пул маблағлари берганликларини тасдиқловчи ҳамда бу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати давомида қайд этилган даромадни олиш хуқуқини берувчи, тақдим этувчига тегишли қимматли қоғоз тури.

8. Облигациялар бўйича даромад, доимо ўтказилиб турадиган тиражга асосан ютуқ тарзида тўланиб турадиган облигациялардир
9. Уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни тасдиқловчи дивиденд кўринишида даромад тўлашни ҳамда ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул хужжатлари
10. Вексельни биринчи олувчиси

## **2.Машқ. Тўғри/ нотўғрилигини аниқланг(ҳа/ йўқ)**

1. Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори модели тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш мамлакат иқтисодий ривожланиш стратегиясининг яхлит эканлиги хозирги кундаги хақиқатdir.
2. Облигациялар ғазна мажбуриятлари, депозит сертификатлари ва вексель улушли қимматли қоғозлар таркибига киради.-
3. Мамлакатимиз худудида қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тартиб- қоидасига кўра қимматли қоғозларнинг ҳосилалари фақатгина акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари (асосан акциялар) асосида муомалага чиқарилиши мумкин.
4. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари эмитенти бўлиб, Маркказий банк хисобланади-
5. Опцион эгаси вазиятга қараб опцион юзасидан сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқидан фойдаланиш ёки ундан воз кечиши мумкин.
6. Фьючерсга асосан базис активидаги қимматли қоғозлар дарҳол қўлдан-қўлга берилади-
7. Варрант эмитентлари унинг биринчи эгалари учун қимматли қоғозларини харид этишларида турли ўзгарувчан нарх шароитларини таъминлаши лозим-
8. Вақтинча бўш пул маблағларини жалб этишда, ҳамда улардан фойдаланишда молия бозорининг аҳамияти беқиёс катта бўлади.
9. Фонд бозорида опцион, фьючерс ва варрант битимларининг амалга оширилиши ушбу бозор иштирокчиларига қўшимча даромад топиш имкониятини бермайди –
10. Ривожланган қимматли қоғозлар бозори ишлаб чиқариш тараққиётини рағбатлантирадиган кучли манба бўлиб ҳисобланади.

### **Масала 1.**

Акциядорлик жамияти томонидан 9100 минг сўмга бошқа АЖ нининг номинал қиймати 1000 минг сўмлик облигация олинган. Облигациялар бўйича қоплаш муддатлари 5 ийл. Йиллик 10% даромад купонлар асосида хар йили тўланади. Харидор балансида олинган облигация 2 йилдан кейин қандай нархда белгиланишини аниқланг.

### **Масала 2.**

Январ ойида АЖ устав капиталини 1 млрд. сўмга кўпайиши тўғрисида эълон қилди. Акцияларга ёзилиш шартлари дастлабги тўлов бўйича 30% деб белгиланди. Июл ойида ёзилиш жами 700 млн.деб

белгиланди, амалда 650 млн. қабул қилинди . “Устав капитали” счетида қандай сумма белгиланади.

### **Масала 3.**

Фукаро 10та номинал қиймати 9000 сүмлик имтиёзли акцияларни 10 000 сүмдан сотиб олди. Қиммалти қоғозлар операциялари юзасидан солиқлар суммасини аниқланг.

### **Масала 4.**

АЖ қимматли қоғозлар бозорида 700 минг сүмга бошқа АЖнинг номинал қиймати 10000 сүм бўлган имтиёзли акцияларини харид қилди. Акциялар бўйича дивидентлар 11%. 7 йилдан кейин АЖ балансда олинган акциялар қандай нархда кўрсатилишини аниқланг.

### **Масала 5.**

Банк омонатчилариги ойлик ремолиялаштириш мураккаб фоизларини инобатга олган холда йиллик 36% тўлаши шарт. Ойлик ремолиялаштириш ставкисини аниқланг.

### **Масала 6.**

100 000 сумлик номиналли айланиш муддати 4 йил бўлган купонсиз облигация коплаш муддатидан 2 йил олдин 12 500 сүмдан олинди. Яримйиллик банк ставкасини минимал даражасини аниқланг. Банк мураккаб фоизларда хисоблайди.

## **14 Мавзу ҲОСИЛАВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР.**

**Ҳосила қимматли қоғозлар (Ҳққ) -** бу шартномалар бўлиб, улар бўйича бир томон қимматли қоғозларнинг маълум бир микдорини маълум муддатда келишилган нархда сотиб олиш ёки сотиш хуқуки ёхуд мажбуриятини олади.

Кўпинча базис активи (яъни шартнома асосида ётувчи қимматли қоғоз) сифатида акциялар ва облигациялар иштирок этади.

Ўзбекистонда ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш ва улар муомалада бўлишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши хақидаги Низомга мувофиқ республика худудида факат уларнинг негизида акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари ётадиган ҳосила қимматли қоғозлар чиқарилиши мумкин. Мазкур ҳосила қимматли қоғозларнинг эмиссия проспекти давлат рўйхатидан ўтиши ва белгиланган тартибда рўйхатга олиш рақамига эга бўлиши лозим. Ҳосила қимматли қоғозларнинг эмитентибу Ҳққни чиқарувчи ва ушбу қимматли қотозлар эгаларининг олдида улар бўйича ўз номидан мажбуриятга эга бўлган юридик шахсадир. Ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор уни чиқариш ваколатига эга бўлган эмитентнинг бошқарув идораси томонидан қабул қилинади. Мазкур идоранинг ўзи Ҳққнинг эмиссия проспектини тасдиклайди. Агар ҳосила қимматли қоғозлар базис активининг қиймати 1 млн. сўмга teng ёки ундан ортиқ бўлса, эмиссия проспектини давлат рўйхатидан ўтказиш қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан амалга

оширилади. қолган ҳолатларда ҲҚҚ ушбу марказнинг худудий минтақалардаги бўлимларида давлат рўйхатига олинади.

**Таянч иборалар:** Дивиденд, номинал қиймат, акция курси, оддий акциялар, имтиёзли акциялар, акциялар бланкларининг реквизитлари, облигациялар, фоиз, давлат облигациялари, муниципиал облигациялар, корхоналар облигациялари, трассат, трассант, ремитент, вексел авали, вексел норозилиги.

### **Назорат саволлари**

1. Қимматли қофозларнинг қандай турларини биласиз?
2. Акция бошқа турдаги қимматли қофозлардан қайси жиҳатлари билан фарқ қиласи?
3. Облигация деганда нимани тушунасиз?
4. Ҳосила мажбуриятлари деганда нимани тушунасиз?
5. Депозит ва жамғарма сертификатлари сертификатлари бир-биридан нима билан фарқ қиласи?
6. Вексел ким томонидан ва қандай мақсадларда чиқарилади?
7. Ҳосилавий қимматли қофозлар деганда нимани тушунасиз?

## **15 Мавзу. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА ВАЛЮТА ТИЗИМИ**

Валюта муносабатлари – ташқи савдо, иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик, хорижга кредит ҳамда қарзларни бериш ва олиш, валюта ва влюта активларини сотиб олиш билан боғлиқ битимларни амалга оширишда иштирок этадиган валюта билан боғлиқ муносабатлардир.

Халқаро валюта муносабатларининг давлат томонидан шакллантириладиган ҳуқуқий-ташкилий шакли валюта тизими дейилади. Миллий, худудий ва жаҳон валюта тизимларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Миллий валюта тизими деганда маълум давлатни, бошқа давлатлар билан пулли ҳисоб-китобларини амалга оширишда қўллайдиган усуллари, инструментлари ва миллий органларининг умумий йиғиндиси тушунилади.

Худудий валюта тизими – миллий ва жаҳон валюта тизимларининг оралиқ элементи ҳисобланиб, у мамлакатлар ҳудуий гурухи интеграциясига хизмат қиласиди.

Жаҳон валюта тизими – бу алоҳида олинган миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалиги билан боғловчи механизmdir.

Шундай қилиб, жаҳон валюта тизимининг учта қўриниши амал қилган ва олдинма кейин бир-бирини ўрнини алмаштирган. Улардан биринчиси – «олтин танга андозаси» тизими Иккинчи тизим – бу «олтин девиз андозаси» (бреттонвуд валюта тизими)

**Таянч иборалар:** Валюта муносабатлари; миллий валюта тизими; худудий валюта тизими; жаҳон валюта тизими; Париж жаҳон валюта тизими; Генуя жаҳон валюта тизими Бреттонвуд жаҳон валюта тизими; Ямайка жаҳон валюта тизими; «олтин танга андозаси»;«олтин девиз андозаси»;«кўп валютали андоза»; Европа валюта тизими; ЭКЮ; СДР; олтин демонетизацияси

### ***Идентив ўқув мақсадлари:***

- 1.Иктиносидиётда халқаро валюта муносабатларининг тутган ўрни ва ахамиятини тушунтириб бераолади
- 2.Жаҳон валюта тизимининг амал қилган кўринишлари тўғрисида сўзлаб бера олади.
- 3.Евронинг муомалага киритилиши билан жаҳон молия марказларида кузатиладиган ўзгаришларни таҳлил қила олади.

### **Масала 1.**

Банк сўмнинг АҚШ долл.га кўйдаги котировкани белгилаган  
Сотиб олиш – 25,6800

Сотиш – 26,0000

*Кўйдагиларни аниқланг :*

- A)100 долл алмаштирилганда неча сўм олинади.?  
Б)1 млн сўм алмаштирилганда қанча доллар олинади?

### **Масала 2**

Лондон банкида АҚШ доллари фунт стерлингка нисбатдан қўйдагича белгиланган:

Сотиб олиш – 1, 6510

Сотиш – 1, 6480

*Кўйдагиларни аниқланг*

- а)АҚШ долларнинг фунт стерлинга нисбатдан сотиши ва сотиб олиши курсини белгиланг;  
б) 1000 доллар алмаштирилганда қанча фунт стерлинг олинади.  
в) 1000 фунт стерлинг алмаштирилганда қанча доллар олинади.

### **Масала 3.**

Москва банк қўйдагивалюта котировкаларини эълон қилган:

	Сотиб олиш	Сотиш
АҚШ доллари / рубль	26, 4400	27,3800
Евро/ рубль	34,3212	35,2800

Кросс –курсларни аниқланг.

### **Масала 4.**

Валюталарнинг қўйдаги курслари белгиланган:

	Сотиб олиш	Сотиш
АҚШ доллари / венгрия форинти	140	150
АҚШ доллари / рубль	26,0000	26,5000

Кросс –курсларни аниқланг .

### **Масала 5**

Валюта бозорида тезкор операциялар учун қўйдаги котировкалар белгиланган:

Муддат	АҚШ доллари /рубль	АҚШ доллари /евро
спот	26,4700 – 27,4000	1,3000 – 1,4000
1 ой	40 – 60	50 – 30
2 ой	90 – 130	100 – 80
3 ой	140 – 180	160 – 130

АҚШ доллнинг рублга ва еврога форвард курсини 1,2,3, ойлардагисини аниқланг

## **16 Мавзу. СУҒУРТАЛАШ ВА СУҒУРТА ИШИ**

Суғуртанинг шакллари турли туман бўлиб, мажбурий, ихтиёрий суғурта жуда оммалашиб кетган. Мажбурий суғуртада суғурта жавобгарлиги, суғурта таъминоти даражаси ва ҳ.к. Суғуртани ҳозирги кунда давлат суғуртаси жуда кенг тарқалган бўлиб, суғурта бозорида хукмранлик қилмоқда.

Хусусий суғурта тизими ҳам мавжуд бўлиб, уни ривожлантириш жуда муҳимдир.

Акционерлик суғуртаси ҳам ривож топган бўлиб, бу шаклда компаниялар ташкил етилган ва фаолият кўрсатмоқда.

Суғуртанинг пайдо бўлиши, аввало суғурта бадаллари билан боқлиқ бўлиб, суғурта жамиятига аъзо бўлган қуқуқий ва жисмоний шахслар аъзолик бадалларини жамиятга тўлашлари натижасида суғурта фонди вужудга келади. Суғурта фондининг асосий манбаи суғуртачилар тўлаган тўловлар ёки суғурта атамаларида бу жараённи суғурта мукофотлари деб ҳам аташади. Фаолият кўрсатаётган суғурта фондлари маблағлари қисобидан турли баҳиз ҳодисалар туфайли зарар кўрган суғурталанувчиларга суғурта қоплаш пули тўланади. Суғурта фонди суғуртанинг молиявий манбалари қисбланиб, уни ташкил етиш ва унинг маблағларини суғурта қодисаси юз берганда мижозларга тўлашни тушуниш керак.

Суғурталаш тизими узоқ тарихга ега бўлиб, унинг келиб чиқишини кўп адабиётларда Рим империяси даврига боклаб талқин етишган. Бошқа гуруҳ олимлари суғурталашнинг вужудга келишини Буюк Британиянинг дунёни турли ҳудудларини забт етиб ва савдо-сотиқни амалга ошириши туфайли вужудга келган деган қарашлар мавжуд. Суғуртанинг вужудга келиши унинг ҳуқуқий асосларини яратилиши билан боқлиқ бўлиб, жумладан суғурталаш тўғрисида Европада қонунларнинг қабул қилинганлиги, суғуртани тизим сифатида шакллантириди ва унинг ривожланишига имкониятлар яратилди.

**Таянч иборалар:** Суғурта фаолияти; суғурта иши; суғурта ҳуқуки; суғурталанувчи манфаатлари; суғурта бозори; суғурта компаниялари; давлат суғурта ташкилотлари; шахсий суғурта; мажбурий ва ихтнёрин суғурта

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.Иқтисодиётда суғурта шакллари тушунчасининг тутган ўрни ва ахамиятини тушунтириб бераолади
2. Суғуртанинг вужудга келиши тўғрисида сўзлаб бера олади.
3. Суғуртанинг иқтисодий табиатини таҳлил қила олади.

### **СВ қ У\*Ссғ Ц**

буерда СВ — суғурта қопланишлари;

Ц —суғурталangan объект баҳоси ;

Сс — суғурта суммаси ;

У — умумий зарар суммаси .

**Д қ СВ\* (Рнғ100)**

Р н – сұғурта компанияси рентабеллиги

Д – даромад мікдори

**Тнқ (СВ F Cc )\* 100**

Тн – сұғурта тарифи нетто-ставкасы

**Тн1қ( ДF Cc )\* 100**

Тн1- сұғурта тарифининг нетто-ставкасига юки

**Тс қТн +Тн1**

Тс – сұғурта тарифи ставкасы

**СП қ СВ + Д**

СП – сұғурта мукофатлари суммаси

**ДП1қ ДПF ЦП\*365fd\* 100%**

ДП1 -Бадал даромадлилиги

ДП –бадалдан даромад

ЦП-бадални дастлаб нархи

d-бадалдан фойдаланиш даври

## **1. Машқ. Терминларни мослаштириңг**

*Терминлар*

1. Валюта муносабатлари
2. Миллий валюта тизими
3. Ҳудудий валюта тизими
4. Жаҳон валюта тизими
5. Валюта конвертацияси
6. «колтин танга андозаси» тизими
7. «колтин девиз андозаси» тизими
8. «кўп валютали андоза» тизими
9. Европа валюта тизими
- 10.Олтин демонетизацияси
- 11.Сұғурта жавобгарлиги
- 12.Сұғурта гувоҳномаси (полис)
- 13.Сұғурта ҳодисаси
- 14.Сұғурта рентаси
- 15.Сұғурта қопламаси,
- 16.Сұғурта портфели,
- 17.Сұғурта франшизаси,
- 18.Карго сұғуртаси,
- 19.Каско сұғуртаси
- 20.Сұғурта бонуси,
- 21.Сұғурта брокери,

*Изохлар*

1. Таşқи савдо, иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик, влюта активларини сотиб олиш билан боғлиқ битимларни амалга оширишда иштирок этадиган валюта билан боғлиқ муносабатлардир.
2. Жаҳон (ҳудудий) валюта тизими бўлиб, у иқтисодий интеграция доирасида амал қиласидаган иқтисодий муносабатларнинг умумий йиғиндиси;

3. АҚШ долларига нисбатан валютанинг қаттиқ курсини ўрнатиш орқали амал қилган тизм
4. Миллий ва жаҳон валюта тизимларининг оралиқ элементи
5. Миллий валютани хорижий валютага алмаштириш
6. Сузиб юрувчи, алмашув курсларига асосланган тизм
7. Олтиннинг пул функцияларини бажаришдан аста-секин маҳрум этиш жараёнидир.
8. Қонуний жиҳатдан асосий пул шакли ролини бажарувчи олтинга қаттиқ боғланган бўлиб, бирликларнинг курси олтинга асосланганлиги.
9. Алоҳида олинган миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалиги билан боғловчи механизм
10. Маълум давлатни, бошқа давлатлар билан пулли ҳисобкитобларини амалга оширишда қўллайдиган усуллари, инструментлари ва миллий органларининг умумий йифиндиси
11. Фақат транспорт воситалари суғурта қилинганлиги.
12. Суғуртачи ва суғурталанувчининг қонун ва шартномада кўзда тутилаган ва ўз зиммасига олган мажбуриятлари ва вазифалари бўйича жавобгарлиги
13. Қўшимча нафақани суғурталаш асосида суғурталанувчига ой ёки йил давомида тўланадиган мунтазам даромад.
14. Ҳаёт ёки умумий суғуртанинг бирор тури бўйича суғурта амалга оширилганлигидан гувоҳлик берувчи ҳужжат.
15. Суғурта компанияси ва суғурталанувчиларнинг ўзаро шартномани бажаришдаги муносабатларини ўрнатувчи воситачи.
16. Узоқ йиллар давомида фалокациз ишлаган суғурталанувчиларга суғурта бадали ҳисобидан бериладиган енгиллик .
17. Суғурта хавф-хатарида кўзда тутилган фавқулотда тасодифлардан бирортасининг содир бўлиши суғурта ҳодисаси.
18. Вилоят, шаҳар, туман бўйича суғурталанган объектлар ва амалдаги шартномалар йифиндиси.
19. Транспорт воситаларида ташиладиган барча юкларни транспорт воситаларисиз суғурта қилиниши.
20. Суғурта ҳодисаси юз берганлиги туфайли етказилган заарар миқдорини қоплаш учун ажратилган маблағ суғурта қопламаси.
21. Турли-туман сабаблар билан етказилиши мумкин бўлган суғуртанинг умумий миқдорини суғурта ташкилоти ҳисобидан қопланмайдиган қисми.

## **2.Машқ. Тўғриғ нотўғрилигини аниқланг(ҳағ йўқ)**

1. Халқаро валюта муносабатларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши, жаҳон бозори ташкил этилиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, жаҳон хўжалигининг таркибий тузилиши ҳамда хўжалик мунсаабатлари байналламилашувининг натижасидир.
2. Замонавий ташқи иқтисодий алоқаларда, шу билан бирга валюта мунсаабатларида сиёsat ва иқтисодиёт, дипломатия ва тијорат, саноат ва савдо боғлиқ эмаслигини кузатиш мумкин.

3. Жаҳон валюта тизимиning асосий мақсади – экспорт ва импорт учун тўловларни товар, капитал, хизматлар ва бошқа фаолият турларини амалга оширишда халқаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш орқали самарали воситачилик қилиш
4. Жаҳон валюта тизими фаолият юритиш ва тартибга солишнинг алоҳида механизмларига эга ва жаҳон хўжалигининг глобал мақсадларини кўзласада, у миллий пул ва ҳудуий валюта тизимлари билан боғлиқ эмас
5. Замонавий валюта тизими, унинг ҳам ҳудудий (географик жиҳатдан), ҳам вақт жиҳатдан (кечаю-кундуз ишловчи валюта бозори) технологик (ахборот технологиялари ва тармоқларининг яхлитлиги) глобаллашганлиги билан тавсифланади.
6. Жаҳон валюта тизимиning энг асосий хусусияти шундаки, у ҳар доим ўзгармас бўлиб туришидир.
7. Еврони киритилиши банклар учун ЕИда ягона банк хизмати бозорини, шунингдек ягона давлат ва корпоратив қимматбаҳо қофозлар бозорини вужудга келишини билдиради.
8. Олтин демонетизацияси жараёнининг давомийлиги ва қарама-қаршилиги, унинг баҳолар даражасида хилма-хилликни вужудга келтиради.
9. Олтин захираларининг ҳажми мамлакатнинг валюта-молиявий мавқеини кўрсатмайди шунинг учун унинг кредитга лаёқатлилигини аниқловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қилаолмайди.
- 10.Олтин замонавий шароитларда ҳам металл валютанинг маълум сифатларини, яъни фавқулодда жаҳон пуллари вазифасини сақлаб келмоқда
- 11.Суғурта полисида суғурталовчи ва суғурталанувчининг номи суғурта шартномасининг номери, суғурта ҳодисаларининг турлари, суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва суғурта полисининг амал қилиш муддати кўрсатилади
- 12.Суғурта бозори шаҳар, мамлакат ва бир неча давлатлар миқёсида ҳамда халқаро суғурта бозори сифатида шаклланиши мумкин.
- 13.Суғурта билан тадбиркорлик фаолияти боғлиқ эмас. Чунки тадбиркорнинг фаолияти жуда кўплаб таваккалчиликлардан иборатdir.
- 14.Шахсий суғурта жамият миқёсида ривожланиб боришига аҳолининг бу туридан манфаатдорлиги ошиб бориши туфайли юз бера бошлади.
- 15.Бахтсиз ҳодисалар бўйича суғурталаш йўловчиларни, мактаб ўқувчиларини, ишчи ва хизматчиларни корхоналар ҳисобидан суғурта қилиш тушунилади.
- 16.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида кўрсатилганки, мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун хужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузилиши шарт.
- 17.Ихтиёрий суғурта қонун асосида суғурта компаниясининг конкрет шартлари орқали тартибга солиб турилади

**Масала.3** заар миқдори 20 минг сўм. Қиймати 100 минг сўмлик объект 80 минг сўмга суғурта қилинган. Суғурта қопланиш суммасини аниқланг.

**Масала 4.** 5 йил мобайнида суғурта холатлари бўйича статистик кузатувлvr олиб борилган. Бу муддат ичида суғурта компанияси 800 млн. сўмлик суғурта шартомаларини тузган. Ушбу давр ичида 100 та суғурта холати бўлиб ўтиб, суғурта қопланишлари қўйдагича бўлган: 20та холат- 60 минг сўмдан, 50та холат - 80 минг сўмдан, 30та холат - 40 минг сўмдан. Суғурта компаниясининг рентабеллиги 30% даражада бўлган. Даромад миқдорини ,сўғурта тарифининг нетто-ставкасини, нетто-ставксига юкни, суғурта ставкаси тарифини ва суғурта мукофатлари суммасини аниқланг.

**Масала 5.** Бадалли инвестицион фондига дастлабги қўйилмалар суммаси 20 000 сўм бўлганда, бадални олишда унинг суммаси 725,63 сўм бўлган бўлса, қоплаш даврида эса 948,27 сумни ташкил этган бўлса қўйилма эгаси қандай даромадга эга бўлади. Қоплаш даврдаги чегирмалар миқдори 1,5%ни, даромад солиги 13% ташкил этган.

**Масала 6.** БИФ(бадаллар инвестицион фонди)да инвестор 1чи бадални 10 000 сўмга сотиб олди бир ойдан кейин иккинчи бадал 13 000 сўмга , кейинги ойда эса учинчи бадални 15 000сўмга олди. Бадаллар нархи сотишда 20 000сўм бўлган бўлса чегирма ва устамалар 0% бўлса қандай сумма даромад солигига тортилади.

**Масала 7.** Инвестор 1 март куни акция фондидан 10 000 сумлик бадал сотиб олди 1 сентябр куни бадалларини 12 000 сўмга сотишга қарор қилди. Бадалга эгалик қилган давр учун даромадлиликини аниқланг. Барча чегирма, устама ва бошқа харажатлар бадал нархидан акс эттирилган

**Масала 8.** Инвестор 10 апрел куни 5000 сўмлик бадал сотиб олди, 10 апрел куни сотишга қарор қилди уша даврда бадал нархи 5800 сўм бўлган. Устама миқдори 1 %ни, чегирмалар миқдори хам 1 %ни ташкил этган. Қўйилмаларнинг йиллик даромадлилигини аниқланг

### **Мавзу 17 Суғуртада тариф сиёсати**

Суғурта тарифи ёки тариф ставкаси суғурталанувчиларнинг суғурта суммаси ёки суғурта объекти бирлигига нисбатан пул тўлови, ёхуд суғурта суммалари йифиндисига нисбатан фоиз ставкасидир. Суғурта тарифларини белгилашдаги асосий мақсад ҳар бир суғурталанувчи ва суғурта суммаси бирлигига тўғри келиши мумкин бўлган заар суммасини аниқлаш ва қоплаш билан боғлиқдир. Агар тариф ставкаси кўрилиши мумкин бўлган заарни ҳаққоний акс эттиурса, у ҳолда заарни суғурталанувчилар ўртасида биргаликда қоплаш таъминланади. Жаҳон амалиётида суғурта бадали асосида ётувчи тариф ставкаси брутто-ставка деб номланади. Брутто-ставка икки қисмдан иборат бўлади: нетто-ставка ва юклама.

**Таянч иборалар:** Актуар ҳисоб-китоблар, Ихтиёрий суғурта ,Лицензия, Мажбурий суғурта –Махсус ваколатли давлат органи Полис (Policy) Суғурта , Суғурталовчи Суғурта бадали (мукофоти) Суғурта бозори Суғурта (актуар) калькуляция Суғурта портфели Ўлим кўрсаткичи жадвали

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Тариф ставкаси ва тариф сиёсати
2. Актуар ҳисоб-китобларнинг мазмани ва вазифалари
3. Суғурта тарифларини қуришнинг услугий жиҳатлари

**Масала.№1** Корхона 2014 йилда ўз ходимларини ҳаётни ўзоқ муддатли суғурталаш тури бўйича суғурталаб, ушбу суғурта учун суғурта компаниясига 700 000 сўм суғурта мукофоти, мол-мулк суғуртаси бўйича ўз мулкини суғурталаш учун 400 000 сўм ҳамда иш берувчининг жавобгарлиги мажбурий суғуртаси бўйича 500 000 сўм суғурта мукофотларини суғурта компанияларига тўлаб берди. Корхона белгиланган солик қонунчилигига кўра фойдадан 9 фоиз фойда солиғи тўлайди Корхонанинг йил якунлари бўйича солик тўлангунгача бўлган фойдаси 60 млн. сўмни ташкил етди. Корхона неча сўм микдорида фойда солиғи тўлайди?

**Масала.№ 2** “Келажак суғурта” суғурта компанияси 2015 йил учун инвестицияга йўналтиришга мўлжаллаган маблағлари 550 млн. сўмдан иборат. Компаниянинг устав капитали 1 млрд. сўм. Ташкил етилаётган “Авто инвест” МЧЖнинг шакллантириш кўзда тутилган жами устав капитали 1 млрд. 200 млн. сўм. “Келажак суғурта” суғурта компанияси ўз инвестицион маблағларининг кўпи билан қанчасини “Авто инвест” МЧЖнинг устав капиталини шакллантиришга йўналтириши мумкинлигини ҳисобланг?

**Масала.№ 3** “Н” суғурта компанияси 2015 йил учун инвестицияга йўналтиришга мўлжаллаган маблағлари 500 млн. сўмдан иборат. Компаниянинг жами активлари 1 млрд. 500 млн. сўм. Инвестиция йўналтириш мўлжалланган кўчмас мулк қиймати 700 млн. сўм. “Н” суғурта компанияси мазкур кўчмас мулк учун инвестицияга йўналтириши мумкин бўлган маблағ ҳажмини ҳисобланг?

**Масала.№ 4** “Н” суғурта компанияси 2015 йил учун инвестицияга йўналтиришга мўлжаллаган маблағлари 600 млн. сўмдан иборат. Компаниянинг жами активлари 1 млрд. сўм. Компания тижорат банкига депозитга қўйиши мумкин бўлган инвестиция маблағи суммасини ҳисобланг?

**Масала.№ 5** “Н” суғурта компанияси 2015 йил учун инвестицияга йўналтиришга мўлжаллаган маблағлари 400 млн. сўмдан иборат. Компаниянинг жами активлари 1 млрд. сўм. Компания кредит ташкилотига депозитга қўйиши мумкин бўлган инвестиция маблағи суммасини ҳисобланг?

**Масала.№ 6** Ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи “Н” суғурта компаниясига ўзи билан ҳаёт суғуртаси шартномаси тузган жисмоний шахс бир йилга 5 млн. сўм микдорида қарз беришларини сўраб ариза билан мурожаат қилди. Суғурта компаниясининг устав капитали 2 млрд. сўмни ташкил етади. Компания мазкур аризага кўра қанча микдорда қарз бериши мумкинлигини ҳисобланг?

**Масала.№ 7** Транспорт воситаларини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланмаслиги шарти билан 1 йилга транспорт воситалари егаларининг

фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғуртаси шартномаси түзиш учун сұғурта мукофотини ҳисобланг.

Бунда

СС = 6 900 000 сўм

ТБ = 0.4

КТ = 1.4

**Масала № 8** Транспорт воситаларини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланмаслиги шарти билан 1 йилга транспорт воситалари егаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғуртаси шартномаси түзиш учун сұғурта мукофотини ҳисобланг.

Бунда

СС = 4 000 000 сўм

ТБ = 0.4

КТ = 1.4

**Масала № 9** Транспорт воситаларини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланмаслиги шарти билан транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда транспорт воситалари егаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғуртаси шартномасини түзиш учун сұғурта мукофотини ҳисобланг.

Бунда

СС = 6 900 000 сўм ; ТБ = 0.3; КТ = 1.2; КС = 0.6

**Масала № 10** Транспорт воситаларини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланмаслиги шарти билан транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда транспорт воситалари егаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғуртаси шартномасини түзиш учун сұғурта мукофотини ҳисобланг.

Бунда

СС = 5 200 000 сўм ; ТБ = 0.3; КТ = 1.2

КС = 0.6

**Масала № 11** Транспорт воситаларини бошқаришга қўйилган шахслар сони чекланмаслиги шарти билан транспорт воситасидан мавсумий фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда хорижий давлатда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситасига транспорт воситалари егаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғуртаси шартномасини түзиш учун сұғурта мукофотини ҳисобланг.

Бунда

СС = 6 800 000 сўм

ТБ = 0.3

КТ = 1.2

КП = 0.7

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуни. 27.06. 2008.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш туғрисида”ги қонуни, 11.12. 2003.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 04.04. 2002.

4. «Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 20.06.2005

5. «Пул маблағларини банқдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 05.08.2002.

6. «Пул-кредит кўрсаткичларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 04.02.2003.

7. Каримов.И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.Т.,Ўзбекистон.2005 й.

8. Алимов И.И. Молия. –Т.: ТДИУ. 2007

9. Деньги, кредит, банки / Под ред. Белоглазовой Г. Н. Пособие для сдачи экзамена. – М.: Юрайт-Издат, 2006. – 160 с.

10. Деньги, кредит, банки / Под ред. Г.Н. Белоглазовой: Учебник. – М.: Юрайт-Издат, 2006. – 620 с.

11. Галанов В.А. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 416 с. 2 экз.

12. Годин А. М., Максимова Н.С., Подпорина И.В. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 568 с.

13. Клинович В.П. Финансы, денежное обращение, кредит: Учебник. – 2-е изд., доп. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 256 с.

14. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник / Романовский В. М. и др.; под ред. Врублевский О.В. - М.: Юрайт-издат, 2006. - 543с.

15. Финансы, денежное обращение и кредит: учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. / В.К. Сенчагов, А.И. Архипов и др.; под ред. В.К. Сенчагова, А.И. Архипова. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 720 с. 2 экз.

16. Шуляк П.Н. Финансы предприятия: Учебник. – 6-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 712с.

## АДАБИЕТЛАР РУЙХАТИ

### 1.3.1. АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми	Кутубхонада
---	---	-------------

		мавжуд нусхаси
1.	Рашидов О.Ю. ва бошқалар. «Пул, кредит ва банклар», Тошкент “Чўлпон” НМИУ 2011й	13
2.	Омонов А ва бошқалар «Пул, кредит ва банклар», Тошкент «Иқтисод -молия» 2012й	18
3.	Шодмонов Ш ва бошқалар “Пул назарияси” Тошкент “Чўлпон” НМИУ 2011й	15
4.	Абдуллаева Ш. «Пул, кредит ва банклар» Тошкент “Молия” 2000 й	11
5.	Гулямов С.С. и другие “Деньги банки и кредит” Ташкент 2002г	6
6.	Джаббаров Т.О и другие “ Деньги и финансовые институты ” -Т.: 2002г	48
7.	Вахобов А.В., Маликов Т.С. «Молия» Тошкент , «Ношир» 2011й	13

### 1.3.2. ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, ҳажми	Кутубхонада мавжуд нусхаси
1.	Абдуллаев Ё., Қоралиев Т. “Пул 100 савол ва жавоб”, Тошкент “Мехнат” 1996й	10
2.	Абдуллаев Ё., Бобокулов Т., “Кредит 100 савол ва жавоб” Тошкент “Мехнат” 1996й	50
3.	Собирв X “Суғурта 100 савол ва жавоб” Тошкент “Мехнат” 1998й	100
4.	Абдуллаев Ё., Шоҳаъзамий Ш., “Қимматли қоғозлар 100 савол ва жавоб” Тошкент “Мехнат” 1996й	10
5.	Нобиев F “Лизинг ғояси, тарихи, ҳуқуқ асослари, амалиёти” Тошкент, ОАЖБНТ маркази 2011й	5
6.	Гафуров Ш. и другие “Рынок ценных бумаг” Ташкент 1995г	2
7.	Дадабаев Ю.Т и другие “Рынок ценных бумаг” Ташкент 1999 г	8
8.	Нуритдинов С.З. и другие «Основы рынка ценных бумаг » Тошкент «Тафаккур бўстони» 2012й	3
9.	Гулямов С., Дадабаев Ю.Т., «Международные валютно-кредитные и финансовые отношения» Фергана 2001г.	5
10.	Билолхужаева Ш., Ли А. «Банковское право Республики Узбекистан » Ташкент «Тиб-китоб» 2010г	6
11.	Джуха В.М. «Лизинг» Ростов на дону «Феникс» 1999г	2

Кутубхона мудираси  
имзоси ва муҳри

### 1.3.3. ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР ВА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

№	Муаллиф, номи, тури, йили, ҳажми, сақланиш жойи, электрон адреси	
1.	1. Артюшин В.В. Финансовый анализ. Инструментарий практика. Учеб	

	пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 120 с.	
2.	2. Глобализация мирового хозяйства: учеб пособ. /Под ред. М.Н. Осьмовой. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 376 с.	
3.	3. Галанов В. А. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник. - ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. - 416 с.	
4.	4. Галанов В.А. Рынок ценных бумаг: Учебник.- М.: ИНФРА- М, 2009.- 379 с.	
5.	5. Галицкая С.В. Деньги. Кредит. Финансы: учеб.пос. – 2 изд. доп. –М.: Эсмо, 2008. – 736 с.	
6.	6. Грачев А.Н. Финансовая устойчивость предприятия. Критерии и методы оценки в рыночной экономике. Учеб. пособ. - М.: «Дело и Сервис», 2010. – 400 с.	
7.	7. Загородников С.В. Финансы и кредит: учебное пособ.- 3-е изд. испр.-М.: 2009.- 288	
8.	8. Иванова С. П. Деньги, кредит, банки: Учеб. пособ. — М.: «Дашков и К0», 2007.	
9.	9. Деньги, кредит, банки: учебник / кол. авторов; под ред. засл. Деят. Науки РФ, д-ра экон. Наук, проф. О.И. Лаврушина. – 9-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2010. 560 с.	
10.	10. Кукушкин С.Н. Финансово-экономический анализ: Конспект лекций. – М.: Приор, 2010. – 192 с.	
11.	11. Меркулова И.В. Деньги, кредит, банки: учебное пособие / И.В. Меркулова, А.Ю. Лукьянова. – М.: КНОРУС, 2010. – 352 с.	
12.	12. Мировая экономика и международные экономические отношения: учеб. /Под ред. А.С. Булатова. – М.: Магистр, 2010. – 654 с.	
13.	13. Турбанов А., Тютюнник А. Банковское дело: Операции, технологии, управление / А. Турбанов, А. Тютюнник. – М.: Альбина Паблишерз, 2010. – 682 с.	
14.	14. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. Под. ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. – М.: «ИД Юрайт», 2010. – 714 с.	
15.	15. Бабешко Л.О. Основы эконометрического моделирования: учеб.пособ. М.: КомКнига, 2010. – 432с.	
16.	16. Гладков И.С. Мировая экономика и Международные экономические отношения: учеб пособ. – М.: БИНОМ. Лабораторный знаний, 2009. – 341	
17.	17. Голодова Ж.Г. Финансы и кредит: Учебное пособие.- М.: ИНФРА-М,, 2009.- 448 с.	
18.	18. Деньги. Кредит. Банки. Учебник. / Е.Ф. Жуков и др. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 783 с.	
19.	19. Загородников С.В. Финансы и кредит: учебное пособ.- 3-е изд. испр.-М.: 2009.- 288 с.	
20.	20. Куликов А.Г. Деньги, Кредит, банки: учебник. – М.: КНОРУС, 2009. – 656 с.	
21.	21. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: учебное пособие / О.И. Лаврушина, О.Н. Афанасьева, С.Л. Корниенко; под ред. засл. деят. Науки РФ, д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина. – 5-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 с. Трошин А.Н., и др. Финансы и кредит. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 408 с.	
22.	22. Давидов Я.В. Финансы, денежное обращение, кредит: конспект лекций.- М.: Приор - издат, 2008.-288 с.	

23.	23. Рашидов О.Ю., Тоймухамедов И.Р., Алимов И.И. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. Тошкент. 2008 й	
24.	24. Финансы денежное обращение. Кредит: Учебник./ Под ред. Г.Б. Польяна.-3-е изд. перераб. и доп.- М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.- 639 с.	
25.	25. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Фофуров. “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир...” маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув услубий мажмуа. Т. Иқтисодиёт.2010.-340 б.	
26.	26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю. ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Фофуров, Б.К.Тухлиев.-Т.: Иқтисодиёт. 2009, -120 б.	
27.	27. Банковский менеджмент: учебник / кол. авторов; под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина. – 3 – е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 560 с.	
28.	28. Васильева Л.С, Петровская М.В. Финансовый анализ. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 880 с.	
29.	29. Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие / кол. авторов; под ред. О.И. Лаврушина. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009. – 352 с.	
30.	30. Наука о деньгах, кредите и банках: Эволюция и современность: Сборник научных трудов. В 2-х ч. Ч. 1. М.: Финакадемия, 2009. 132 с.	
31.	31. Наука о деньгах, кредите и банках: Эволюция и современность: Сборник научных трудов. В 2-х ч. Ч. 2. М.: Финакадемия, 2009. 108 с.	
32.	32. Белов А.В. Финансы и кредит. Структура финансовой рыночной экономики.: курс лекций М.: Форум, 2008.- 224 с.	
33.	33. Банковский менеджмент: учебник / кол. авторов; под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина. – 3 – е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 560 с.	
34.	34. Васильева Л.С, Петровская М.В. Финансовый анализ. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 880 с.	
35.	35. Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие / кол. авторов; под ред. О.И. Лаврушина. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009. – 352 с.	
36.	36. Наука о деньгах, кредите и банках: Эволюция и современность: Сборник научных трудов. В 2-х ч. Ч. 1. М.: Финакадемия, 2009. 132 с.	

# **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАТЕРИАЛЛАРИ**

## **Кириш**

“Пул,кредит ва банклар” фанидан талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш бўйича услугий қўлланма Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 августда 286-сонли буйруқ билан тасдиқланган “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан амалга киритилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом” ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг

тизими тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги бўйруғи, ГулДУнинг “Талабаларнинг фанлардан мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом” ҳамда ГулДУ Ижтимоий-иктисодий факультети Илмий-услубий Кенгашининг 2018 йил\_\_августдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Пул кредит ва банклар” фани бўйича ишчи ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

“Пул,кредит ва банклар” фанидан талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш бўйича тайёрланган ушбу услубий қўлланма бакалавриат босқичи “5230100-Иқтисодиёт” таълим йўналиши З-курс талабаларининг мазкур фандан мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолашда асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Мустақил иш талабаларнинг мазкур фан бўйича мустақил фаоллиги ҳамда ўқув машғулотларини олиб борувчи профессор-ўқитувчиларнинг назорати асосида ташкил этилиб, ўқув режада семестрлар бўйича белгиланган соатлар ҳажмига кўра амалга оширилади. Хусусан, “5230100-Иқтисодиёт” таълим йўналиши учун “Пул, кредит ва банклар” фани бўйича ажратилган соатларнинг умумий ҳажми ўқув режада 136 соат, шу жумладан 4 соат маъзуза ва 68 соат семинар машғулотига, мустақил таълимга 52 соат миқдорида белгиланган.

Мазкур услубий қўлланмада талабалар мустақил ишларининг асосий шакллари ва уларнинг мазмуни, мустақил ишни амалга оширишда талаба бажариши лозим бўлган вазифалар, мустақил ишни бажариш бўйича маслаҳатларни ташкил этиш, уларни назорат қилиш ва баҳолаш тартиби баён этилган.

## **1. Талабалар мустақил ишларининг мазмуни ва асосий шакллари**

“Пул,кредит ва банклар” фани бўйича талабалар мустақил ишларини ташкил этиш уларда иқтисодий билим, дунёқарааш, ижтимоий фаоллик ва мустақил фикрлашни шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади. У ишчи ўқув режаси ва фаннинг ишчи дастурида кўзда тутилган зарур билимлар ва қўникмаларнинг талабалар томонидан оқилона, кам вақт ва куч сарфлаб ўзлаштирилишини таъминлайди.

“Пул,кредит ва банклар” фанини мустақил ишни бажариш асосида ўқитиши жараёнини такомиллаштириш, талабанинг қизиқишлигини, англаш фаоллигини янада ривожлантириш йўналишида боради, бунда ижодий фикрлаш, мустақил ўқиш, ўрганиш, қўникма ва лаёқатлари шаклланади.

**Талабанинг мустақил иши** – муайян фандан ишчи ўқув дастурида белгиланган билим, қўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан профессор-ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишни бажаришдан асосий мақсад – профессор-ўқитувчиларнинг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида талабаларни

семестр давомида фанни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, келгусидаги ўқув машғулотларига тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданиятини, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш ва қабул қилишни шакллантириш ҳамда шу асосда университетда рақобатбардош кадрларни тайёрлашга эришишдан иборат.

Талабалар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

- аудиторияда амалга ошириладиган ишлари, ўтилган мавзуни қайтариш ва мустаҳкамлашга оид топшириқлар бажарилади;

- аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган ишлари, ўқув дастуридаги айrim мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий тадқиқот характеристидаги ишлар ва х.к.

Биринчи турдаги ишлар талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, сұхбат, мунозара, реферат, эссе каби топшириқларни бажартириш ва бошқа усулларда асосан амалиёт дарсларида назорат (жорий назоратда) қилинади.

Жорий назоратда талабанинг машғулотлар пайтида ўтилган материалларни ўзлаштириш ва уйга берилган топшириқларни бажарышдаги фаоллиги, бажариш савияси ва ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади.

Иккинчи турдаги ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштириши учун белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашувни талаб қиласидаги амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, маҳсус белгиланган маслаҳат соатларида амалга оширилади. Профессор-ўқитувчи журналида талабаларнинг мустақил ишлари журналнинг тегишли бетларида қайд этилади.

“Пул, кредит ва банклар” фани бўйича талабалар мустақил ишларини ташкил этишда жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида талабаларнинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакл ва турларидан фойдаланиш тавсия этилади:

**№ Мустақил ишларнинг шакллари**

1. Репродуктив шаклдаги мустақил ишлар

**Мустақил ишларнинг турлари**

- фаннинг айrim мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш ва конспект қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Қонунларини, Президент Ислом Каримовнинг асаллари ва

- маъruzаларини, Президент қарорлари, фармонлари, Вазирлар Макҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни мустақил ўрганиш ва конспектлаштириш;
- маъruzаларни видео ҳамда аудио орқали кўриш, эшитиш ва конспект қилиш;
  - мултимедиа воситалари орқали слайдлар, видео материалларни кўриш, эшитиш ва ўзлаштириш;
  - ўкув материалларини қайтариш, ёд олиш ва бошқалар.
2. Англаш-изланиш (қидириш) шаклидаги мустақил ишлар
- мустақил равишда ахборотлар, кўргазмали воситаларни тайёрлаш, маъruzалар ва бошқа материалларни ўрганиш;
  - ҳисоб-китоб ва аналитик ишларни бажариш, тестлар ечиш;
  - семинар, амалий ва бошқа машғулотларда маъruzалар билан чиқишилар қилиш;
  - уй ишлари, назорат ишлари, тақдимотлар, рефератлар, кейс-стадилар ва бошқаларни бажариш.
3. Ижодий иш шаклидаги мустақил ишлар
- эссе, курс ишлари ва битириув малакавий ишлари тайёрлаш ва ҳимоя қилиш;
  - илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш ва илмий ҳисботлар тайёрлашда қатнашиш;
  - талабаларнинг илмий тўгаракларида иштирок этиш;
  - илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш, илмий мақолалар ва маъруза тезислари тайёрлаш ҳамда чоп эттириш.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан–семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларнинг топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндошишга ўрганиб бориши керак.

Талабаларнинг мустақил иши таълим ва тарбиянинг шундай вазифаларига бўйсундирилганки, семестр давомида ўкув жараёни тўлалигича талабалар томонидан фаол, онгли, пухта ва тизимли равишда фан асосларини ўзлаштириш ва уларда иқтисодий дунёқарашни шакллантириш имконини беради. Бу вазифалар таълим жараёни ва шахсни шакллантириш қонуниятларини билмасдан ва фойдаланмасдан туриб ҳал қилиниши мумкин эмас. Қуйида уларнинг мазмунига қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Мавзуни мустақил ўзлаштириш**. Фаннинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиб беришга хизмат қиласиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиласиган саволларга эътибор қаратиш, асосий ҳамда қўшимча адабиётлар ва ахборот манбалари кўрсатилиши лозим.

Топширикни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб, ушбу мавзуни конспектлаштирадилар, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, керакли адабиётларни топа олмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к.) фаннинг профессор-ўқитувчисидан маслаҳатлар оладилар. Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн профессор-ўқитувчига ҳимоя қилиш орқали топширилади.

**Реферат тайёрлаш** – мазкур фан бўйича ўтиладиган семинар машғулотидаги чиқишига қараганда мазмун ва сифат жиҳатдан юқори бўлиб, шубҳасиз катта фойда келтиради. Талаба аудитория олдида рефератда баён қилинган қоидаларни ҳимоя қилишга, ёқлашга тайёрланиши керак, Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни ўрганишда бу муҳим аҳамиятга эга.

Реферат - бу талабалар мустақил ишларининг самарали шаклларидан бириди. Мазкур шакл талаба томонидан реферат мавзусини танлаш, унда ёритиладиган масалалар мазмунини олдиндан режалаштириш, рефератни тайёрлаш ва муҳокама қилишнинг барча босқичларида фан бўйича машғулот олиб борувчи кафедра профессор-ўқитувчиларининг ташкилий-услубий ёрдами ва маслаҳати асосидагина самарали амалга ошиши мумкин. Бу ерда профессор-ўқитувчи томонидан талабаларнинг реферат ишларига раҳбарлик қилиш қанчалик батафсил ва малакали амалга оширилганлиги ва рефератларга талаблар мезони қанчалик тўғри қўйилганлиги албатта, ҳал қилувчи роль ўйнайди. Топшириқ талабаларнинг реферат ёзиш кўникмаларини, илмий қизиқишлари ва билим даражасини хисобга олган ҳолда берилиши жуда муҳим.

Реферат таркибий жиҳатдан титул, мундарижа, кириш, асосий қисм, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топади.

Кириш қисмida талаба реферат мавзусининг долзарблиги, уни ёритишдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ҳамда рефератда очиб бериладиган саволларни қисқача ёритади.

Асосий қисмда мавзуни очиб беришга хизмат қиласиган саволлар (параграфларни) режада келтирилган кетма-кетликда, талабанинг ўз мустақил мушоҳадаси ва фикрларига таянган ҳолда, адабиётлардан олинган илмий ва назарий материаллар (уларга ҳавола келтирилган ҳолда), турли статистик ва оператив маълумотлар (уларнинг манбалари кўрсатилилган ҳолда) асосида батафсил ёритилади.

Хулоса ва тавсиялар қисмида талаба ўз мустақил ёндошуви ва ижодий фикрлашини намоён этиши ҳамда қисқа сатрларда мавзуни ёритиш жараёнида олинган хулосалари ва тавсияларини тартиб билан режада келтирилган кетма-кетликда ифодалаши лозим.

**Кейс-стадилар (муаммоли вазиятлар таҳлили) тайёрлаш.** Кейс усули ([ингл. Case method](#) - кейс-усули, кейс-стади) аниқ бир вазият ёки муаммоли ҳолат таҳлили сифатида таълим бериш ҳамда ўрганиш техникасини ифодалайди. Кейс-стади усулида иқтисодий, ижтимоий ёки бизнес соҳасида юзага келган аниқ муаммолар, вазиятли ҳолатлар батафсил ёритилади ҳамда уларни ҳал этиш бўйича хулосалар, ечимлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Бу усулда талabalар бирор-бир фирма ёки компанияда бизнес билан боғлиқ юзага келган муаммо ёки вазиятни муфассал ўрганиб, таҳлил этишлари ҳамда бу вазиятни бартараф этишнинг турли муқобил варианtlарини ишлаб чиқишилари ва улардан энг оптимал битта ечимни танлаб олишлари талаб қилинади.

Кейслар асосан реал воқеалар ва вазиятларга асосланган бўлиши ҳамда ишлаб чиқариш амалиётидан олинган бўлиши мақсадга мувофиқ. Профессор-ўқитувчи кейсни ечиш жараёнида талabalарни бизнес билан боғлиқ бўлган муаммолар ва вазиятли ҳолатлар ечимларини топишга, энг оптимал бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши ҳамда альтернатив (муқобил) танлов шароитида қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтиради.

Тайёрланган кейсларнинг муваффақияти қуйидаги учта мезонларга мос келишига боғлиқ:

1. Бошланғич маълумотлар базасининг (оператив, статистик, бухгалтерия, режа, молиявий ва бошқа.) етарли ҳажмда эканлиги.
2. Кейсларни ишлаб чиқишида амалиётдан мутахассисларнинг иштирок этиши.
3. Муаммонинг ечимини излаб топишда таҳлилнинг турли усулларини кўллашга имкон берувчи бекиёс бизнес вазияти ёки муаммоли ҳолатнинг мавжудлиги.

Кейс-стадиларни адабиётлар, журнал ва газеталарда эълон қилинган бизнесга оид вазиятлар, мақолалар ва маълумотлар асосида тайёрлаш ҳам мумкин. Аммо, бирор-бир фирманинг реал ҳаётидан олинган ва реал вазиятларга асосланган кейслар қимматли бўлиб, талаба кейсни ёзиш жараёнида фирмага бориб, у ердаги мутахассислар ва менежерлар билан мулоқот ўтказиши ҳамда фирма ҳисботларидан фойдаланиши жуда муҳимдир.

**Кўргазмали воситалар тайёрлаш.** Талабага муайян мавзуни баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида бажариладиган кўргазмали материаллар тайёрлаш вазифаси топширилади. Мавзу профессор-ўқитувчи томонидан аникланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриклар берилади. Кўргазмали воситаларнинг микдори, шакли ва мазмuni талаба томонидан

мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага ёки талабалар гуруҳига топшириш ҳам мумкин.

**Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш**. Талабага мустақил иш сифатида муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш вазифаси топширилади.

Бунда профессор-ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар ва уни тузиш қонун-қоидалари, қандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, муаммоли саволлар тузишида мавзунинг мунозарали жиҳатларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқ берилади.

**Талабаларнинг илмий-назарий конференциялари - улар мустақил ишларининг шаклларидан бириди**. Кафедра профессор-ўқитувчилари талабалар илмий-назарий конференциясини ташкил этиш орқали ўз ишини гурухнинг касбий йўналтирилганлигини, қизиқишлиарини ҳисобга олиб, табақалашган ҳолда ташкил қилиши керак. Фақат шу ҳолдагина талабаларнинг конференцияни ўтказишда фаол иштироки ва манфаатдорлиги таъминланади. Талабаларнинг илмий-амалий конференцияларини қўйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1-bosқич – ўқитилаётган фан бўйича барча ўқув гуруҳларида конференцияларни ўтказиш;

2-bosқич – ҳар бир гуруҳдан танлаб олинган талабаларнинг энг яхши маъruzalарини факультет ва факультетлараро конференцияга тақдим этиш ҳамда ўтказиш;

3-bosқич – факультетлараро конференцияда танлаб олинган энг яхши маъruzalарни умумуниверситет илмий-назарий конференциясига тақдим этиш.

Барча гуруҳлар учун ягона бўлган конференция мавзусини тасдиқлаб, талабаларнинг маъруза ва чиқишлиарини гуруҳларнинг қизиқишлиарига қараб ихтисослаштириш мумкин.

**Илмий мақолалар, тезислар ва маъruzalар тайёрлаш**. Талабага бирон-бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи ҳам танлаши мумкин) илмий мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли бўлган материаллар тўплайди ва булар асосида илмий мақола ҳамда маъруза тезислари тайёрлайди.

## **2. Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари**

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишда қўйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Талабалар мустақил ишларини икки кўринишда – аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ташкил этиш.

2. Талабалар мустақил ишларини тизимли равища, яъни босқичмабосқич, оддийдан мураккабга қараб ташкил этилишини таъминлаш.

3. Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш:

- талабанинг ўқиши босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти, ўзлаштиришдаги қийинчилик даражасига;
- талабанинг қобилияти, назарий ва амалий тайёргарлик даражасига;
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражасига;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражасига;
- мустақил иш учун топшириқлар курсдан-курсга ўтиш билан шакл ва ҳажм жиҳатидан ўзгариб боришига;
- мустақил ишни фан хусусияти ҳамда талабанинг академик ўзлаштириш даражасига ва қобилиятига мос ҳолда ташкил этиши.

### **3. Мустақил ишни амалга оширишда талаба бажариши лозим бўлган вазифалар**

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишда қуйидаги вазифаларни бажаришлари лозим:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- зарур маълумотларни излаб топиш учун кулай усулларни ва воситаларни аниқлаш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда меъёрий хужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув ва илмий адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- Интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- маълумотлар базасини таҳдил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар даврасида ҳимоя қилиш.

### **4. Талабалар мустақил иши мавзулари ва мазмуни, уларни бажариш шакллари**

“Пул кредит ва банклар” фани бўйича талабаларнинг мустақил иш мавзулари ва мазмуни, уларни бажариш шакллари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар	Бажарилиш муддатлари	Ҳажми (соатда )
--	---	----------------------	-----------------

Пулнинг пайдо бўлиши, зарурлиги ва функциялари	Пулнинг функциялари ва унинг такорор ишлаб чиқаришдаги ўрни ва пул турлари тўғрисида тушунча бериш	1-Хафта	2
Пул назарияси пул айланиши	Пул айланиши ва унинг моҳияти билан таништириш. Пул айланишининг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро боғликлиги тўғрисида тушунча бериш.	2-Хафта	2
Пул муомаласини ташкил қилиш ва пул массаси	Пул муомаласи қонуни ва унинг моҳияти тўғрисида кўникма хосил қилиш Пул массаси ва пулнинг айланиш тезлиги билан танишиш.	3-Хафта	2
Пул тизими: тушунчаси, шакллари ва элементлари	Пул тизими ва унинг турлари билан танишиш. Ривожланган мамлакатларда ва Ўзбекистонда пултизими тўғрисида кўникма хосил қилиш	4-Хафта	2
Инфляция ва унинг турлари. пулнинг барқарорлигини таъминлаш йўллари	Инфляция моҳияти ва уни келиб чиқиш сабабларини ўрганиш. Инфляциянинг турлари ва пайдо бўлиш шакллари билан танишиш.	5-Хафта	2
Пул ислоҳатлари	Пул ислоҳотларини амалга оширишнинг зарурлиги. Пул ислоҳотларини амалга ошириш шарт-шароитлари. Пул ислоҳотларини амалга ошириш усууллари. Деноминация ва уни амалга ошириш тартиби. Нуллификация ва уни амалга ошириш тартиби. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган пул ислоҳотлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.	6-Хафта	2
Кредитнинг моҳияти ва функциялари	Ссуда капитали харакати, унинг хусусиятлари ва ссуда капитал бозори тўғрисида тушунча хосил қилиш. Кредит муносабатлари ривожланиши нинг асосий босқичлари билан танишиш.	7-Хафта	2
Кредит тизими ва кредит бозори	Кредит тизими, унинг таркибий қисмларини ўрганиш. Ихтисослашган нобанг кредит тизими ва кредит бозори хусусиятларини ўрганиш	8-Хафта	2

Молия ва молия тизими	Молиянинг ижтимоий иқтисодий моҳиятини ўрганиш. Молиянинг функциялари билан танишиш. Молия тизими ва унинг бўғинларига тасниф бераолиш.	9-Хафта	2
Корхоналар молияси	Корхоналар молиясининг моҳиятини ўрганиш Корхоналар молиясининг ташкил этишининг тамойилларини ўрганиш.	10-Хафта	2
Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги вазифалар.	Банкларнинг келиб чиқиши ва моҳияти . Банкларнинг функциялари ва тамоиллари Банк тизимлари моделлари ва банк турлари билан танишиш.	11-Хафта	4
Тижорат банкларининг иқтисодий аҳамияти ва операциялари	Тижорат банкларининг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари. Тижорат банкларининг пассив операциялари Тижорат банкларининг актив операциялари. Банкнинг комиссион (воситачилик) ва траст операциялари билан танишиш	12-Хафта	4
<b>Қимматли қоғозларнинг моҳияти ва шакллари</b>	Қимматли қоғозларнинг моҳияти ва уларнинг асосий турларига таснифлаш. Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг таркибий тузилмасини ўрганиш	13-Хафта	4
<b>Хосилавий қимматли қоғозлар.</b>	Қимматли қоғозларнинг турлари. Акция бошқа турдаги қимматли қоғозлардан фарки. Облигация тушунчаси.Хосила мажбуриятлари Депозит ва жамғарма сертификатлари. Хосилавий қимматли қоғозлар тушунчаси.	14-Хафта	4
Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва валюта тизими	Халқаро валюта муносабатоари ва валюта тизими. Жахон валюта тизимининг ривожланиш босқичлари. Европа валюта тизими билин танишиш.	15-Хафта	4
Суғурталаш ва суғурта иши	Суғуртанинг вужудга келиши, ҳуқуқий асослари билан танишиш. Суғуртанинг иқтисодий моҳиятини ўрганиш.	16 Хафта	2
Суғуртада тарифлар сиёсати	<b>Тариф ставкаси ва тариф</b>	17 Хафта	2

	<b>сиёсати, Актуар ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва вазифалари, Суғурта тарифларини қуришнинг услубий жиҳатлари</b>		
“Пул, кредит ва банклар” фанининг моҳияти ва фаннадаги асосий категориялар хусусиятлари	“Пул, кредит ва банклар” фанининг предмети ва вазифалари. Фанинг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Пулнинг моҳияти ва унинг намоён бўлиш шакллари. Кредит иқтисодий категория сифатида. Кредитнинг зарурлигини белгиловчи омиллар. Банк тушунчаси, банкларнинг турлари ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.	1 хафта	4
Халқаро валюта муносабатлари ва қимматбахо қоғозлар бозори	Халқаро валюта муносабатлари ва уларни юзага келиш асослари. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари. Жаҳон валюта тизими ва унинг элементлари. Валюта муносабатларини тартибга солиш тизими. Молия бозори ва қимматли қоғозлар бозорининг роли, вазифалари ва функциялари. Қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш, унинг структураси ва вазифалари.	2 хафта	4
	<b>ЖАМИ</b>		52

## **5. Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартиби**

Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар дарси аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва унинг бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида ташкил қилинади. Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар дарси фанинг календарь-тематик режасига мувофиқ ўтказилади. Маслаҳат дарси тегишли фанинг профессор-ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

Фанинг профессор-ўқитувчиси маслаҳат дарсида қўйидаги ишларни амалга оширади:

- талабалар мустақил ишлари топшириқларини бажариш юзасидан тегишли йўлланма беради.

- топшириқни бажариш режасини тузишга ёрдамлашади;
- тегишли адабиётлар ахборот манбаларини тавсия қилади;
- талабалар мустақил ишлари юзасидан тайёрланган ишланма, ҳисобот, реферат, ҳисоб-китоб ва топшириқ натижаларини қабул қилади ҳамда баҳолайди.

Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар ўқув жараёнининг ташкил этилишига қараб талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида амалга ошириладиган дарс жадвалига киритилади.

## **6. Талабалар мустақил ишларини назорат қилиш, баҳолаш тартиби ва мезонлари**

Мустақил ишларнинг бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли бўйруғи билан амалга киритилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”нинг 17-бандига асосан жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва уларга ажратилган тегишли баллардан келиб чиқкан ҳолда баҳоланади.

“Пул кредит ва банклар” фани бўйича талабалар мустақил ишларини жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида қўйидаги топшириқларни бажариш орқали назорат қилиш ҳамда баҳолаш тавсия этилади:

Т. р	Мустақил иш шакллари	Топшириш муддати	Баҳолаш мезонлари
<b>1. Жорий назоратда баҳоланадиган ишлар:</b>			
1.	Талабанинг маъруза машғулотларда фаоллиги, муентазам равишда конспект юритишига	1-ОНгача 2-ОНгача ЯНгача	3 баллгача 2 баллгача 1-баллгача
2.	Алоҳида мавзулар бўйича кейс-стади тайёрлаш	1-ОНгача	3 баллгача
3.	Алоҳида мавзулар бўйича тақдимот тайёрлаш	2-ОНгача	3 балгача
4.	Корхона иқтисодиёти фани бўйича барча ўтилган маърузаларни ўзлаштириш	ЯНгача	3 баллгача
<b>2. Оралиқ назоратда баҳоланадиган ишлар:</b>			
1.	Тасдиқланган мавзулар бўйича якка тартибда ҳимоя учун реферат тайёрлаш	11-17 ҳафталар оралиғида	10 баллгача
2.	Тасдиқланган мавзулар бўйича гурӯҳ тартибида ҳимоя учун тақдимот тайёрлаш	11-17 ҳафталар оралиғида	10 баллгача
<b>3. Якуний назоратда баҳоланадиган ишлар:</b>			
1.	Кейс-стади, эссе, назорат иши ёки бошқа кўринишдаги мустақил ишларни	Семестрнинг охирги икки	5 баллгача

	бажариш	ҳафтасида	
--	---------	-----------	--

Талабалар мустақил ишларининг жорий, оралиқ ва якуни назорат турлари бўйича ташкил этилиши фан бўйича ишчи ўқув режа ва дастурида мустақил таълимга ажратилган ўқув соатлари ҳажмини тўлиқ қамраб олишга, талабаларда мустақил фикрлаш, илмий-ижодий изланиш, мустақил қарорлар қабул қилиш ҳамда таълим йўналиши давлат таълим стандартларида белгиланган касбий кўникмаларни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

ГЛОССАРИЙ			
атаманинг ўзбекча номланиши	атаманинг русча номланиши	атаманинг инглизча номланиши	атаманинг маъноси
Актив тўлов баланси -	Активный платёжный баланс	Active pay balance	тўлов балансида тушумлар суммаси тўловлар суммасидан ортиқ бўлади.
Акцептли кредит –	Акцептный кредит	Acceptance credit	бунда банк, унга мижоз томонидан қўйилган ўтказилувчан Векселни маълум шарт билан акцептлашдир.
Банк кредити -	Банковский кредит	Bank credit	экспорт ва импортни кредитлашда ссуда формасида намоён бўлади ва у товарлар, товар хужжатлари, векселларни, ҳамда траттани гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзларига чамбарчас алоқада бўлган йирик экспортёр- фирмаларга бланкли

			кредит, яъни расмий таъминланмаган кредитлар беришади.
<b>Банк кредити-</b>	<b>Банковский кредит</b>	<b>Bank credit</b>	банклар пулни унинг соҳиблариға фоиз тўлаш шарти билан ўз қўлида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз олишдир.
<b>Вақтинчалик усул -</b>	<b>Временный метод</b>	<b>Temporal method</b>	тўлов баланси дефицитини чет эл капиталини, яъни тадбиркорлик ва ссуда капиталларини киритиш йўли блан қоплашга айтилади.
<b>Валюта қамали -</b>	<b>Валютные преграды</b>	<b>Currency barriers</b>	халқаро ташкилотлар ёки айрим мамлакатлар гурухи томонидан баъзи бир мамлакатларга нисбатан валюта тушумларининг келиш жараёнида тўсқинлик қилиш тушунилади.
<b>Валюта бозорлари -</b>	<b>Валютный рынок</b>	<b>Currency market</b>	бу талаб ва таклиф асосида турли хил валюталар олди-сотди қилинадиган расмий марказлардир.
<b>Валюта бозорларидаги операциялар-</b>	<b>Операции валютного рынка</b>	<b>operations of currency market</b>	ташқи савдо бўйича халқаро ҳисоб-китоблар, халқаро туризм, капиталлар ва кредитларнинг давлатлараро ҳаракати ва чет эл валютасини олди-сотди қилишт билан боғлиқ бошқа ҳисоб-китоб операциялари ҳисобланади.
<b>Валюта интервенцияси -</b>	<b>Валютные интервенции</b>	<b>Currency interventions</b>	Марказий банк томонидан миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида чет эл валютани сотиш ва сотиб олиш

			операцияларидир.
Валюта курси -	валютный курс	rate of exchange	<b>валюта бозоридаги чет эл валютасига эга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқади.</b>
<b>Валюта муносабатлари -</b>	<b>Валютные отношения</b>	<b>Currency relations</b>	валютанинг жаҳон оборотидаги ҳаракати натижасида вужудга келадиган пул муносабатидир.
<b>Валюта операциялари -</b>	<b>Валютные операции</b>	<b>Currency operations</b>	чет эл валюталари ва валютавий қимматликларга мулк хуқуқини алмашиниши билан боғлиқ операцияларга айтилади.
<b>Валюта резервларини диверсификация қилиш-.</b>	<b>Диверсификация валютных резервов</b>	<b>Diversification of currency backlogs</b>	бир вақтнинг ўзида 1 неча етакчи эркин алмашинадиган валюталарда чет эл валюта резервларини ташкил қилиш - валюта резервларини диверсификация қилиш дейилади
<b>Валюта риски -</b>	<b>Валютные риски</b>	<b>Currency risk</b>	валюта курсларини ўзгариши натижасида юзага келадиган заар қўриш хавфи тушунилади.
<b>Валюта сиёсати -</b>	<b>Валютная политика</b>	<b>Currency politics</b>	бу халқаро валюта муносабатлари соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндисидир.
<b>Валюта тизими-</b>	<b>Валютная система</b>	<b>Currency system</b>	валюта муносабатини ташкил қилишнинг давлат хуқуқи шакли.
<b>Валютанинг курс режими-.</b>	<b>Курсовый режим валют</b>	<b>Course mode of currencies</b>	биринчидан, агар миллий валютанинг курси эркин тарзда валюта бозорида талаб ва таклиф асосида аниқланса, бу эркин сузуб юрувчи курс режими деб аталади

<b>Валютавий инқироз -</b>	<b>Валютный кризис</b>	<b>Currency crisis</b>	халқаро валюта муносабатларида юзага келадиган кескин зиддиятларга айтилади.
<b>Векселли кредит-</b>	<b>Вексельный кредит</b>	<b>Paper credit</b>	экспортёр товарни сотиш хақида битим тузиб, ўтказма вексел (тратта)ни импортёрга жўнатади, импортёр тижорат хужжатларини олиб акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.
<b>Воситалашган кафолатлар-</b>	<b>Посреднические гарантии</b>	<b>guarantees of mediators</b>	кафолат берувчи ўзига хос тарзда воситачилик вазифасини ўтайди. Бундай кафолатлар экспорт-импорт операцияларида кенг ишлатилади.
<b>Девальвация</b>	<b>Девальвация</b>	<b>Devaluation</b>	- бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан расман қонуний асосда пасайтирилиши.
<b>Девиз сиёсати -</b>	<b>Девизная политика</b>	<b>Motto politics</b>	бу давлат органларининг чет эл валюталарини сотиш ёки сотиб олиш орқали миллий валюта курсига таъсир этиш сиёсатига айтилади.
<b>Дисконт ставкаси-</b>	<b>Дисконтная ставка</b>	<b>Discount rate</b>	учёт ставкаси, Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир.
<b>Дисконт сиёсати -</b>	<b>Дисконтная политика</b>	<b>Discount politics</b>	Марказий банкнинг учёт ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига

			таъсир этиш сиёсатидир.
<b>Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати баланси-.</b>	<b>Баланс движения капитала</b>	<b>Capital balance sheet</b>	тадбиркорлик билан ссуда капиталининг ҳаракати акс эттирилади
<b>Кредит дискриминацияси</b>	<b>Кредитная дискриминация</b>	<b>Credit discrimination</b>	- бу кредит олишда, ундан фойдаланишда ёки халқаро кредитни тўлашда маълум бир қарз олувчиларга иқтисодий ва сиёсий босимни юзага келтирувчи оғир ва қийин шартларни қўйишидир.
<b>Кредит-</b>	<b>Кредит</b>	<b>Credit</b>	ўз эгалари қўлида вақтингча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга хақ тўлаш шарти билан олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқсан муносабатдир.
<b>Кредит тамойиллари-</b>	<b>Принципы кредита</b>	<b>Credit principles</b>	товар ва пул қўринишидаги маблағларни: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мақсадлилик</li> <li>• қайтариб беришлик,</li> <li>• муддатлилик</li> <li>• фоиз тўлаш гаров шартлари асосида бериш натижасидир.</li> </ul>
<b>Кредит-</b>	<b>Кредит</b>	<b>Credit</b>	ўзга мулки бўлган пулни қарзга олиб ишлатиш борасидаги муносабатдир.
<b>Молия-</b>	<b>Финансы</b>	<b>Finances</b>	барча хўжалик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағлари хусусидаги алоқадир.
<b>Кредит субъектлари-</b>	<b>Субъекты кредита</b>	<b>Credit subjects</b>	корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳолидир.
<b>Кредит объекти-</b>	<b>Объекты кредита</b>	<b>Credit objects</b>	вақтингча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

<b>Тижорат кредити-</b>	Коммерческий кредит	Trade credit	сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида берадиган кредитидир.
<b>Истеъмол кредити-</b>	Потребительский кредит	Consumer credit	тижорат банклари ицеъмолчиларга товар сотиб олиш учун берган қарзидир.
<b>Давлат кредити-</b>	Государственный кредит	Consumer credit	банклар давлатдан қарз олишидир.
<b>Халқаро кредит-</b>	<b>международный кредит</b>	<b>international credit</b>	бу ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат товар ва валюта кўринишидаги маблағларни қайтариб беришилик, муддатлилик ва хақ тўлашлик асосида бериш билан боғлиқдир.
<b>Ссуда-.</b>	<b>Ссуда</b>	<b>Loan</b>	қарзга бериладиган пул ссуда дейилади
<b>Ссуда капитали-</b>	<b>Ссудный капитал</b>	<b>Loan capital</b>	қарзга берилган пул ишга солиниб, янгидан пул топиш, даромад олиш учун ишлатилишидир.
<b>Кредитни қайта тақсимлаш-.</b>	<b>Перераспределение кредита</b>	<b>Redistribution of credit</b>	жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини бу пулларга эхтиёжманд бўлган субъектлар ўртасида қайта тақсимлашдир
<b>Кредит турлари</b>	<b>Виды кредита</b>	<b>Types of credit</b>	қисқа муддатли кредитлар (муддати бир йилгача бўлган кредитлар) узоқ муддатли кредитлар (муддати бир йилдан ортиқ бўлган кредитлар) дир.
<b>Кредитлаш чегараси-</b>	<b>Границы кредитования</b>	<b>Borders of crediting</b>	кредит муносабатларининг субъектларига ёки ссудаларнинг турларига нисбатан аниқ кўрсаткичлар шаклида

			белгилаб кўйиладиган кредитдан фойдаланишнинг қатъий чегараси кредитлаш чегарасидир.
<b>Кредитнинг чегаралари-</b>	<b>Границы кредита</b>	<b>Credit borders</b>	кредитнинг бошқа иқтисодий категориялардан фарқли томонларини, айни вақтда, ўша категориилар билан ўзаро алоқаларини мужассамлаштирувчи тушунчадир.
<b>Кредитлаштириш-</b>	<b>Кредитование</b>	<b>Crediting</b>	кредит ресурслари ҳисобидан тадбирларни амалга ошириш даражасидир.
<b>Лизинг-.</b>	<b>Лизинг</b>	<b>Leasing</b>	бу заводларни, саноат товарларини, ускуналарни, қўзғалмас мулкларни мулк эгаси томонидан уларни ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатиш учун ижарага бериш тўғрисидаги шартномадир
<b>Кредит механизми-</b>			хўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб, кредитлаш шартларини усуллари ва кредитни бошқаришдир.
<b>Кредитга лаёқатлилик-.</b>			корхонанинг банқдан сўраган ссудани у ўз вақтида ва тулиқ қайтара олиш имкониятидир
<b>Кредит сиёсати-</b>			банкнинг кредит ресурсларини жойлаштириш соҳасидаги қарорларни қабўл қилишга имкон берувчи қоидалар ва чекланишлар мажмуидир.
<b>Контокоррент кредити-</b>			банкнинг мижози бўлган корхона кўп сонли

			корхоналар билан икки томонлама алоқада бўлган ҳолларда қўллашдир.
<b>Маржа-</b>			савдо, биржа, сугурта ва банк амалиётида товарлар нархи, валюта ва қимматбаҳо қоғозлар кўрси, фоиз ставкалари ва бошқа кўрсаткичлар фарқини ифодалаш учун ишлатиладиган атамадир.
<b>Кредит экспансияси-</b>			мамлакатнинг ссуда капиталлари бозорида фоиз ставкаларининг пасайиши натижасида кредит олувчиликнинг кўпайиши ва бунинг оқибатида, кредит қўйилмалари ҳажмининг кескин кўпайишидир.
<b>Ремолиялаштириш сиёсати-</b>			марказий банк томонидан тижорат банклари ихтиёридаги тижорат Векселларни ҳамда қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш ва шу йўл билан кредит беришдир.
<b>Кредит ресурсларининг аукциони-</b>			кредит ресурсларини эркин, очиқ тарзда аукцион орқали сотишдир.
<b>Мажбурий захиралар сиёсати-</b>			тижорат банклари жалб қилган маблағларидан маълум бир қисмини Марказий банкнинг захира фондига ўтказилишидир.
<b>Кросс курс -</b>			бир мамлакатнинг валютасини иккинчи бир мамлакат валютасига нисбатан USD орқали ифодаланадиган нисбати. Кросс курс халқаро миқёсда кенг қўлланилади. Уни асосан иирик компаниялар ва

			корпорациялар қўллади. Бу валюта курсини аниқлашнинг реал йўли хисобланади.
<b>Ломбард кредити -</b>			тижорат банклари Марказий банкдан ўзларининг портфелидан қимматбаҳо қофозларни гаровга қўйиш орқали кредит олиш - бу ломбард кредити хисобланади.
<b>Либор-</b>			Лондондаги жаҳон ссуда капиталлари бозорида етакчи эркин алмашинадиган валюталар-АҚШ доллари, Германия маркаси, Япония иенаси, Буюк британия фунт церлинги каби валюталардаги депозитларга тўланадиган фоиз ставкасидир.
<b>Миллий валютанинг паритети -</b>			миллий валюта қийматининг хорижий валюта қийматига нисбати бўлиб, у хисобланадиган кўрсатгич хисобланади ва миллий валюта курсини белгилаш учун асос булиб хизмат қиласди.
<b>Муаммоли ссудалар-</b>			қайтарилиш муддати келган, лекин банк мижозининг тўловга ноқобиллиги туфайли тўланмаётган ссудалардир.
<b>Очиқ счёtlар бўйича бериладиган кредит-</b>			Экспортёр жўнатилган хар бир товарлар қийматини импортёрнинг хисобига қарз сифатида қайд қилиб боради.
<b>Пассив тўлов баланси-</b>			тушумлар суммаси тўловлар суммасидан бўлади.

<b>Ревальвация -</b>			бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан ошириш. Ревальвация асосан импортни рағбатлантириш ва миллий бозорни ўша мамлакат товарлари билан тўлдириш мақсадида қўлланилади.
<b>Савдо баланси-</b>			экспорт ва импорт операциялари бўйича валюта тўловлари ва тушумларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади. Кредитга сотиб олинган товарлар қиймати бу ерда акс эттирилмайди.
<b>Спот операцияси -</b>			бир валютани спот операцияси бўйича сотиб олиш ва форвард шарти бўйича сотишига ёки форвард шарти бўйича сотиб олиш ва спот шарти бўйича сотишга айтилади.
<b>Спот операциялари - .</b>			валюта битими тузилгандан сўнг, валюталар икки иш кунида келиб тушадиган операциялар
<b>Субстандарт кредитлар-</b>			2 тўлов даврида фоиз йифиндиси тўланмаган кредитлардир.
<b>Тасдиқланган кафолатлар-</b>			кафолатларни тасдиқлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, банк ўз мижози бўлган импортёрнинг тўлов мажбуриятлари бўйича кафолат берган бўлса, экспортёрнинг банки ҳам ушбу кафолатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бу эса,

			мавжуд кафолатларни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.
<b>Тўғри кафолатлар –</b>			бунда кафолат берувчи томон бевосита экспорт-импорт операцияларига кафолат беради. Бунда мазкур тўлов бўйича мажбуриятларини тўлиқ ўз зиммасига олади. Бундай кафолатлар тўлов талабномалари бўйича хисоб-китоблар, хужжатлаштирилган аккредитив бўйича хисоб-китобларда кенг қўлланилади.
<b>Тўлов баланси -.</b>			мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушумлари ва тўловларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади
<b>Фирма кредити -</b>			экспортёр мамлакатнинг бир фирмаси бошқа мамлакатнинг импортёрига тўловни кечикириш шаклидаги ссуда беришига тушунилади.
<b>Форвард операциялари -</b>			белгиланган муддатда, аммо икки иш кунидан ошик бўлган муддатда амалга ошириладиган операцияларга айтилади. Амалиётда форвард битимларини амалга оширишнинг стандарт муддатлари учрайди. Стандарт муддатларга 1; 3; 6; 9; ва 12 ойларни киритиш мумкин.

<b>Халқаро кафолатлар -</b>			товарлар ва капиталлар харакатини узлуксиз ва доимий харакат қилинишини таъминланишига хизмат қилиб Марказий банклар, тижорат банклари, корпорациялар, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилади.
<b>Халқаро кредит муносабатлари нинг субъектлари -.</b>			тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, йирик корхоналар, регионал ва халқаро молия-кредит ташкилотлари қатнашади
<b>Халқаро ҳисоб-китоблар-</b>			ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг харакати билан боғлиқ валютавий операциялар, валютада олди-сотди қилиш операциялари ва бошқа товарсиз харакатдаги операциялар мажмую тушунилади.
<b>Харид аванси -</b>			экспортни кредитлашнинг бир формаси бўлиб ҳисобланади ва шу вақтнинг ўзида импортёрнинг мажбуриятини таъминловчи воситадир.
<b>Ҳисобли кредит-</b>			Векселни тижорат банкига сотиш йўли билан олинадиган кредитдир.
<b>Ломбард кредити-</b>			қисқа муддатли, микдори қатъий белгиланган ссуда бўлиб, осон сотиладиган қўзғалувчи мулқдир.
<b>Рамбурсли кредит-</b>			аккредитивни акцептли кредит билан уйғунлашувидир.
<b>Банк акцепти-</b>			импортёр банки томонидан унинг

			Векселини акцептланишидир.
<b>Еврокредитлар</b> -.			евровалюталарда бериладиган кредитлардир
<b>Евровалюта-</b>			ўша валютани мамлакат ташқарисидаги барча йифиндисидир.
<b>Харид кредити-</b>			экспортёр банкнинг тӯғридан тӯғри миллий экспортёрги кредитламасдан, балки чет эллик харидорни, яъни, импортёр мамлакат фирмаси ва унинг банкини кредитлаш ҳисобланади.
<b>Хизматлар ва тижорат характерига эга бўлмаган тўловлар баланси-</b>			транспорт, почта, телеграф, телефон, туризм, маданий алоқалар, переводлар, хорижий мамлакатлар худудида харбий қисмларни сақлаш, чет элда савдо ва дипломатик ваколатхоналарни очиш, халқаро кредитлар бўйича тўланадиган фоизлар ва бошқа шу каби соҳаларда юзага келувчи валютавий тушумлар ва тўловлар суммаси акс эттирилади.
<b>Чет эл валюталарини диверсификац ия қилиш -</b>			бир вақтнинг ўзида бир нечта чет эл валютасида резервлар ташкил қилиш тушунилади.
<b>Ҳисоб-китоб баланси -</b>			шундай иқтисодий категорияки, бунда мамлакатнинг хорижий давлатларга нисбатан талаб ва мажбуриятларининг умумий суммаси кўрсатилади.
<b>ЭАВ-</b>	<b>ЭАВ</b>	<b>ЕАВ</b>	мамлакатнинг тўлов

			балансини жорий операциялар бўлимига валютавий чеклашлар бўлмаса, бу мамлакатнинг пули эркин алмашадиган валюта деб тан олинади.
<b>Қайта молиялаштириш сиёсати -</b>			Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.
<b>Фоиз ставкаси-</b>			қарздор кишининг олган қарзи учун пул эгасига тўлайдиган тўловидир.
<b>Фоиз хавф хатари-</b>			фоиз ставкаларининг даражаси ва харакатининг ўзгариши натижасида зарар кўриш хавфидир.
<b>Фоиз хавф хатарини бошқариш усуллари</b>			активларни бошқариш ; пассивларни бошқариш; фоиз маржасини бошқариш
<b>Шубҳали кредитлар-</b>			3 тўлов даврида фоиз йиғиндиси тўланмаган ва 1 марта асосий қарз йиғиндиси тўланмаган кредитлардир.

# ИЛОВАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

«Тасдиқлайман»  
Ўқув ишлар бўйича проректор  
Ф.Шарипов ев  
«\_\_\_» 2018 йил.

**«ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР»**

**фани бўйича**

Таълим йўналиши: 5230100-Иқтисодиёт

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Умумий ўқув соати: 124

Шу жумладан:

Маъруза - 4

Амалий машғулоти- 68

Мустақил ишлаш соати- 52

**Гулистон 2018 й.**

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

**Тузувчи: Бекмуҳамедова Б.Ў.- “Иқтисодиёт” кафедраси катта**

ўқитувчиси \_\_\_\_\_ (имзо)

**Тақризчи: Райимбердиева О.Р. – ГулДУ и.ф.н. Доцент \_\_\_\_\_ (имзо)**

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Иқтисодиёт” кафедрасининг 2018йил “\_\_\_”  
даги \_\_\_ - сонли мажлисида кўриб чиқилиб, факультет Илмий-услубий  
Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

**Кафедра мудири:**

**Доц Сатторқулов О.Т.**

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Ижтимоий -иқтисодий” факультети Илмий-услубий Кенгашининг 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги “\_\_\_” - сонли мажлисида тасдиқланди.

**Факультет Илмий-услубий**

Кенгashi раиси:

**Тўйчибоев Б.Б**

## **1.КИРИШ**

Олий таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, келажакда қасбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мосланишга лаёкатли кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини замонавий ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Пул, кредит ва банклар фанидан ишчи дастур – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўнікма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилияtlарини ривожлантаришни йўналтирилган ўқув –услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

### **1.1. Фаннинг мақсади ва вазифалари**

Пул, кредит ва банклар фанинг ушбу укув ишчи дастури Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабаридан келиб чиқсан холда Давлат стандартлари бўйича бакалавриат даражасидаги малакали иқтисодчи – мутахассислар тайёрлашни мақсад қилиб қўяди.

Махсус курснинг вазифалари талабаларни пул, кредит ва банклар фанини назарий асослари билан куроллантириш; ушбу фаннинг ва соҳани конун-коидаларини, иқтисодий ходиса ва жараёнлар мазмунини янада теран ва чукур мантикий мушохада қилиш учун зарур бўлган услубий ёндашувларни эгаллашига эришишда кумаклашиш; меҳнат иқтисодиёти ва ижтимоий муносабатлар тўғрисида амалий кўникмаларни хосил қилиш.

### **1.2. Фанни ўзлаштирган талабанинг малакавий даражалари**

Фанни ўзлаштирган талаба:

- Пулнинг функциялари ва унинг такрор ишлаб чиқаришдаги ўрни ўрганади;
- Пул айланишининг таркибий қисимлари ажратиш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилаш;
- Ссуда капитали ҳаракати, унинг хусусиятларини ажратиш , ва ссуда капитал бозорини ўрганиш;
- Ихтисослашган нобанк кредит тизими. Кредит бозори хусусиятларини тахлил қилиш;
- Корхоналар молиясининг ташкил этишнинг тамойиллари;
- **Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш босқичлари асосларини;**
- **Ўзбекистон Республикасида инфляцион холат ва антиинфляцион сиёсатини ўрганиш;**
- **Листинг ва делистинг жараёнлари ҳамда уларга қўйиладиган талабарини белгилаш;**
- Суғуртанинг иқтисодий моҳияти. Суғурта шаклларини тўлиқ ўрганади.

### **1.3. Фаннинг ўқув режасидаги фанлар билан боғлиқлиги**

Пул, кредит ва банклар фанини чуқур ўзлаштириш, назарий ва амалий масалалар ечимини тўлиқ ниҳоясига етказиш учун қатор фундаментал фанларга асосланади;

чунончи: иқтисодиёт назарияси, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт ва статистика назарияси ва бошқалар;

Иқтисодиёт назарияси фанининг пул тўғрисидаги, кредит тўғрисидаги, молия тўғрисидаги, банклар, қимматли қоғозлар тўғрисидаги дастлабги тушунчалари ;

Микроиқтисодиёт фанининг микроиқтисодий кўрсаткичларни хисоблаш ва тахлил қилиш жихатлари;

Макроиқтисодиёт фанининг микро даражадаги кўрсаткичлар ва холатлар тахлили билан боғлиқдир;

Статистика назарияси фани асосида холатлар ва статистик кўрсаткичлар асосида тахлиллар олиб бориш.

#### **1.4. Фанни ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларидан**

##### **фойдаланиш**

Фанни ўқитишида талабаларнинг билимини рейтинг назорати тизимини қўллаб аниқлашга асосланган замонавий педагогик технологиялар қўлланилади Талабаларга ушбу фанни ўқитишида компьютер технологиясидан, Internet маълумотларидан маъруза материаллари сифатида, амалий машғулотларда, масалалар ишлашда фойдаланиш, ҳамда тест саволлари тўпламидан фойдаланиш тавсия этилади.

#### **2. Ўқув материаллари мазмуни**

##### **2.1. Маъруза машғулотлари мазмуни**

###### **2.1.1. “Пул, кредит ва банклар” фанининг моҳияти ва фаннадаги асосий категориялар хусусиятлари (2 соат)**

Пулнинг вужудга келиши, пулнинг зарурлиги, унинг ривожланиш тарихи, пулнинг функциялари, пулнинг турлари, пулларнинг роли..Пул назариясининг моҳияти, пул айланиши ва унинг моҳияти, пул айланишининг таркибий қисимлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.Пул муомаласи тушунчаси ва таркиби, пул муомаласи қонуни ва унинг моҳияти, пул массаси ва пулнинг айланиш тезлиги, пул муомаласини тартибга солиш усууллари, Ўзбекистон республикаси марказий банкнинг нақд пул муомаласи бўйича асосий вазифалари. Ссуда капитали ҳаракати, унинг хусусиятлари, ссуда капитал бозори . Кредит муносабатлари ривожланишининг асосий босқичлари. Кредитнинг моҳияти ва функциялари. Кредитнинг асосий шаклларига тавсифнома. Банкларнинг келиб чиқиши ва моҳияти Банкларнинг функциялари ва тамоиллари. Банк тизимлари моделлари ва банк турлари, Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш босқичлари, Марказий банкнинг вазифалари ва функциялари. Тижорат банкларининг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари. Тижорат банкларининг пассив операциялари, Тижорат банкларининг актив операциялари. Банкнинг комиссион (воситачилик) ва траст операциялари.Тижорат банкларнинг инвестицион фаолияти ва сиёсати. Тижорат банкларининг молиявий хизматлари ва ҳалқаро операциялари. [A.2.6-229; A.4.8-252; A.3.106; К.5.9-59].

##### **2.1.2. Ҳалқаро валюта муносабатлари ва қимматбаҳо қоғозлар бозори (2 соат)**

Ҳалқаро валюта муносабатоари ва валюта тизими. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиш босқичлари . Европа валюта тизими Инфляция моҳияти ва уни келиб чиқиш сабаблари, Инфляциянинг турлари ва пайдо бўлиш шакллари, Ўзбекистон Республикасида инфляцион холат ва антиинфляцион сиёсат, Инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари Қимматли қоғозларнинг моҳияти ва уларнинг асосий турларига тасниф, Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва уларнинг турлари, Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг таркибий тузилмаси, Фонд биржаси – бозор иқтисодиётининг энг муҳим институти сифатида, Листинг ва делистинг жараёнлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар [A.1.5-13; A.2.6-38;A.3.7-15;A.4.6-24; К.1.5-39].

##### **2.2. Амалий машғулотлар мазмуни**

###### **2.2.1. Пулнинг пайдо бўлиши, зарурлиги ва функциялари (4 соат).**

Пулнинг вужудга келиши, пулнинг зарурлиги, унинг ривожланиш тарихи, пулнинг функциялари, пулнинг турлари, пулларнинг роли.[A.1.5-13; A.2.6-38;A.3.7-15;A.4.6-24; K.1.5-39]..

### **2.2.2. Пул назарияси Пул айланиши. (4 соат).**

Пул назариясининг моҳияти, пул айланиши ва унинг моҳияти, пул айланишининг таркибий қисимлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. [A.1.20-31; A.2.46-59;A.3.37-72; A.4.27-53;A.4. 83-88; K1. 60-93 ].

### **2.2.3. Пул муомаласини ташкил қилиш ва пул массаси (4 соат)**

Пул муомаласи тушунчаси ва таркиби, пул муомаласи қонуни ва унинг моҳияти, пул массаси ва пулнинг айланиш тезлиги, пул муомаласини тартибга солиш усуллари, Ўзбекистон республикаси марказий банкнинг нақд пул муомаласи бўйича асосий вазифалари. [A.2.79-96; A.4. 60-65; K.1.107-123].

### **2.2.4. Пул тизими: тушунчаси, шакллари ва элементлари (4 соат).**

Пул тизимининг моҳияти ва элементлари, пул тизими ва унинг турлари, ривожланган мамлакатларда пул тизими, Ўзбекитонда пул тизимининг ташкил топиши ва ривожланиши. [A.2.101-115; A.4. 69-75; K.1. 86-91].

### **2.2.5. Инфляция ва унинг турлари. пулнинг барқарорлигини таъминлаш йўллари (4 соат)**

Инфляция моҳияти ва уни келиб чиқиш сабаблари, Инфляциянинг турлари ва пайдо бўлиш шакллари, Ўзбекистон Республикасида инфляцион холат ва антиинфляцион сиёsat, Инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари [A.1.231-241; A.3.77-91; A.4. 93-103;A.2. 121-130;K.1.107].

### **2.2.6. Пул ислоҳотлари (4 соат )**

